

875
С. КАРИМОВ, Х. МАМАТОВ
И. БҮРИЕВ

ЮРИСТНИНГ
НУТҚ
МАДАНИЯТИ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

С. КАРИМОВ, Х.МАМАТОВ, И.БЎРИЕВ

ЮРИСТНИНГ НУТҚ МАДАНИЯТИ

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги томонидан бакалавр йўналишидаги талабалар
учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган.*



С. Каримов, Х.Маматов, И.Буриев. ЮРИСТНИНГ НУТҚ
МАДАНИЯТИ. Ўқув қўлланма – Тошкент:
«Зарқалам» нашриёти, 2004. –130 б.

Юридик тилни пухта эгаллаш бўлажак юристларнинг касбий тайёргарлигини мустаҳкамлашга, олаётган билимларини янада такомиллаштиришга имкон яратади. 56 соатга мулжалланган «Юри-стнинг нутқ маданияти» курси ҳам маълум маънода ана шу вази-фаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Мазкур қўлланма бакалавр талабаларнинг ушбу курсни за-мон талаблари даражасида ўзлаштиришига қўмаклашиш мақса-дида ёзилган.

Масъул муҳаррир: юридик фанлари номзоди,
доцент **Жаҳонгир Ибодуллаев**

Тақризчилар: филология фанлари доктори,
профессор **Бозорбой Ўринбоев;**
юридик фанлари доктори,
профессор **Зиёдулла Муқимов.**

*Ахлоқ — маънавиятнинг ўзаги.
Инсон ахлоқи шунчалик салом-
алик, хуш муомаладангина иборат эмас. Ахлоқ бу, аввало, инсоф ва адолат туйғуси, имон, ҳалоллик деганидир.*

И.А.Каримов

С Ў З Б О Ш И

Ўзбек миллатининг узоқ асрлик тарихида кейинги ўн йилликда эришган мустақиллигимиз алоҳида ўрин тутди. Мустақиллик неча асрлар давомида яратилган бой маънавий-маърифий ва илмий меросимизни нафақат ўрганиш, балки, уни давр талаблари асосида қайтадан идрок этиш ва миллий манфаатимизга хизмат қилдириш вазифасини олдимизга қўйди. Тўпланган тажрибаларимиз ва қадриятларимиз негизида миллий истиқлол мафкурасининг янги гача тамойиллари яратилди. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдек пировард мақсадимиздан келиб чиқиб, таълим-тарбия, маънавий-маърифий соҳалардаги фаолиятимизни улкан бир вазифага — халқимиз онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш, уларда узоқ йиллар давомида шаклланган ва улуғланган умуминсоний ва миллий қадриятларни қайта ўзлаштириш, эъзозлаш ҳамда унинг ақидаларини ҳаётда қўллашга қаратмоқдамиз. Бу борада қиладиган ишларимизни Президентимиз И.А.Каримов аниқ-равшан кўрсатиб берганлар: «Эндиги вазифамиз шундан иборатки, миллий истиқлол ғояси тушунчалари асосида кенг жамоатчилик, зиёлиларимиз, илм-фан ва маданият намояндалари, аввало, маънавий-маърифий соҳа ходимлари миллий мафкурани такомиллаштириш ҳамда унинг асосий тамойилларини одамлар

онгига ва қалбига сингдиришга қаратилган ишларни янги босқичга кўтаришлари зарур»¹.

Давлатимиз раҳбари белгилаб берган вазифаларни амалга оширишдан ҳеч ким четда турмайди. Давр барча зиёлилар қатори ҳуқуқшунослар ва тилшунослар олдига ҳам янги вазифалар қўйди. Бу вазифаларни амалга оширишни лўнда қилиб, бир томондан, яратилаётган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг жаҳон андозалари даражасида бўлиши ҳамда миллий менталитетимиз ва манфаатимизни ҳимоя қилиши, иккинчи томондан, уларнинг давлат тилида мукамал яратилган бўлиши, ҳам қонуний, ҳам тил жиҳатидан ҳеч бир эътирозларга ўрин қолдирмаслиги зарур, деган маънода тушуниш керак. Бунинг устига, халқимиз ўртасида ҳуқуқий маданиятни тарғиб қилиш, уларни қонунлар ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлардан хабардор қилиб бориш, нутқ маданияти билан боғлиқ бўлган ғоятда масъулиятли вазифани амалга оширишни ҳам тақозо этади. Демак, ҳуқуқшунослар маълум малакавий ва нутқий кўникмаларни эгаллашлари лозим бўлади.

Афсуски, ўзбек нутқи маданиятининг ҳозирги даражасида юристлар нутқини юқори деб айта олмаймиз. Тил илмидан яхши хабардор бўлмаган юристдан ўзбек тилида малакали ҳужжат ёзиш ёки омма олдида чиқишни талаб қилиб бўладими? Йўқ, албатта.

Ҳозирда яратилаётган кўплаб қонунлар маълум лингвистик изоҳларни талаб қилмоқда. Аммо биз бунга тайёرمизми? Афсуски, ҳозирча бундай дея олмаймиз.

«Ислоҳотлар доимо қонунларнинг ўзгаришига сабаб бўлган, шу билан бирга ҳуқуқий тил ривожланишига туртки бўлган. Бирон бир сўзни нотўғри ишлатиш, жумланинг нотўғри тузилиши, тиниш белгиларининг хато қўйилиши туфайли қонун чиқарувчи соҳа сингари оғир оқибатларга олиб келадиган ижтимоий фаолиятнинг бошқа бирор соҳасини топиш кийин бўлса керак». «...ҳуқуқий ислоҳот ва у билан боғлиқ бўлган қонун ҳужжатлари сонининг шиддат билан кўпайиши амалиёт талабига кўра, ҳаёт билан чамбарчас боғланган юридик «тил»нинг

¹ Каримов И.А. Сўз боши. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. — Тошкент : Ўзбекистон, 2000, 8-бет.

назарий моделини — «андозасини» ишлаб чиқиш, тил ва ҳуқуқнинг ўзаро таъсири ва бир-бирини тақозо қилишининг барча омилларини ўрганишни долзарб муаммолар қаторига қўяди». - деб ёзади А.Саидов².

Жамиятимизга барча касбдаги кишилар ва уларнинг меҳнати кераклигини ҳеч ким инкор этмайди. Аммо ҳар бир миллат дунё илми ва маданиятида она тили бисоти билан қанчалик фахрлана олиши мумкинлигини ҳам чуқур англаймиз. Бинобарин, тил - маънавият кўзгуси, маърифат чироғи, билим калити экан, унга ҳеч қачон иккинчи даражали нарса деб қарай олмаймиз.

Юридик тил муаммолари бўйича тадқиқотлар олиб бораётган Ш.Кучимовнинг ёзишга қараганда, АҚШнинг Иллинойс ва Чикаго университетларида, Англия, Швеция каби давлатларнинг олий юридик таълими тизимида ҳуқуқшунос кадрларнинг тил тайёргарлигига алоҳида эътибор қаратилади, ҳар бир талаба махсус тил тайёргарлигидан ўтади, тил фани билан боғлиқ «Нутқ ўрганишга кириш», «Юридик нутқ», «Суд нотиклиги», «Судда нутқ сўзлаш ва ҳақиқат муаммолари», «Ёзма нутқ», «Оммавий муомала нутқи», «Сиёсий нутқ», «Ижтимоий нутқий муомала», «Баённомалар (протоколлар) таҳлили», «Нутқ мактаби» каби 45 дан ортиқ махсус ўқув курслари мавжуд³.

Ҳуқуқшунослик йўналишидаги таълим тизимида ўқитиладиган «Юристинг нутқ маданияти» курси талабаларга тил билан боғлиқ амалиётда учрайдиган шу каби муаммоларнинг ечимини топишда ёрдам беришга, юридик тил сирларини, қонун-қоидаларини, нутқий маданият кўникмаларини ўргатишга қаратилган.

Тилшунослар ва ҳуқуқшунослар ҳамкорлигида яратилган ушбу қўлланма илк уринишлардан бўлганлиги туфайли унда камчиликларнинг бўлиши табиий. Улар ҳақида беғараз фикр-мулоҳазаларини билдирадиган ҳамкасбларимизга олдиндан миннатдорчилик изҳор этамиз.

² Саидов А., Саркисянц Г. Юридик тил ва ҳуқуқшунос нутқи. - Тошкент: Адолат, 1994, 3-бет.

³ Кучимов Ш.Н. Ҳуқуқий атамаларни ўзбек тилида ифода-лашнинг илмий-назарий муаммолари: Филол.фан.д-ри ...дис.автореф. - Тошкент, 2003, 16-бет.

НУТҚ МАДАНИЯТИ ВА ҲУҚУҚ

Р е ж а:

1. Тил ва нутқ, тил маданияти ва нутқ маданияти тушунчалари.
2. Тил ва ҳуқуқнинг ўзаро муносабатлари.
3. Нутқ шакллари ва уларнинг ҳуқуқий фаолият жараёнидаги вазифалари.
4. Ҳуқуққа оид муносабатлар тизимида мулоқот стратегияси ва тактикаси.

Таянч сўз ва иборалар: ҳуқуқ, тил, фаолият шакллари, эҳтиёж, ифода воситалари, нутқ, воқеаланиш, нутқ турлари, оғзаки ва ёзма нутқ, нутқий маданият, нутқ сифати, нутқ мазмуни, коммуникатив мақсади, мулоқотнинг хусусий шакллари, мулоқотдаги анъанавийлик, диалогик ва монологик нутқ.

Табиат ва жамият маҳсули бўлган инсон, айни пайтда, уларнинг олий намунаси ҳам саналиб, оламни нарса ва предмет шаклида, воқеа ва ҳодиса тарзида миясида акс эттиради, идрок қилади, фикрлайди. Бу жараёнда муҳим восита ҳисобланган тилнинг аҳамияти ғоятда муҳимдир. Шунинг учун ҳам тил ва тафаккурни бир-биридан алоҳида тарзда тасаввур қилиб бўлмайди. «Тил билан тафаккур бир-бирини тақозо этадиган ажралмас ҳодисадир. Тилсиз тафаккур бўлмаганидек, тил ҳам тафаккурсиз бўлмайди»⁴.

Тилнинг инсон учун фикрлаш воситаси бўлиши, моддий асос сифатида хизмат қилиши унинг амалда бўлишидаги биринчи босқич ҳисобланиб, иккинчи босқичда фикр, тафаккур маҳсули реаллашади, яъни у миядан ташқарига чиқади. Шундай қилиб, иккинчи босқичда тил коммуникатив — алоқа вазифасини бажаришга киришади.

⁴ Содиқов А., Абдуазизов А., Ирисқулов М. Тилшуносликка кириш. — Тошкент: Ўқитувчи, 1981, 20-бет.

Материал мақомида турган тил муомала воситасига, нутқий жараён қуролига айланиши билан унинг имконият доираси ҳам кенгайиб боради. Бу ҳолни учинчи босқич деб аташ мумкин. Босқичлар сони ортиб боравергани сари тилнинг ижтимоийлик моҳияти ҳам очилиб бораверади. Инсон нутқий фаолиятида коммуникатив вазифани бажарётган тил кўмагида суҳбатдош ёки тингловчига маълум ахборот ҳам етказилади. Демак, тилга бўлган муносабатда туртинчи босқич юзага келади.

Тил инсонлар ўртасида алоқа воситаси бўлиши, табиат ва жамиятдаги нарса ва ҳодисалар тўғрисида хабар беришдан ташқари суҳбатдош ёки тингловчига маълум таъсир ўтказиш, унинг ҳиссиётини қўзғатиш кучига ҳам эга. Агар бу ҳолатни шартли равишда бешинчи босқич деб атайдиган бўлсак, таъкидлаганимиздек, тилнинг босқичма-босқич такомиллашиб, мукамаллашиб ва имкониятлари ҳам аста-секинлик билан кенгайиб боришини кузатамиз.

Мана шу ўринда тилнинг ҳеч бир имконияти нутқсиз, нутқий жараёнсиз амалга ошмаслиги, юзага келмаслигига ҳам амин бўламиз. «Тил ва тафаккурнинг бирлиги нутқда ўз ифодасини топади. Нутқ оғзаки ва ёзма ҳолда мавжуд бўлиб, унда фикримиз моддий шаклга, яъни ҳиссий идрок этиладиган шаклга киради ва шу тариқа у энди бир шахсга эмас, балки жамиятга тегишли бўлиб қолади»⁵.

Маълум бўладики, тил нутқнинг ўта муҳим унсури сифатида алоқа, хабар бериш, таъсир этиш, шу билан бирга, имкониятлари ниҳоятда кенгайиб бориши натижасида кишилик жамияти тўплаган тажриба ва билимларни келажак авлодларга етказишдек улуғвор ижтимоий вазифани бажаради.

Ўз шаклланиши ва ривожланиб бориши давомида узоқ тарихий йўлни босиб ўтадиган тил аста-секинлик билан бўлса-да, такомиллашиб боради. Бу ҳолни унинг ички қурилишида, амалда бўлиш қоидаларининг маълум бир тизимга кела боришида кузатамиз. «Ички қурилиши нуқтаи назардан тил маълум миқдордаги бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган тил бирликларининг йиғиндиси ва ана шу

⁵ *Ҳайруллаев М., Ҳақбердиев М.* Мантиқ. – Тошкент, 1993, 31-бет).

бирликлардан фойдаланиш қоидаларидан ташкил топган мураккаб системадир»⁶. Тилнинг такомиллашиб бориши ва нутқ жараёнидаги босқичларини таниқли тилшунос олимлар Ҳ.Неъматов ва Р.Расуловлар систем тилшунослик «тил-меъёр-нутқ» тарзида ажратишини таъкидлашиб, қайд қиладиларки, «тил бевосита кузатишда берилмаган. У жамият аъзоларининг онгида мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси учун тайёр, умумий, мажбурий бўлган, фикрни шакллантириш ва уни ифодалашга хизмат қиладиган бирликлар ва уларнинг ўзаро муносабатлари ҳақидаги тасавурлар йиғиндиси сифатида қаралади.

Нутқ тилнинг намоён бўлиши, рўёбга чиқиши, воқеланиш шакли бўлиб, у бевосита кузатишда берилган, моддий (табиий, физик) шаклга эгадир.

Меъёр (норма) - тил бирликларини нутқнинг у ёки бу кўринишида ишлатиш қонуниятлари ва имкониятлари бўлиб, улар жамият томонидан белгиланган ва аниқлангандир»⁷. Англашилаётганики, тил ва нутқ материал ва унинг воқеланиши нуқтаи назаридан бошқа-бошқа тушунчалар бўлиши билан бирга, улар бир-бирларисиз мутлақо яшай олмайди ҳам. Меъёр эса уларнинг яшаш тарзини белгилайди.

Жамият тараққиёти билан инсонларнинг тилга бўлган эҳтиёжи ҳам ўсиб бораверади. Бу эҳтиёжларни қондириш зарурати эса ўз навбатида тилнинг ижтимоий ҳодиса сифатидаги табиатини, моҳиятини, вазифасини ўрганишни тақозо қилади.

Бунда маълум тилнинг истеъмолчиси бўлган халқ, бу халқ яшаган ва яшаб келаётган тарихий шароит, унинг маиший, маънавий-маърифий турмуши, ижтимоий-фалсафий ва эстетик дунёқараши, урф-одатлари сингари қатор омилларни ҳам эътиборда сақлаб туриш лозим бўлади. Чунки инсон фаолиятининг муҳим қисми саналган тилни ва унинг ўзига хос хусусиятлари ва имкониятларини ана шундай қуршовда ўрганишгина атрофлича хулосалар чиқаришга кўмаклашади. Шу билан бирга, тил ҳодисаларини, унинг меъёрий жиҳат-

⁶ Содиқов А., Абдуазизов А., Ирисқулов М. Тилшуносликка кириш, 22-бет.

⁷ Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. — Тошкент: Ўқитувчи, 1995, 7-бет.

ларини тадқиқ этишда миллий хусусиятларни ҳам ҳисобга олиш керак. Ўз она тили - барча ўзига хослиги билан шаклланган тили бўлгани учун ҳам у миллат саналади. Шундай экан тил тарихини, унинг меъёрий нуқтаи назардан шаклланиш жараёнини, кўламини миллат тарихидан ажратиб олган ҳолда ўрганиб бўлмайди.

Тилнинг ёзма ва оғзаки меъёрларини белгилаш муаммоларини ҳал қилишга ҳар бир миллий тил маданиятини ривожлантиришнинг узвий қисми сифатида қаралади. Шунинг учун ҳам меъёр масалаларининг нутқ маданияти доирасида ўрганилиши бежиз эмас, албатта. «... нутқ маданияти проблемасининг ўрганилиши ... икки аспектга эга дейиш мумкин: биринчиси, ўзбек адабий тили нормаларини, имконият доираларини янада силлиқлаш, стабиллаш билан боғлиқ бўлган нутқ маданияти проблемалари; иккинчиси эса ўзбек адабий тилидан бу тилда гапирувчи жамият аъзоларининг (ҳатто конкрет шахсларнинг) тўғри, изчил ҳамда намунали фойдалана олишлари учун ёрдамлашиши билан алоқадор бўлган нутқ маданияти проблемалари»⁸.

Ҳуш, нутқ маданияти нима? Ана шу саволга жавоб бериш ушбу мавзунинг асосий мақсади саналади.

Саволга жавобларни бу соҳанинг мутахассислари бўлган олимларнинг асарларидан топамиз. Масалан, С.И.Ожегов: «Юқори нутқ маданияти нима? Юқори нутқ маданияти — бу ўз фикрларини тил воситалари билан тўғри, аниқ ва таъсирчан қилиб бера олишдир. Тўғри нутқ деб эса ҳозирги адабий тил меъёрларига риоя қилиб тузилган нутққа айтилади. Аммо юқори нутқ маданияти фақатгина меъёрга риоя қилишдангина иборат эмас. У фикрни ифодалашнинг аниқ воситасини излаш билан бирга, бирмунча таъсирчан ва мақсадга мувофиқ воситаларни топиш уқувини ҳам ўз ичига олади»⁹, деб ёзса, Л.И.Скворцов: «Нутқ маданияти» тушунчаси бир томондан нутқнинг адабий тил меъёрларига мос келиш даражасини билдирса, иккинчи томондан, тилшунослик

⁸ *Бегматов Э.* Нутқ маданияти проблемасининг пайдо бўлиши ва асосланиши // «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами. — Тошкент: Фан, 1973, 168-бет.

⁹ *Ожегов С.И.* Лексикология. Лексикография. Культура речи. — М., 1974, с.287-288.

фанининг маданият қуроли бўлган адабий тилни мукаммаллаштириш мақсадида меъёрлаштириш муаммолари билан шуғулланувчи соҳасидир»¹⁰, деган фикрни илгари сурган.

Демак, нутқ маданияти, агар масалага тил нуқтаи назардан қараладиган бўлса, бу, энг аввало, нутқнинг тўғрилиги демакдир. Иккинчидан эса, у услубий жиҳатдан силлиқ бўлиши керак, яъни унда ноаниқликка, икки маъноликка, узундан-узоқликка йўл қўйилмаслиги, қисқалик, соддалик ва аниқлик бу нутқнинг асосий ўлчови бўлиши лозим. Кенг маънода эса нутқ маданияти нутқий таъсирчанликни, ижодий ёрқинликни, фикрий ўткирлик ва образлиликни ифода этади.

Шу соҳанинг йирик билимдони проф. Э.Бегматовнинг қайд этишича, маънавиятимиз тарихида «нутқ одоби» деб юритиб келинган қоидалар унинг кўҳна тарихга эга эканлигидан далолат беради. XX асрнинг 20-30-йилларида бошланган «... «тил қурилиши» номи билан аталган улкан лингвистик ва социал маданий тадбирлар ўз ичига ўша давр тиллари ривожини учун энг зарурий, ҳаётий масалаларни қамраган эди. Чунончи, у янги адабий тил учун диалектал базани белгилаш, ёзувсиз тиллар учун алфавит яратиш, баъзи ноқулай алифболарни бошқа илғорроқ ҳисобланган алифбо билан алмаштириш, адабий тилнинг имло принципларини ишлаш, орфографиядаги камчиликларни тугатиш, адабий тилнинг морфологик ва лексик нормасидаги иккиланиш ва барқарорликни илмий асосда бартараф этиш, ҳали деярли қўл урилмаган жуда кўп халқларнинг адабий тилларини ўрганиш ва уларнинг грамматикасини яратиш, миллатларнинг ўз она тилларида ўқув-ўқитув ишларини олиб боришларига имконият яратиш, миллий адабий тилларнинг ўз илмий терминологиясини яратиш, миллий тиллардаги тарихий-маданий ёдгорликларни ўрганиш, уларнинг янги ёзув графикаларини тузиш ва бошқаларни ўз ичига олган эди.

Тилга олинган бу масалаларнинг барчаси миллий адабий тилларнинг шаклланиши ва ривожини учун хизмат қилади. Бундай шаклланиш ва ривожланиш пиравордида тилнинг адабий нормаларининг (орфографик, орфоэпик, фонетик, морфо-

¹⁰ Основы культуры речи. Хрестоматия. — М.: Высшая школа, 1984, с.29.

логик, лексик, синтактик, стилистик) стабиллашуви, ўсувини кўрсатади. Масалага мана шу томондан ёндашилса, юқорида санаб ўтилган масала, тадбир ва чораларнинг ўзи нутқ маданияти проблемасининг таркибий қисми эканлиги равшан бўлиб қолади»¹¹.

Демак, юқорида таъкидлаганимиздек, нутқ маданияти билан шуғулланиш ўзбек тилшунослиги фани тараққиётининг барча босқичларида диққат марказида бўлган. Аммо унинг алоҳида соҳа сифатида ўрганиш объекти қилиб олиниши кейинги ўн йилликларнинг маҳсулидир. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида тилшунослигимизда нутқ маданияти алоҳида фан сифатида назарий асосга қўйилди, унинг илмий ўрганиш усуллари ишлаб чиқилди, у билан алоқадор бўлган тушунчаларга, жумладан «тил маданияти» тушунчасига алоқадорлик масаласи ҳал этилди.

Бу соҳага бағишлаб ёзилган ишларда тушунчанинг таърифига оид яна қуйидаги изоҳларга дуч келамиз: « а) нутқ маданияти — бир тилда тўғри сўзлаш ва ёзишдир; б) нутқ маданияти — фикрни содда, аниқ ва тушунарли ифодалашдир; в) нутқ маданияти — тилнинг тасвирий ва образли воситаларидан унумли, ўз ўрнида фойдалана билишдир; г) нутқ маданияти — нутқнинг қисқалиги, ихчамлиги, аниқлиги, миллийлигидир; д) нутқ маданияти — нутқнинг содда, барча учун тушунарли бўлишидир...»¹². Бу фикрларнинг барчаси тўғри. Аммо улар масаланинг амалий томонини ёритган бўлиб, ўз назарий асосларини ҳам ишлаб чиқишни тақозо этади. Бу ҳақда Э.Бегматов қуйидагиларни ёзади: «...нутқ маданияти соҳаси ўз ўрни ва фандаги мавқеини тўла эгаллаши учун у назарий жиҳатдан асосланган бўлиши лозим. Биринчидан, бу тушунчанинг тил ҳодисаси ва илмий проблема сифатида тарихи ёритилмоғи керак. Иккинчидан, нутқ маданияти соҳасини ўрганувчи асосий объект бўлган тил ҳодисаси аниқланиши керак. Учинчидан, нутқ маданиятининг илмий-тадқиқий объекти билан боғлиқ проблемалар белгиланиши лозим. Тўртинчидан

¹¹ Бегматов Э. Нутқ маданияти проблемасининг пайдо бўлиши ва асосланиши, 166-167-бетлар.

¹² Носиров Ў. Нутқ маданияти ва давр. // «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами. — Тошкент: Фан, 1973, 119-120-бетлар.

эса, нутқ маданиятини ўрганиш аспектилари (лингвистик ва экстралингвистик) чегараланиши зарур»¹³. Олим «Тилшуносликнинг муҳим соҳаси» (1973), «Нутқ маданияти тушунчаси ҳақида» (1975), «Нутқ маданияти мезонлари» (1976), «Ўзбек нутқи маданияти масалалари» (1980), «Нотиқнинг нодир бойлиги» (1980), «Адабий норма ва нутқ маданияти» (1983), «Нутқ маданияти очерклари» (1988), «Ўзбек нутқи маданияти асослари» (1992), «Нутқ маданияти ва услубият асослари» (1992), «Адабий норма назарияси» (1997, 1998, 1999) каби асарларида ўзи ўртага қўйган мазкур масалаларни маълум маънода ижобий ҳал қилиб берди.

Жумладан, олимнинг бу мавзуга алоқадор бўлган *тил маданияти* ва *нутқ маданияти* тушунчалари чегараси ҳақидаги фикрларини олиб кўрайлик. «...нутқ маданияти тушунчаси бу аввало тўғри, шу билан бирга, яхши сўзлаш, яъни маданий нутқий процесс демакдир. Аммо маданий гапириш учун нутқда хизмат қилувчи маданий воситалар, яъни аниқроғи маданий тил воситалари лозим бўлади. Шунга кўра, айтиш мумкинки, маданий нутқ икки фактор асосидагина юзага чиқа олади: а) маданий тил (адабий тил) воситаларининг мавжудлиги, ушбу маданий тил воситаларидан гапирганда ёки ёзганда мақсадга мувофиқ равишда фойдалана олиш.

Келтирилган икки омил асосида нутқ маданияти ҳодисаси ҳам, бизнингча, икки хил талқин қилиниши ва номланиши лозим бўлади:

1. Тил маданияти. 2. Нутқ маданияти ёки сўзлашув маданияти.

Нутқ маданияти тушунчасини тил маданияти ва сўзлаш маданияти тушунчасига ажратиш тилшуносликда изчилликка эга эмас. Умуман, бу икки тушунча, асосан, бирга ёки қориштирилган ҳолда нутқ маданияти ёки тил маданияти термини билан юритилмоқда. Демак, бу ҳолда тил маданияти термини нутқ маданияти терминига эквивалент бўлиб келмоқда. Шу сабабли ҳам, биз нутқ маданияти номи билан умумий тарзда юритилаётган тушунча (ҳодиса)даги икки ҳолатни - тил маданияти ва нутқ, яъни сўзлаш маданиятини фарқлаш тарафдоримиз. Нутқ маданияти тушунчаси ва

¹³ Бегматов Э. Нутқ маданияти проблемасининг пайдо бўлиши ва асосланиши, 156-бет.

термини келтирилган икки ҳодиса учун умумий тасаввур ва умумий ном тарзида тушунилиши мумкин. Ҳуш, тил маданияти тушунчаси нима?

Тил маданияти тушунчаси нутқ маданияти соҳасида тил системасининг ўзини, масалан, ўзбек адабий тилининг воҳита ва имкониятларини, «маданийлаштиришни» кўзда тутади. Демак, тил маданияти термини билан аталувчи тушунча тил системасининг маданийлик даражасини, яъни унинг қанчалик ишланганлиги, нормаланганлигини кўрсатади»¹⁴.

Айтилганлардан англашилаптики, гарчи *тил маданияти* ва *нутқ маданияти* тушунчалари тилшунослик атамаси сифатида бир-бирларидан фарқланса ҳам, аслида уларнинг бирини иккинчисидан ажратиб бўлмайдиган, бири иккинчисини тақозо қиладиган тушунчалардир. *Нутқ маданияти* аниқ маънода тил birlikларини нутқ жараёнида қўллашнинг меъёри, мақсадга мувофиқлигини англатса ҳам, умумий маънода маълум миллатнинг умумтил маданияти доирасида қаралади. Тўғри, нутқ лингвистик ва экстралингвистик омилларни ўз ичига оладиган мураккаб жараён бўлиб, у мантиқ, психология, педагогика, этика, эстетика масалалари билан ҳам боғлиқ. Аммо нутқ учун тилнинг биринчи даражада туришини ҳеч ким инкор қилмайди ва у ҳар бир миллатнинг маданиятини ўзида акс эттиради.

Гарчи тил birlikларини меъёрлаштириш, уни ҳамма учун тушунарли бўлган бир қолипга келтириш умуман тилшуносликнинг вазифаси бўлса ҳам, у нутқ маданияти соҳасининг хизматларини инкор этмайди. Нутқ маданияти тилда маълум меъёрга келтирилган тил birlikларининг нутқда қўлланиш шарт-шароитларини, қонуниятларини назарий жиҳатдан асослайди ҳамда бу меъёрга амал қилишни маълум маънода назорат ҳам қилиб беради. Нутқдаги ютуқ ва камчиликлар таҳлил қилиниб, уларни тугатишнинг энг маъқул йўллари кўрсатиб турилади. «Нутқ маданияти ижтимоий фан сифатида кенг пландаги тил тарбиясини ва оммавий стилистик саводлилигини, бошқача айтганда, сўзловчи ёки ёзувчи омма оралиги тил ҳақидаги

¹⁴ Бегматов Э. «Нутқ маданияти» тушунчаси ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1975, 5-сон, 50-58 бетлар.

фаннинг ҳозирги замон ютуқларини татбиқ этишни ўз олдига вазифа қилиб қўяди»¹⁵.

Шунинг учун ҳам олий таълим давлат стандартларига кўра олий ўқув юртларининг филология ва бошқа факультетларида, жумладан, ҳуқуқшунослик факультетларида алоҳида курс сифатида ўқитилаётган «Нутқ маданияти» предметининг вазифаси нутқ маданияти ҳақида атрофлича тушунча бериш, унинг назарий асослари ва муҳим белгиларини ўргатиш, мутахассислик доирасида уни амалиётга татбиқ этиш йўллари кўрсатиб беришдан иборатдир.

Навбатдаги гап тил маданияти ва нутқ маданияти тушунчаларининг ҳуқуқ соҳасида амал қилиши хусусида. Ҳуқуқий соҳа ва юриспруденция ўз амалиётида тилга катта эҳтиёж сезадиган йўналиш ҳисобланади. Бу, айниқса, кейинги ўн йилликда алоҳида аҳамият касб этди. Чунки мустақиллигини қўлга киритган Ўзбекистон Республикаси ўз тараққиёти ва ривожланишининг янги босқичида ҳуқуқий-демократик тамойилларга асосланган фуқаролик жамияти қуриш йўлидан бормоқда. Ижтимоий ҳаётнинг барча йўналишларида қонун устуворлигини таъминлаши асосий вазифа қилиб қўйилмоқда.

Устуворлик маълум маънода бу қонунлар ва уларнинг ижроси билан боғлиқ бўлган ҳужжатларнинг мукамал бўлишини тақозо қилади. Бу мукамаллик эса, ўз навбатида, уларни Ўзбекистон халқи ва давлати манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳуқуқий асос билан бирга, уларнинг тил жиҳатдан ҳам пухта бўлишини келтириб чиқаради.

Мана шу эҳтиёж ўзбек тили расмий услуги доирасида алоҳида бир тил — юридик тилни вужудга келтирди. Аммо юридик тил қандайдир бир махсус тил эмас. У ҳам ўзбек адабий тилининг таркибий қисми саналади. Аммо ҳуқуқшунослик соҳасида тил воситаларидан фойдаланишнинг шундай бир тизими вужудга келдики, бу ўз навбатида *юридик тил*, *ҳуқуқий тил* атамаларини келтириб чиқарди. Шу билан бирга, *ҳуқуқ* ва *тил* тушунчаларининг ўзаро боғлиқ жиҳатларини ўрганиш масалаларини ўртага қўйди.

¹⁵ Основы культуры речи: Хрестоматия. — М.: Высшая школа, 1984, с.39.

Муҳтарам Президентимиз И.А.Каримов асос солган мамлакатимиз тараққиётининг беш тамойилидан бири — қонун устуворлигини таъмин этиш ўз навбатида ҳуқуқий маданият ва саводхонликка оид қатор масалаларни белгилаб бердики, тилни ўрганмасдан туриб уларни ҳал қилиб бўлмайди. Ҳуқуқий, юридик тилнинг ўзига хос хусусиятларини, унинг умумхалқ маданияти, ҳуқуқий маданият доирасида амал қилиш имкониятларини чуқур ўрганиш бу соҳа мутахассисларининг билим ва малакаси, маънавияти ва маданиятининг янада юксак бўлишига кўмаклашади.

Аммо бугунги кунда ўзбек нутқи маданиятини юқори даражага кўтариш учун олиб бораётган ишларимизни талаблар даражасида деб айта олмаймиз. Мавжуд камчиликлар тилдан ҳуқуқ соҳасида фойдаланишни ҳам қийинлаштирмоқда.

Ишни мутлақо янгича ташкил этишни тақозо этаётган мустақиллик шароитида юридик ҳужжатларга бўлган талаб ва масъулият шу даражада кучайдики, бу она тилимизни ҳар қачонгидан ҳам чуқур ўрганишни тақозо қилмоқда. Ўзбек тили республикамизнинг давлат тили ҳисобланади. Ҳаётга татбиқ этилаётган ҳар бир ҳуқуқий-меъёрий ҳужжат ана шу тилда тайёрланади. Бу ҳужжатларда ноаниқ ёки ўринсиз ишлатилган ҳар бир сўз ёки ибора унинг мазмунига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин. Бу эса ҳуқуқшунослик тизимида ишлайдиган мутахассислардан тил илмини аниқса пишиқ-пухта ўрганишни тақозо этади. Ўзбек тилига доир билимларнинг асосий қисми ўрта ёки ўрта махсус таълим жараёнида эгалланса, у олий таълимда янада чуқурлаштирилади. Ҳуқуқшунослик йўналишидаги олий таълим берувчи ўқув муассасаларида «Юристининг нутқ маданияти» предметининг ўқитилиши қисман бўлса-да, ана шу муаммони ҳал қилишга қаратилган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ўзбек тили ва унинг расмий услуби доирасида шаклланган юридик тил гарчи умумтил ва расмий меъёрларга бўйсунса ҳам, айти пайтда, ўзига хос лексик-грамматик хусусиятларга ҳам эга. Бошқача айтганда, бу соҳанинг кўп йиллар давомида шаклланган ўз терминологик тизими мавжуд. Гап қурилиши ҳам расмий ҳужжатларнинг бошқа турларидан фарқланади. Расмий услубга хос бўлган аниқлик, қисқалик, мантиқийлик сингари хусусиятлар унга ҳам тегишли бўлса-да, уларнинг ҳар

бири ҳуқуқий ҳужжатларда яна ўзига хос тарзда яққол намоён бўлади. Қатъийлик, ўта аниқлик сингари талаблар тил материалини танлашга ўта масъулият билан ёндашишни тақозо қилади.

Бу масалаларни ўрганиш маълум кўникма ва вақтни талаб этади. Афсуски, «Юристнинг нутқ маданияти» курсида ўрганилиши лозим бўлган материал кўп йўқ бўлса-да, маълум даражада имкониятимиз чекланган. Шунинг учун ҳуқуқшунослик факультетларида ўтиладиган «Ўзбек тили ва адабиёти» фани дастури маълум даражада мана шу фан дастури билан мувофиқлаштирилиши ва унда расмий-юридик нутқнинг лексик-грамматик хусусиятларини ўргатишни қамраб олувчи материаллар киритилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Давлат ҳокимияти томонидан белгиланадиган ва қўриқланадиган, жамиятда кишиларнинг ўзаро муносабатларини тартибга соладиган қонун-қондалар, нормалар мажмуи ҳисобланган ҳуқуққа («Ўзбек тилининг изоҳли луғати», II том. — М. «Рус тили» нашриёти, 1981, 714-бет) оид ҳужжатлар ўзбек давлатчилигининг барча даврларида мавжуд бўлган ва замонлар силсиласида такомиллашиб борган. Уларнинг шаклланиш жараёни ёзув тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ҳуқуқий ҳужжатларнинг мукамаллиги маълум даражада ана шу ёзув ва тил маданиятининг такомилга боғлиқ бўлган¹⁶.

Ўзбек давлатчилиги тарихида ҳуқуқнинг мукамал тизими яратилган. Бу ҳақда «Авесто», Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ал ҳидоя» ҳамда «Темур тузуклари» каби манбалардан кўплаб маълумотлар олиш мумкин. Жумладан, тарихимизда мусулмон диний-ҳуқуқ тизими бўлган. Унинг асосий манбалари Қуръони Карим, сунна, саҳобийлар сўзлари, ижмо, қиёс услуби ва бошқалар бўлган. Фикҳ — мусулмон ҳуқуқини, сунна — ҳадислар кўринишидаги ҳуқуқий принципларни, ижмо — қонуншунос олимларнинг умумий фикрларини, қиёс — Қуръон ва суннада берилмаган бирор ҳуқуқий масала улардаги шунга ўхшаш бошқа масала бўйича берилган кўрсатмага қараб, таққос йўли билан шарҳлашни ўзида мужассам этган. Бино-

¹⁶ Бу ҳақда янада кенгроқ маълумотларни қуйидаги манбадан олиш мумкин: *Муқимов З.* Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. — Самарқанд: Зарафшон, 1998.


барин, уларнинг ҳар бири умумий ва ўзига хос тил ва услубда шаклланган.

Ҳозирда амалда бўлган юридик тил ва услубда уларнинг анъаналари қисман мавжуд бўлса-да, аслида тубдан фарқ қилади. Чунки ҳуқуқий манбаларнинг асосий қисми дунё миқёсида амал қилинаётган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, суд прецеденти, ҳуқуқий одат, ҳуқуқий доктрина, жамоат ва халқаро ташкилотларнинг меъёрий актлари ва халқаро шартномалар кўринишидаги замонавий андозаларга мослашган. Шундан келиб чиқиб, юристнинг ҳуқуқий маданияти, жумладан ҳуқуқий-нутқий маданияти олдига қўйиладиган талабларни ҳам ана шу икки жиҳатни мужассам қилган анъанавий ва замонавий тажрибалар умумлашмаси доирасида тушунишимиз тўғри бўлади.

Юридик тил маданиятининг шаклланишига жамият ривожин билан биргаликда юриспруденция ва тил тараққиёти таъсир ўтказди. Чунки ҳуқуқий ҳаётда содир бўлаётган барча ўзгаришлар энг аввало тилда, бинобарин юридик матнлар тилида ўз аксини топади. Қонунлар, фармонлар, қарорлар, фармойишлар, буйруқлар, йўриқномалар ва бошқа шаклдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар учун умумий меъёрлар бўлиши билан бирга, тилдан фойдаланишда ўз меъёрлари ҳам мавжуд. Уларнинг ҳар бири ўз шакли ва мазмунига эга. Шунинг учун ҳам ўзбек юридик тилининг амалда бўлиш хусусиятларини расмий услуб доирасида тагуслуг (подетил) сифатида ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади.

«Ҳуқуқ ривожланишининг тарихий тажрибаларини ўзида мужассам қилган юридик тил инкор этиш мумкин бўлмаган қадрият, ҳуқуқий маданиятнинг ажралмас қисмидир, - дейди проф. А.Саидов. - Юридик тил адабий миллий тилнинг узвий бир қисми бўлиб, лексик-грамматик, услубий хусусиятлари билан бошқа нутқ услубидан фарқ қилади. Миллий тилларда мавжуд бўлган барча тафовутларга қарамасдан ҳамма мамлакатларнинг юриспруденция тилида умумийлик бор. Бу ҳаётдаги умумий қонунлар ва тамойиллар билан изоҳланади»¹⁷. «Юридик тил бир неча турларга бўлинади. Булар: қонун тили ёки давлат юридик тили, илмий юридик тил, суд тили,

¹⁷ Саидов А. Юриспруденция тили ҳақида. Қонун ва тил. — Тошкент, 1997, 64-65-бетлар.



ҳуқуқшунос-муаллим тили, публицист-юрист тили, прокурор тили, адвокат тили ва бошқалардир»¹⁸.

Санаб ўтилган бу кўринишларнинг ҳар бири тилшунослар ва ҳуқуқшунослар ҳамкорлигида ўрганилиши бундан кейин яратиладиган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг, айниқса қонунларнинг мукамал бўлишига олиб келади. Ш.Кўчимовнинг «Ҳуқуқий нормаларни ўзбек тилида ифодалашнинг илмий-назарий муаммолари» мавзусида филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси (2003) мана шу муаммоларнинг маълум қисмини ҳал этишга қаратилган дастлабки йирик тадқиқотдир.

«Сир эмаски, республикамиз мустақилликка эришгунга қадар ўзбек тили расмий иш юритишда, турли давлат ишларида тўла-тўқис қўлланмади, - деб таъкидлайди Ш.Кўчимов. - Айниқса, бу даврда ўзбек ҳуқуқий тили ривожланмади, қонунларнинг ўзбекча матни эса 5-10 та таржимонларнинг ишига айланди, холос. Таржимонлар ўзлари билганича, қандай хоҳлашса, шундай таржима қилдилар. Шу тариқа ўзбек қонунларининг тили ғализлашиб, уни тушуниш қийинлаша борди. Натижада қонуннинг ўзбекча матнини тушуниш учун унинг русча матнига мурожаат қилишга тўғри келади. Шунингдек, русча ҳуқуқий атамаларнинг ўзбекча муқобиллари турли қонунларда (баъзан битта қонунда ҳам) турлича ишлатилган. Таржима жараёнида моддалар мазмунан эмас, сўзма-сўз таржима қилинган.

Ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлари, нозик қирралари ҳисобга олинмаган. Матн ўзбекча бўлишидан қатъий назар, гаплар русча қолипларга солинган, ғализ ва тушунарсиз сўз ва сўз бирикмалари таркиби ошиб кетган»¹⁹.

Мустақиллик туфайли нафақат юридик ҳужжатларни ўзбек тилида яратиш, балки матнни ўзбекча фикрлаш зарурияти ва, айти пайтда, имконияти вужудга келди.

Хўш, ҳуқуқ тилини қандай ўрганиш ва бу ишни нимадан бошлаш керак? Бу саволга таниқли ҳуқуқшунос олимлар уни Конституция тилини ўрганишдан бошлаш лозим

¹⁸ Саидов А., Саркисянц Г. Юридик тил ва ҳуқуқшунос нутқи, 5-бет.

¹⁹ Кўчимов Ш. Тил ва қонунчилик техникаси. Қонун ва тил. — Тошкент, 1997, 104-105-бет.

деб, жавоб беришади. «Конституция тили ўзининг аниқлиги, лўндалиги, равонлиги, бир маънолилиги билан фарқланиб, юридик тил эталони тимсолидир. Конституция устуворлиги принципидан келиб чиқиб, бошқа қонунларда қўллаш учун Конституция матнида фойдаланган атамалар танланиши керак»²⁰.

Ана шу фикрга амал қилинса, юриспруденцияда ўзбек тилидан фойдаланишнинг ягона тизими яратилади. Бу эса атамаларни қўллашда, гап қурилишини шакллантиришда маълум даражада бир хилликка олиб келади.

Бунинг устига, юридик тилга қўйиладиган ғоятда муҳим бир талаб мавжуд. У ҳамма фойдалана оладиган, тушунарли, оммавий тил бўлиши лозим. Масаланинг мураккаблиги ҳам ана шунда. Ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар матнидан бир вақтнинг ўзида ҳам мукамаллик, ҳам оммавийликни даъво қилишимиз унинг яратувчиларидан қанчалик билим ва маҳорат талаб этишини кўрсатади.

Нутқ маданияти дейилганда фақат унинг оғзаки шаклини тушунмаслик керак. Ёзма нутқ маданияти бундан ҳам масъулиятлидир. Тилда барқарорликни таъмин этадиган ёзувнинг ҳуқуқий матнлар шаклланиши, анъанавийлик ва турғунлик мазмуни касб этишида аҳамияти катта. Унинг ёрдамида матнлар нафақат кейинги даврга етказилади, балки ёзма кўникмалар ҳам шаклланади. Умумхалқ тили элементларидан, юридик терминологик тизимдан фойдаланиш йўллари, фикрни қисқа жумлаларда ифодалаш усуллари айнан ана шу ёзма матн туфайли такомиллашиб боради. У маълум маънода кейинги ёзиладиган матнлар учун намуна вазифасини ўтайди. Шунинг учун ҳам юридик ёзма нутқ маданиятини такомиллаштириш нутқ маданияти тизимида алоҳида мавқега эга.

Оғзаки юридик нутқ ҳам умумий оғзаки нутқ маданияти талабларига бўйсунса-да, у масъулиятнинг жиддийлиги билан, ҳуқуқшунослар томонидан ижро этиладиган нутқ инсон тақдирига бевосита алоқадор эканлиги билан ажралиб туради. Нутқнинг ушбу тури асосан суд жараёнида ҳамда ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб бориш давомида шакл-

²⁰ Саидов А. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тили. Қонун ва тил. — Тошкент, 1997, 85-бет.

ланади. Ҳар иккаласи ҳам масъулият талаб этадиган жараён. Шу сабабли ҳуқуқшуноснинг оғзаки нутқи олдига ҳам қатор талаблар қўйиладики, улар ҳақида кейинги мавзуларда алоҳида сўз юритилади.

Хуллас, ҳуқуқшунослик ва ўзбек тилшунослигич тараққиётининг мустақиллик даври босқичида ҳуқуқ ва тил муаммоларини яхлит ҳолда олиб қараб, уларнинг бир-бирига боғлиқ томонларини ўрганиш ғоятда муҳим вазифа саналади. Бу борадаги тадқиқотлар икки фан ўртасидаги янги бир йўналишни вужудга келтириши ҳам мумкин.

Энди бир неча оғиз сўз юристинг муомала маданияти хусусида. Ўзбек халқи дунёда ўз юксак маънавияти ва маданияти мавжуд бўлган туркий халқларнинг бири сифатида тилдан фойдаланишда ҳам қадимий анъаналари, одат ва кўникмаларига эга. Зеро, ана шу анъана ва одатлар ҳар бир халқнинг ўзлигини кўрсата оладиган белгилар саналади.

Ўзининг бой тарихи ва ўтмиши, ҳавас қилса ва намуна олса арзигулик маънавий-маданий меросига эга бўлган ўзбек халқининг мулоқот анъаналари нафақат мазмунан, балки шаклан ҳам ранг-барангдир. Шарқ маънавиятининг таркибий қисми бўлган бу мулоқот ўзбеклар билан ёнма-ён яшаб келаётган бошқа халқлар маданияти билан уйғун, айни пайтда, ўзига хосдир. Кишиларнинг ёшига қараб ҳурмат билдириш ва шунга яраша муомалада бўлиш, суҳбат жараёнидаги самимиятга, суҳбатдошга ён беришга ҳаракат қилиш, ёшларнинг қарияларга, аёлларнинг эрларига ёки эрларнинг аёлларига, фарзандларнинг ота-оналарига, обрўли кишиларга, раҳбарларга бўлган иззат-ҳурматнинг, мезбоннинг меҳмонга бўлган эҳтиромининг аввало мулоқот жараёнида акс этиши ана шу ўзига хосликлар саналади.

Ўзбек халқининг вакили, шу билан бирга, унинг фахри саналадиган ҳуқуқшунос ҳам мулоқот жараёнида бу умуминсоний ва умуммиллий фазилатлар ва қадриятлардан йироқ бўла олмайди. Бу масаланинг умумий томони. Хусусий жиҳати шундан иборатки, ҳуқуқшуносларнинг аксарият қисми давлатнинг ҳуқуқий органларида, таълим-тарбия жараёнида фаол қатнашиб келаётган кишилар ҳисобланишади. Бинобарин, улар халқ билан мунтазам ва мустақкам алоқада бўлган инсонлардир. Ҳукумат ва ҳуқуқий органлар вакили, таълим-тарбия ва тарғибот ишларининг фаол иштирокчиси

бўлишининг ўзиёқ уларнинг масъулияти қай даражада юксак бўлиши лозимлигини кўрсатмоқда. Ана шу масъулият ўз навбатида муомала масъулиятини ҳам келтириб чиқаради. Ҳуқуқшунослар - ички ишлар нозиридан тортиб прокурор-гача, ҳуқуқшунос талабалардан тортиб уларнинг мураббийларигача ҳамиша халқнинг назарида бўлади, кўпчилик уларга ҳавас қилишади ва ўрнак олишади. Ўз навбатида улар ҳам ана шу ҳурмат-эътиборга ва ишончга лойиқ бўлишлари лозим. Бу фикрлар бевосита муомала маданиятига ҳам тегишлидир. Оддий суҳбат бўладими, тергов ва суд жараёни бўладими, тилдан фойдаланишда ҳамиша одоб доирасидан чиқмаслик зарур. Мен давлат ёки ҳуқуқ органи вакилиман, деб ўзига ортиқча баҳо бериш ва оддий кишиларни менсимаслик, уларга кўпол муомалада бўлиш ҳуқуқи ҳеч кимга берилмаган. Тўғри, юристларнинг иш амалиётида ҳам баъзан нозик ва қийин вазиятлар пайдо бўлиб қолади. Масалан, қотиллик ёки номусга тажовуз қилишдек қабих жиноятларни содир қилганлар билан бўладиган тергов ёки суд жараёни, савол-жавоблар ҳамма вақт ҳам осон кечмаслиги мумкин. Аммо шундай пайтларда ҳам барча мулоқотлар инсонийлик доирасида бўлиши, ҳеч кимнинг шахсиятига, нафсониятига, шаънига тегмайдиган даражада бўлиши лозим. Мулоқотнинг саломлашиш, даромад, муддао, тинглаш, муносабат билдириш ва хотима сингари босқичлари умуминсоний қадриятлар доирасида бўлсагина ҳуқуқшунос ўзи кўзлаган мақсадига осон эришади.

Демак, нутқ маданиятини пухта эгаллаш, уни муомала жараёнида мақсадга мувофиқ тарзда қўллаш олиш ҳуқуқшуносга катта масъулият юклашдан ташқари, айти пайтда, унга обрў ҳам келтиради. Бунга эса осонлик билан эришиб бўлмайди. Тил илмини яхши билиш ва уни амалиётда маҳорат билан қўллаш олишгина обрў-эътиборга эришишнинг зарур шарти, омили бўлиб қолади.

Амалий машғулотлар учун вазифалар

Қуйидаги икки матнни бир-бири билан қиёсланг ва таҳлил қилинг. Улардаги ортиқча ёки етишмайди деб ҳисоблаган ўринларга ўзгартиришлар киритинг ва ўз вариантингизни тавсия этинг:

1. *Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 18-модда).*

2. *Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари келиб чиқишларидан, ижтимоий ва мулкий ҳолатидан, ирқи ва миллатидан, жинси, маълумоти, тилидан, динга муносабатидан, сиёсий ва бошқа эътиқодларидан, машғулотининг тури ва савияси ҳамда бошқа ҳолатларидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар (Ўзбекистон Республикаси Фуқаролиги тўғрисидаги қонун).*

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Тил ва нутқ деганда нимани тушунасиз?
2. Нутқ маданияти тушунчасини изоҳлаб беринг.
3. Нутқ маданияти тушунчасининг ҳуқуқий муносабатлар жараёнига қандай алоқаси бор.
4. Юридик тил деганда нимани тушунасиз?
5. Юридик нутқ маданияти нутқнинг бошқа кўринишларидан нимаси билан фарқланиши лозим?

Адабиётлар:

1. *Бегматов Э.* Нутқ маданияти проблемасининг пайдо бўлиши ва асосланиши // «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами. – Тошкент: Фан, 1973.
2. *Кўчимов Ш.* Тил ва қонунчилик техникаси // Қонун ва тил. – Тошкент, 1997.
3. *Муқимов З.* Ўзбекистон давлати ва ҳуқуқи тарихи. – Самарқанд: Зарафшон, 1998.
4. *Неъматов Х., Расулов Р.* Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995.
5. *Саидов А., Саркисянц Г.* Юридик тил ва ҳуқуқшунос нутқи. – Тошкент: Адолат, 1994.
6. *Содиқов А., Абдуазизов А., Ирисқулов М.* Тилшуносликка кириш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1981.
7. *Хайруллаев М., Ҳақбердиев М.* Мантиқ. – Тошкент, 1993.

НУТҚ МАДАНИЯТИ ВА АДАБИЙ ТИЛ МЕЪЁРЛАРИ

Р е ж а

1. Меъёр тушунчаси.
2. Ўзбек адабий тили меъёрий кўринишлари.
3. Нутқ жараёнида меъёрнинг бузилиши ва уларни тузатиш йўллари.
4. Ўзбек тилининг ҳозирги меъёрий ҳолати унинг маданийлик мезони эканлиги.

Таянч сўз ва иборалар: меъёр, меъёрий кўринишлар, имло, урғу, талаффуз, тиниш белгилари, лексик, грамматик, услубий, сўз туркумларида меъёр, сўзларнинг боғланиш қонуниятлари, бошқарув, мослашув, битишув, сўз тартиби, нутқий камчиликлар — оғзаки ва ёзма нутқдаги камчиликлар, варваризмлар, диалектизмлар, вульгаризмлар, жаргонизмлар, орфографик ва пунктуацион меъёрлар бузилиши.

Меъёр - жамият аъзолари томонидан қабул қилинган, маъқулланган ва уларга тушунарли бўлган тил бирликларининг нутқ жараёнида қўлланиш ҳолати ва имкониятидир.

Тил ва нутқ тизимида меъёр ўзига хос ўринга эга. Тил материал сифатида нутқ жараёнида хизмат қила бошлаган лаҳзаларданоқ уни меъёрлаштириш жамият эҳтиёжига айланган ва меъёрий муаммолар кун тартибига қўйилган.

Жамият тараққиёти билан баравар ҳолда тил ва нутқдаги меъёрий ҳолатларни ўрганиш, таҳлил қилишга ҳам эҳтиёж кучайиб борган ва бу муаммоларни ҳал қилишда халқнинг маиший, маънавий-маърифий турмуши, ижтимоий-фалсафий ва эстетик дунёқараши, урф-одатлари сингари қатор омиллар эътиборга олинган. Тил ҳодисаларини, унинг меъёрий жиҳатларини тадқиқ этишда тилнинг миллий хусусиятларини ҳисобга олмаслик ҳам асло мумкин бўлмаган.

Демак, меъёр миллийлик ва тарихийлик мазмунини касб этади, неча юз, минг йиллар давомида шаклланган анъана-

вийликка эга бўлади. Тилдан фойдаланишдаги анъанавий меъёрларнинг даврлар ўтиши билан ўзгариб, янгиланиб туриши ҳам тарихий жараёндир.

Англашиладики, тил меъёрини белгилаш муаммоларини ҳал қилиш ҳар бир миллий тил маданиятини ривожлантиришнинг узвий қисмига айланади. Шунинг учун ҳам меъёр масалаларининг нутқ маданияти доирасида ўрганилиши бежиз эмас

Афсуски, тилдаги меъёрий муаммоларни, қийинчиликларни қисқа муддатларда ҳал қилишнинг имкони йўқ. Агар бунинг аксини айтсак, тилимизнинг амалда бўлиш қонунларига, бугунги реал ижтимоий ҳаётимизга зид фикр бўлиши мумкин эди. Бир тарихий ҳолатни эслайлик. 1989 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида»ги Қонунини катта қувонч билан кутиб олдик ва уни амалда татбиқ этишга иштиёқ билан киришдик. Аммо унинг ҳамма моддаларини бирданига ва тезликда бажаришнинг имкони бўлмади. Ўша пайтда қонуний бўлмаса-да, амалда иш юритиш рус тилида олиб борилди. Чунки бир қисм ўзбек миллатига мансуб кишиларнинг шароит тақозоси билан рус тилида савод чиқарганлиги, ҳатто фарзандларини ҳам боғчалар ва мактабларда шу тилда таълим-тарбия олишга жалб қилганлиги ана шундай табиий тўсиқлардан бўлиб турди. Оқибатда маълум муддат муомала жараёнида, расмий иш қоғозларини юритишда, турли даражадаги анжуманларни ўтказишда рус тилидан фойдаланишдаги мавжуд анъаналар ўз кучини сақлаб турди. Тўғриси айтганда, бу нуқсонлардан тўлалигича қутилиш осон кечмаяпти. Ўзбек тилидан фойдаланишдаги қийинчиликларнинг кўплари бартараф этилганлигини, тил амалиётига оид масалаларнинг босқичма-босқич ҳал бўлиб бораётганини ҳам кузатамиз. Ҳарқалай ўтган вақт мобайнидаги тилдан фойдаланиш жараёни бир нарсани исботлади - тил меъёрий муаммоларининг ижобий ҳал қилиниши вақт деган ҳакамга ҳам боғлиқ эканлиги маълум бўлди.

Тил элементларининг маълум бир меъёрга келтирилиши, бир томондан, тил мутахассислари орқали бошқариб борилса, иккинчи томондан, табиий равишда ҳам юз беради. Аммо, шу нарсани унутмаслик керак: тилнинг амалда бўлиш ҳолатларига тазйиқ ўтказиб бўлмайди. Бу объек-

тив жараёндин. Лекин унинг ривожланишига маълум йўл-йўриқлар, кўрсатмалар, тавсиялар берилиб борилиши зарур.

Аммо ўзбек тили ва нутқи маданияти учун олиб бораётган ишларимиз талаблар даражасида деб бўлмади. Бу вазифаларни ижобий ҳал қилиш учун адабий тил меъёрини белгилашнинг амалий жиҳати билан жиддий шуғулланишимиз керак. Хўш, меъёрни белгилашнинг амалий жиҳати нимадан иборат? Тадқиқотлар ва кузатишлар натижасида тил элементларида қандай мазмуний ва шаклий имкониятлар мавжудлиги таҳлил қилинади, лингвистик имкониятлари очиб берилади ва улардан нутқ жараёнида фойдаланиш йўллари тавсия қилинади. Маълум маънода бу ҳам уларнинг меъёрни белгилаш ва тил бирликларининг ишлатилишига оид тавсиялар бериш деган гапдир.

Шу мазмунда тил мутахассислари, зиёлилар ўзларининг тўғри маслаҳатларини, тавсияларини беришлари, бу борда жонкуярлик қилишлари лозим. Бунинг ҳам ижобий жиҳатлари кўп, албатта. Аммо ҳал қилувчи гапни бу тилдан фойдаланувчилар айтади. Бунинг устига, ҳар бир тил элементининг меъёр ҳолига келгунича маълум вақт ўтиши ҳам лозим бўлиб қолади.

Имло ва талаффуз қоидалари асосида ёзиш ва сўзлашни халқимиз орасида оммалаштириш, бу қоидаларни лугатлар шаклида мустаҳкамлаш, ҳар бир соҳада, жумладан ҳуқуқ соҳасида ҳам тилдан фойдаланиш меъёрларини белгилаш бугунги тилшунослигимизнинг долзарб вазифаларидан бўлиб қолмоқда. Булар орасида халқимизнинг нутқ маданиятини янада юксалтириш масаласи ҳам долзарблигича турибди. Чунки миллий истиқлол гоёси юртдошларимизни маънавий янгилаш ва ислоҳотлар жараёнининг фаол иштирокчисига айлантириш, ёшларимизни эса эркин, янгича фикрлашга ўргатишни мақсад қилиб кўяр экан, бунга тил маданиятисиз эришиб бўлмайди.

Тил бирликларини меъёрлаштириш, ҳамма учун умумий ва тушунарли бўлган бир қолипга келтириш умуман тилшуносликнинг вазифаси саналса ҳам, у нутқ маданияти соҳасининг хизматларини инкор этмайди. Бинобарин, меъёр муаммолари ҳамиша ушбу соҳанинг тадқиқот объекти бўлиб қолаверади. Нутқ маданияти тилда маълум меъёрга келти-

рилган тил бирликларининг нутқда қўлланиш шарт- шароитларини, қонуниятларини назарий жиҳатдан асослайди ҳамда бу меъёрга амал қилишни бир жиҳатдан назорат ҳам қилиб боради. Нутқдаги ютуқ ва камчиликлар таҳлил қилиниб, бу камчиликларни тугатишни энг маъқул йўллари кўрсатиб турилади. «Нутқ маданияти кенг миқёсдаги тил тарбиясини ва оммавий стилистик саводлилиқни, бошқача айтганда, сўзловчи ва ёзувчи омма орасида тил ҳақидаги фаннинг ҳозирги замон ютуқларини татбиқ этишни ўз олдига вазифа қилиб қўяди»²¹.

Тил элементларининг меъёрлашишидек узлуксиз жараёнда эскилик билан янгилик ўртасида кураш ҳамиша давом этади. Тилда яшаб турган сўз ва иборалар уларнинг ўрнига келаётган янгиларига осонликча ўрнини бўшатиб бермайди. Маълум муддат улар тенг даражада, параллел яшаб туриши ва вақтлар ўтиши билангина ўрнини бўшатиб бериши мумкин.

Худди мана шу эскилик билан янгилик ўртасидаги кураш ва бу курашда тилдаги меъёрий кўринишларнинг танлана бориши жараёнида адабий тил шаклланиб боради. Ўзбек миллий адабий тили гарчи умумхалқ тилидан ўсиб чиққан бўлса ҳам, унда мавжуд бўлган диалектлар ва шевалардан, жаргонлардан, оддий сўзлашув тилидан, умуман оддий халқ тилидан баъзи жиҳатлари билан фарқ қилади. Чунки умумхалқ тили ўзбек тилида учрайдиган барча элементларни ўз ичига олади ва ишланмаган шаклда бўлади. Адабий тил эса ундан ўзбек миллати учун тушунарли бўлган ва фойдаланишда қулай деб топилган вариантларини танлаб олади ҳамда уларни миллат вакиллари учун меъёр сифатида тавсия этади.

Гарчи умумхалқ тилининг ҳамма кўринишларида, барча тил жамоаларида ўзига хос тарзда амал қиладиган меъёрлар мавжуд бўлса ҳам кодификациялаштирилган, яъни маълум қоидаларга киритилган меъёрлар фақат адабий тилга хос хусусиятдир. «Фақат адабий тилдагина, - дейди В.А. Ицкович, - қандай гапириш ва қандай гапирмаслик; меъёрий грамматикаларда, луғатларда, маълумотномаларда қайд этилган; мактабларда ўрганиладиган қоида ва кўрсатмалар амал қила-

²¹ Основы культуры речи: Хрестоматия, с.39.

ди»²². Шунинг учун ҳам адабий тилнинг умумхалқ тилидан фарқ қилувчи томони унда ягона меъёрнинг қатъий амал қилиши ҳисобланади.

Тилнинг ҳақиқий ижодкори, яратувчиси халқ ҳисобланса ҳам, унинг тараққиётида олимларимизнинг, шоир ва ёзувчиларимизнинг, давлат ва жамоат арбобларининг, ҳуқуқшуносларимизнинг, педагоглар ва кино, театр санъати усталари ва нашриёт ходимларининг ҳамда журналистларнинг хизматлари беқиёс эканлигини қайд қилиш лозим. Айниқса мустақиллик даврида тилшунос олимларимиз, шоир-ёзувчиларимиз ва журналистларимизнинг тилнинг ривожига хизматлари катта бўлди. Уларнинг самарали меҳнатлари туфайли тилшуносликнинг кўпгина йўналишлари бўйича қатъий меъёрлар белгиланди, она тилимиз ривожига оид янги қоидалар ва қарорлар инobatга олинган ҳолда тил бирликларининг ёзув ва муомала жараёнидаги намунавий вариантлари тавсия этилди, тил тизимидаги кўпгина мунозарали масалалар ўзининг назарий асосига қўйилди.

Тил бирликларининг адабий шаклда меъёрлашувида бадиий адабиётнинг ўрни ҳам алоҳида. Бадиий ижод жараёнида шоир ва ёзувчилар ўз фикр ва ҳиссиётларини бошқа ижодкорлардан фарқ қиладиган, фавқулodда оригинал ифодаларда беришга интиладилар. Бу йўлда улар янги сўз ва иборалар яратадилар. Лекин, яратилган бирликлар ўша матннинг ўзида қолиб кетавериши, оммалашмаслиги, адабий тилдан ўрин олмаслиги, бир сўз билан айтганда, тилда меъёрлашмаслиги ҳам мумкин. Уларнинг меъёрлашишини шароит, вақт ва омманинг қабул қилиши каби омиллар белгилайди.

Аmmo бир нарса равшанки, бу бирликлар ўзи қўлланган матнда бадиият учун, образли тасвир ва ифода учун хизмат қилади. Шундай экан уларни бир услуб доирасида меъёрий деб ҳисоблашга асосимиз бўлади. Адабий асарлардан намуналар келтирамиз: *Шовиллайди тун бўйи шамол. Қалдирғочлар учун л а р з а к о р* (А.Орипов. Шовиллади тун.), *Лекин фақирга энг улуғ туюлган фазилатлари - Ҳазрат Мирнинг и с т е ъ д о д ш у н о с л и к л а р и - ю, з а к о в а т п а р в*

²² Ицкович В.А. Юқоридagi асар. 8-бет.

арликлари эди (П.Қодиров. Юлдузли тунлар), *Аммо само ўғли яшиновор*, *Ташланмасдан оҳуга ёвқур*, *Чангалидан кетганди мадор*, *Кўзларида сўнган эди нур* (О. Матжон. Акс-садо) каби.

Тилдаги бирликлар ва ҳодисаларнинг реаллашуви, мустақкамлануви ҳамда меъёрлашувида ёзувнинг хизмати катта эканлиги шубҳасиз. Ўзбек давлатчилигининг шаклланиши ҳамда халқимизнинг дунё фани ва маданиятида, бинобарин, тил ва нутқ маданиятида тутган ўрни, эгаллаган мавқеи ҳақида сўз юритганда бу халқнинг неча минг йиллар давомида фойдаланиб келган оромий, юнон, карошта, суғд, хоразм, кушон, эфталит, паҳлавий, сурия, ҳинд, урхун (руник), уйғур, араб, лотин, рус (кириллица) ёзувларини ва яна лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбосига ўтаётган лигимизни эслаш кифоя. Шундай экан, бу ўзбек адабий тилининг шаклланиши, ўзбек халқи асрлар давомида фойдаланиб келган ёзув маданиятининг такомили ҳамдир.

Тил тадқиқотчиларининг тасдиқлашича, давлатчилик даражасида, яъни расмий муомалада тилдан фойдаланиш унинг меъёрлашувини, бинобарин, адабий тилнинг шаклланишини тезлаштирган. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, қаерда давлатчилик тараққий этган, мустақкамланган ва бу давлатнинг бошқа давлатлар билан муносабатлари яхши йўлга қўйилган ва ривожланган бўлса, шу ерда тилнинг меъёрлашуви ва маданийлашуви ҳам тезроқ амалга ошган.

Дарҳақиқат, давлат олиб борган ижтимоий сиёсатнинг тил ривожини ва меъёрлашувига таъсири сезиларли бўлиши шубҳасиздир. Буни собиқ Иттифоқ ҳудудида яшовчи халқлар тилларига бўлган муносабатдан ҳам англасак бўлади. «Рус тили — иккинчи она тилимиз» деган сунъий шиор бир асрга яқин вақт мобайнида аста-секинлик билан тилимизга рус ёки у орқали бошқа тиллардан сўз қабул қилиш ва уларнинг меъёрлашиб боришини таъминлади. Биз ҳеч иккиланмасдан, худди шундай бўлиши керакдек, *абсолют*, *авангард*, *авантюра*, *авария*, *автобиография*, *автоном*, *автор*, *агитатор*, *агрессив*, *агрессор*, *актив*, *актуал*, *алфавит*, *альянс*, *амнистия*, *аноним*, *арбитр*, *аристократ*, *аристократия*, *арсенал*, *архаик*, *атака*, *аттестат*, *аудитория*, *афоризм* сингари сўзларни қўллайвердик ва шун-

дай қўллашга кўникдик. Уларнинг тилимизда муқобиллари йўқмикан деб ўйлаб кўрмадик. Тўғриси, бунга имкон ҳам, умумий оқимдан четга чиқишнинг иложи ҳам йўқ эди. Лоқайдлигимиз эса бунга кўмаклашди.

Рус тилининг тазйиқи кучайиб боргани сари, аста-секинлик билан, ўзимиз сезмаган ҳолда ўз сўзларимиз ва ифода усулларимиздан воз кеча бошладик. *Ўнта сигир*, *ўнта қўй* дейиш мумкин бўлгани ҳолда *ўн бош қўй*, *ўн бош сигир*, *ўн бош қорамол* деб ишлата бошладик. Бу русча матнлардаги «десять голов овец», «десять голов корова» деган бирикмаларнинг айнан таржимаси эди. Шу даражага бориб етдикки, тилимиздаги оддий *совлиқ*, *қорамол*, *улоқ* сўзларини унута бошладик. Уларни рус тилидан калькалаб, *она қўй (овцематок)*, *она товуқ*, *она чўчқа*, *она қуён*, *она бия*, *йирик шохли қорамол (крупный рогатый скот)*, *майда шохли мол (мелкий рогатый скот)* тарзида ишлатишдан тортинмадик. Ачинарлиси шу бўлдики, оддий ўзбек чорвадорларимизнинг, чўпону молбоқарларимизнинг ўзлари ҳам газета ёки радиодан мухбир келиб суҳбатлашганда шундай деб гапирадиган бўлдилар.

Ўзбек тилига четдан кириб келган бирликларнинг меъёрлашиш сабабларини шу тарзда англайдиган бўлсак, унинг лугат таркибидаги грекча-юнонча, мўғулча, айниқса, арабча сўзларнинг пайдо бўлиш омилларини ҳам тўғри тушунамиз. Хайриятки, мустақиллигимизни қўлга киритиб, биз бу камчиликлардан қутулдик. Ҳеч бўлмаганда, аста-секинлик билан қутулиб бораяпмиз. Буни юқорида танқид қилганимиз чорвачилик соҳасида атамалар ишлатишдаги ўзгаришларда ҳам кузатамиз. Масалан, Самарқанд қишлоқ хўжалик институтининг 70 йиллигига бағишлаб нашр этилган «Қишлоқ хўжалик корхоналари раҳбарлари ва фермерлар учун амалий қўлланма ва тавсиялар» (Самарқанд, 1999) китобининг «Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш технологияси» бўлимида юқорида келтирилган атамалар ўрнида *қорамол*, *сигир*, *бузоқ*, *тана*, *ғунажин*, *буқа*, *қўй*, *қўчқор*, *совлиқ*, *қўзи*, *эчки*, *улоқ* сўзлари қўлланганини кузатамиз²³.

²³ Қишлоқ хўжалик корхоналари раҳбарлари ва фермерлар учун амалий қўлланма ва тавсиялар. - Самарқанд, 1999, 138-221-бетлар.

Ҳар қандай тил меъёрларини катта иккита гуруҳга — умумий ва хусусий меъёрларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади:

Меъёрга нисбатан қўлланиладиган умумийлик ва хусусийлик тил меъёрларининг фəолият доираси, қамрови ва уларнинг бири иккинчисига нисбатан олинганда англашиладиган тушунчалардир. Шу маънода ўзбек умумхалқ тилидаги барча меъёрлар йиғиндисини умумий меъёр, адабий, лаҳжавий, турли ижтимоий қатламлар тилига оид меъёрларни хусусий меъёрлар сифатида қабул қилиш мумкин.

Шундай қилиб, бир томондан, ўзбек тилига тегишли бўлган барча меъёрлар йиғиндисини умумий меъёр деб тушунамиз. Иккинчи томондан эса, қўлланиш доираси чегараланмаган ҳамда тилнинг ҳамма истеъмолчилари ва тилдаги барча вазифавий услублар учун барабар бўлган birlikлар мажмуини англаймиз. «Умумий норма тушунчаси ўзбек миллий тилининг барча ижтимоий вазифавий кўринишлари, нутқ типлари ва услублари учун муштарак бўлган воситалари тизими маъносини ҳам англатади»²⁴.

«Ўзбек тили лексикологияси» китобида бу каби кенг истеъмолдаги сўзларнинг барча сўз туркумларида учраши қайд қилиб ўтилган. Масалан отларда — *дарё, сув, осмон, ер, тош, тоғ, боғ, дарахт, уй, девор, кўча, водий, саҳро, қум* каби; сифатларда — *оқ, қизил, сариқ, қора, катта, кичик, кенг, тор, узун, қисқа, чиройли, ақлли, доно, барно* каби; сонларда — *бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, етти, саккиз, тўққиз, ўн, йигирма, ўттиз, қирқ, олтмиш, етмиш, саксон, тўқсон, юз, минг, миллион* каби; олмошларда — *у, бу, шу, ана, мана, сиз, биз* каби; феълларда — *бор, кел, кет, юр, тур, ўтир, ухла, ёт, айт, қўй, ўт* каби; равишларда — *тез, секин, оз, кам, кўп* каби; боғловчиларда — *ва, ҳам, аммо, лекин, бироқ, гоҳ, ёки, ёинки* каби; юкламаларда — *-у, -ку, -да, -ю* каби; ундовларда — *оҳ, воҳ, вой, дод, уҳ, ура* каби²⁵.

Келтирилган сўзлар адабий тилда ҳам, тилнинг ноадабий шакли — умумхалқ тили доирасида қараладиган лаҳжа ва

²⁴ Бегматов Э., Маматов А. Адабий норма назарияси, II қисм. — Тошкент, 1998, 78-бет.

²⁵ Ўзбек тили лексикологияси. — Тошкент, 1981, 11-12-бетлар.

сўзлашув нутқида ҳам қўлланилаверади. Бу эса ана шу тил воситаларини бир тилнинг умумий меъёрлари қуршовида қарашга асос бўлади.

Хусусий меъёр маълум тил умумий меъёрларининг яшаш шаклидир. Шундай экан, юқорида санаб ўтилган ўзбек адабий тили, лаҳжа ва шевалари ҳамда ижтимоий тармоқларининг меъёри хусусий меъёр саналади. Хусусий меъёрларни янада аниқроқ тасаввур қиладиган бўлсак, ҳар бир шахннинг тилдан фойдаланиш меъёрини ҳам, ўзбек тилида мавжуд бўлган бешта — расмий, илмий, оммабоп, бадиий, сўзлашув услублари доирасида амал қиладиган меъёрларни ҳам хусусий меъёрлар деб тушунишимизга тўғри келади.

Адабий тил эса умумхалқ тилининг яшаш шаклларида бири бўлиб, унинг бошқа кўринишларидан мукамаллиги билан бир қадар фарқ қилади. Унинг қамров доираси умумхалқ тилининг бошқа шаклларига нисбатан кенг. У бутун бир миллатга олий даражада хизмат қилишга мўлжалланган. Шунинг учун чегара билмасдан, халқ орасига чуқур кириб боради ва кенг тарқалади.

Миллат манфаатига ва маданиятининг юксалишига хизмат қиладиган адабий тилнинг ўзига хос хусусияти, унинг умумхалқ тилидан фарқ қилувчи жиҳати кўп бўлиб, улар орасида меъёрийлик марказий ўринда туради. Ўзбек адабий тилининг ўзбек халқи учун умуммажбурийлиги, кўп вазифалилиги ва услубий тармоқланганлиги каби хусусиятларнинг биронтаси меъёрийликсиз амалга ошмайди.

Адабий тилнинг меъёрийлиги умумхалқ тилининг бошқа хусусий меъёрларидан тубдан фарқ қилади. Уни тавсифлайдиган ва фарқлайдиган муҳим белгилар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: кодификацияланганлик — онгли аралашув йўли билан танланганлик ва онгли бошқариш, онгли ўзлашганлик ва анланганлик, эгалланганлик ва тушунилганлик, қатъий қоидага ва тартибга солинганлик, ёзувда мустаҳкамланганлик, халқчиллик ва умумқўлланивчанлик, умуммажбурийлик ва намунавийлик, турғунлик ва барқарорлик, айни пайтда, уларнинг нисбийлик, анъанавийлик ва изчиллик, замонавийлик ва типиклик, динамиклик ва тарихан ўсувчанлик, вариантлик ва услубий тармоқланганлик, реаллик ва объективлик кабилар.

Меъёрлар ҳақида гап кетганда кўпинча «онгли танлаш» тушунчаси эсга олинади. Ҳақиқатан ҳам тил меъёрлари фақат онгли танлаш маҳсулими? Тилдаги элементларнинг меъёрлашувида танлашнинг аҳамияти катта, албатта. Жамият аъзолари орасида бу жараён худди табиий танланиш сингари амалга оширилади, лекин у онг ёрдамида бошқарилади. Кишилар нутқ жараёнида ўзлари учун тушунарли, муддаосини, фикр-мулоҳазаларини маъқул тарзда ифодалай оладиган, ҳатто талаффузда ҳам қулай бўлган вариантларни танлаб ишлата бошлайдилар ва бу вариант аста-секинлик билан меъёрий кўриниш сифатида эътироф этилади.

Айтилганлардан шу нарса англашилаёптики, танланиш учун вариантлар бўлиши лозим. Аммо вариантларнинг пайдо бўлиши тил тараққиётида маълум вақтнинг ўтишини тақозо қилади. Демак, унгача, ҳақиқий маънода меъёрлашгунга қадар тил бирликлари нутқда яна қандайдир босқичларни босиб ўтади ва танланиш жараёни тилнинг меъёрлашувида кейинги босқичлардан бири саналади.

Нутқ жараёнидаги одат ва кўникмаларни ана шундай босқичлар деб тушунсак тўғри бўлади. Чунки маълум предмет ёки тушунчанинг ифодаси, атамаси бўлган бирлик тилда пайдо бўлар экан, ундан фойдаланишга тил вакиллари дастлаб ўрганиши, одатланиши лозим. Бу бирликларни қандай талаффуз қилишдан тортиб, у англатган маънони фаҳмлаш, англаб етишгача бўлган жараён юз бериши керак. Шундай экан, киши онги ва амалиётида тил бирлиги меъёрлашишининг биринчи босқичи одатланиш ҳисобланади. Бу элементлар тинимсиз, такрор-такрор ишлатилавериши оқибатида жамоа орасида кўникма ҳосил бўлади. Кўникмалар эса меъёрлашишни бир қадар мустаҳкамлайди, деб бемалол айтиш мумкин. Ана шунинг учун ҳам танлаш имконияти тилнинг амалда бўлишининг кейинги даврларига — тил ҳам шаклан, ҳам мазмунан бойиган, адабийлик даражасига кўтарилган пайтларига тўғри келади.

Унгача эса тил, олимлар таъбири билан айтганда, «содда тил», «хом тил», «ишланмаган тил» кўринишларида бўлади. Тилнинг шева ва лаҳжавий шакллари ана шу кўринишлар сифатида баҳолашимиз мумкин. Шундай қилиб, ўзбек адабий тили меъёрининг қуйидаги кўринишлари мавжудлигини таъкидлаймиз:

Умумий тарзда: ёзма адабий тил меъёри ва оғзаки адабий тил меъёри. Аниқ тарзда: имло, талаффуз, лексик-фразеологик, грамматик ва услубий меъёрлар.

Имло ва талаффуз меъёрлари. Ҳозирги ўзбек тилида 31 та товуш - фонема мавжуд бўлиб, уларни ифодалашга хизмат қиладиган рус графикасига асосланган белгилар сони 35 та. Шу белгилар орасида икки товушнинг йиғиндисидан иборат бўлган е, ё, ю, я графемалари ҳам мавжуд. Аслида 31 та фонема 33 график белги билан, жумладан 6 та унли, 4 та графема ва 23 та ундошни ифодаловчи белгилар билан ифода этилади. Уларга ь ва ь белгилари қўшилса, график белгилар сони 35 тага етади.

Ана шу товушлар тизими ва уларнинг ҳарфий ифодасига эга бўлган ўзбек тили бугунги кунга қадар 1956 йил 4 апрелда тасдиқланган ва кучга киритилган «Ўзбек орфографиясининг асосий қоидалари»га биноан иш кўриб келмоқда. Бинобарин ўзбек тилининг имловий меъёрлари ҳозиргача ана шу қоидаларга мувофиқ амал қилмоқда ва бу жараён Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонунининг янги таҳририни амалга киритиш тартиби тўғрисида»ги 1995 йил 21 декабрь қарорига асосан 2005 йилгача давом этади.

Ундан кейин эса тўлиғича Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини ҳаётга жорий қилиш тўғрисида»ги ҳамда 1995 йил 6 майдаги «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларига асосан иш кўрилади.

Ҳозирда ҳам бу қонунлар амалда. Республикамизда таълимнинг барча тизимларида ушбу қонунларни бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 24 августда «Ўзбек тилининг асосий имло қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» қабул қилган қарори асосида ўқитилмоқда.

Янги ўзбек алифбосига 26 та ҳарф, 3 та ҳарфлар бирикмаси ва тутуқ белгиси киритилди ҳамда бу билан алифбо тизими анчагина соддалаштирилди. Бу соддалаштириш икки товушни ифода этувчи е, ё, ю, я сингари графемаларни, она тилимизга хос бўлмаган товуш ифодаси - ц ҳарфини ва

ь - юмшатиш белгисини олиб ташлаш ҳамда ъ - айириш белгисини“ - тутуқ белгисига алмаштириш, шунингдек, ч, ш, нг товушларини ифодаловчи ҳарфлар бирикмасини киритиш эвазига амалга оширилди.

Анъанавий имло меъёрларини сақлаб қолган ҳолда лотин графикаси асосидаги янги ўзбек алифбоси билан иш кўрадиган имло ҳам ўз меъёрий қоидаларига эга ва бу меъёрлар юқорида тилга олинган ҳужжатда ўз ифодасини топган. Ундаги қоидаларга амал қилиш тилимиздан фойдаланувчилар учун бундан кейин мажбурий саналади ва шу тарзда босқичма-босқич амалга ошириладиган тадбирлар натижа-сида ўзбек тилининг орфографик меъёри йўлга қўйилади.

Энди бир неча оғиз сўз орфоэпик - талаффуз меъёри ва унга ҳаётда амал қилиш тўғрисида. Кўп йиллик тажриба-лар, олиб борилган кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, ўзбек тили талаффуз меъёрларига риоя қилишни талаблар дара-жасида деб бўлмайди.

А.Маматов қуйидаги мулоҳазаларни баён қилади: «Ёшларнинг адабий тил нормаларига амал қилган ҳолда сўзлашиши нафақат уларнинг ўқимишлилигидан дарак бе-ради, балки айни вақтда ақлли ва маданиятлигини ҳам кўрсатади. Шунинг учун ёшлар ҳамма вақт нутқ маданияти ва нутқ одобига қатъий риоя қилган ҳолда сўзлашга ҳара-кат қилишлари лозим. Талаффуз этилган ҳар бир товуш, сўз, ибора, аниқ ва равон жаранглаши керак. Ёшларнинг нотик бўлиши шарт эмасдир (балки), лекин фақат фик-рини, тушунчаларини тўғри, аниқ иборалар билан ифода қилишлари зарур, чунки она тилимизнинг софлигини сақ-лаш ҳар бир ёш авлоднинг шарафли бурчидир»²⁶.

Тўғри, мавжуд вазиятнинг ўз объектив ва субъектив са-баблари бор. Турғунлик деб аталадиган собиқ советлар дав-рида қуйидан тортиб юқоригача ҳужжатлар асосан рус ти-лида юритилар эди. Республика давлат арбоблари бир йилда фақат бир мартагина - у ҳам бўлса, қишлоқ хўжалиги хо-димларининг республика қурултойида ўзбекча нутқ сўзлаш

²⁶ Маматов А.Э. Ёш авлоднинг нутқий маданиятини тарби-ялаш хусусида // Давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш-нинг долзарб муаммолари мавзуидаги республика илмий-амалий конференцияси тезислари. - Навоий, 1993, 7-бет.

имкониятига эга бўлар эдилар, холос. Қолган пайтларда кўпчилик йиғилишлар, агар унда биргина рус кишиси ўтирган бўлса ҳам, рус тилида олиб борилар эди. Республиканинг 70 фоиздан ортиқ аҳолиси яшайдиган қишлоқ жойларда эса маҳаллий миллатнинг ўз шеваларч асосий муомала воситаси бўлиб қолаверди. Маълум меъёрга солинган адабий тил намуналарини эса фақатгина радио, телевидение орқали эшитдилар, китоблардан ўқидилар.

Тилдан, ўз она тилимиздан фойдаланиш ва рус тилидан фойдаланишда ана шундай тафовутлар мавжуд бўлиб, амалиётда ўзбек тили унинг исканжасида тобора қисилиб бораётган эди. Бу ҳол бир киши, бир оила, бир шаҳар доирасидан чиқиб, бутун муҳитга, тил экологиясига жиддий таъсир қила бошлаган эди.

Ҳаётда шиддат билан урчиб, томир отиб келаётган бу иллат мустақиллик туфайли чилпарчин қилинган бўлсада, унинг асоратларини ҳозир ҳам кўриб, сезиб, билиб турибмиз.

Ҳарқалай, энди фахрланиб айтиш мумкинки, тил иқлими, унга бўлган муносабат бутунлай ўзгарди. Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши унинг ҳаётийлик, яшаш шарт-шароитларини белгилаб берди. Ривожланиши ва истиқболи қонун йўли билан кафолатланди.

Маълумки, оғзаки нутқнинг тўлалигича адабий ҳолатга келтирилишини таъминлаш талаффуз жараёнини меъёрлаштириш билан боғлиқ. Оғзаки нутқ ишлатиладиган қайси соҳа ва йўналиш бўлмасин, турли услублардаги вазифасини белгилаш бўлмасин, барча ўринларда ҳам тил бирликларини бир меъёрга келтириб қўллаш масаласи биринчи ўринда туради.

Хулоса шуки, орфоэпик меъёрларга риоя қилмаслик нутқимиз маданиятида жиддий нуқсонлардан бири бўлиб қолмоқда. Тилшуносларимиз заҳматлари туфайли ўзбек тилидаги сўз бирликларининг деярлик барчасидаги меъёрий кўринишлар оммага турли қўлланмалар, луғатлар шаклида тавсия этилди. Янги имло қоидаларига ўтишимиз муносабати билан бу юмушлар давом эттирилмоқда. Нафақат филолог олимлар, балки маорифимиз жонкуярлари, ўз она тилига чуқур ҳурмат билан қарайдиган барча зиёлиларимиз бу меъёрларнинг бузилишига эътироз билдиришяп-

ти, камчиликларни тузатиш бўйича тавсиялар бериб туришибди. Шундай бўлишига қарамасдан, талаффуз меъёрларини бузиш, тил маданиятига эътиборсизлик ҳамон давом этмоқда. Йиллар давомида мажлисларни рус тилида олиб борган ёкч маърузаларни рус тилида эшитган баъзи кишилар ўз нутқларида русча сўз ва ибораларни қўллаш, айрим ҳолатларда рус тили гап қурилиши тартибида ўзбекча жумлалар тузиш исканжасидан чиқиб кета олмаяптилар. Бу камчиликлар ҳатто радио, айниқса, телевидение эшиттиришларида ҳам сезилади.

Халқимиз шевачиликдан батамом қутула олган эмас. Гарчи кўпчилигимиз адабий тил меъёри талаблари асосида саводли ёзсак-да, талаффузда эътиборсизлик, лоқайдлик, масъулиятсизлик давом этмоқда.

Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги тил сатҳлари орасида лексик бирликлар алоҳида ўрин тутади ва уларнинг ўзига хос меъёрий хусусиятлари мавжуд.

Лексик меъёрлар деганда нутқ жараёнида умумхалқ тилида мавжуд бўлган сўзларни тўғри танлаш ва ўринли ишлатиш тушунилади. Кўпмаънолик, синонимлар ва вариантлар шаклидаги лексик бирликлар доирасида танланиш имкониятининг кўплиги унинг хусусий меъёрларининг шаклланишига ҳам сабаб бўлган. Тилимиздаги диалектизм, неологизм ва окказионализм, плеоназм ва бошқа лексик бирликларнинг меъёрий хусусиятлари юзасидан мулоҳаза юритиш лексик меъёр тўғрисидаги тасаввуримизни кенгайтиради.

Диалектизмлар ва адабий тил меъёри доирасида меъёрни белгилаш тилимиздаги масъулиятли масалалардан бири саналади. Чунки адабий тил шева лексикасидан уларнинг кўпчилиги учун умумий бўлган сўзларни танлаб олади ва уни ўз лексик таркибига киритади (мас., *сигир-сийир-инак; чақалоқ-бувак, тухум-мойк-юмурта, чумоли-мурча-қаринжа-қумурусқа* кабилар).

Ўзбек тилида айнан эквивалентлари мавжуд ва варваризм сифатида қараладиган *ну, так, вот, совсем, вообще, только, только так, естественно, обязательно, конечно, уже, почти, так что, значит, как раз, неужели, тем более, документ, оформить қилмоқ, организовать қилмоқ, принимать қилмоқ, разрешение олмоқ, подпись қўймоқ, бо, акун, сони*

каби сўз ва бирикмаларининг ишлатилиши ҳам ижобий ҳодиса эмас. Бу ерда ҳам меъёр бузилган.

«Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг юзага келиши муносабати билан фанларнинг турли йўналишлари бўйича атамашунослик соҳасида ислоҳотлар ўтказиш, уларни «Ўзбекчалаштириш»га имконият яратилди.

Шундай бир вазият юзага келдики, атамаларни «миллийлаштириш»га иштиёқ кучайиб кетди. Тавсиялар ҳам ниҳоятда кўпайди. Жўяли фикрлар билан бир қаторда, ҳазм бўлиши қийин бўлган таклифлар ҳам ўртага ташланди. Бу гапнинг тасдиғи сифатида айрим мисолларни келтирамиз: *математика-риёзиёт, факультет-куллиёт, рассом-мусаввир, газетхон- муштарий, аудитория-сабоқхона, хона, ўқув хонаси, цирк-томошахона, циркуль-паргар, целлофан-сувқоғоз, сейф-зарф, аттестация-кўрик, самолёт- аэроплан, тайёра, аэропорт-тайёрагоҳ, фамилия-наслнома, клуб-даъватхона, титул лист-сарварақ* ва ҳоказо.

Аmmo бу қарашлар шу маънода диққатга сазоворки, уларда тилни мумкин қадар чет эл унсурларидан тозалаш фояси ётади.

Тилимизда қўлланилиб келинаётган *автор, архитектор, гуманизм, доклад, идеология, инспектор, интеллигент, контрол, командировка, командировочная, лекция, министр, область, остановка, планета, проблема, район, рапорт, редактор, революция, справка, студент, секретарь, тема, территория, традиция, форма* сингари сўзлар ўрнини муаллиф, меъмор, инсонпарварлик, маъруза, мафкура, нозир, зиёли, назорат, сафар, сафарнома, вазир, вилоят, бекат, сайёра, муаммо, туман, билдиришнома /хабарнома, муҳаррир, инқилоб, маълумот/маълумотнома, талаба, котиб /котиба, мавзу, ҳудуд, анъана, шакл каби тавсия этилган сўзлар осонлик билан эгаллади. Чунки улар дублетлар сифатида тилимизда озми-кўпми олдиндан ҳам қўлланилиб келинаётган эди.

Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, янги тавсия этилаётган сўзларнинг маъқул келиши ва меъёрлашиши уларни тилда аввал қўлланилиб келаётган ёки келмаётганига ҳам боғлиқ.

Шу ўринда бир мисолни таҳлил қилайлик. Кўплаб атамаларнинг муқобилларини излаш жараёнида *район* сўзи

ўрнида *ноҳия, депара, туман* сўзлари ишлатила бошланди. Кейинчалик, гарчи сўзнинг асл моҳиятига унчалик тўғри келмаса ҳам *туман* сўзи меъёрлашди. Аммо, таъкидлаш лозимки, бу сўзнинг биргина маъноси - вилоятнинг бир қисми бўлган, маълум чегарага эга бўлган, маъмурчй ҳудуд атамаси сифатида меъёрлашди. Аммо, луғатда *район* сўзининг умуман жой маъносини англатиш имконияти ҳам кўрсатилган: *пригородный район - шаҳар атрофи райони, промышленный район - саноат райони, заводской район - заводлар райони, район военных действий - уруш ҳаракатлари райони, район боя - жанг майдони, оборонительный район - мудофаа доираси* каби. Бу бирикмаларни қандай меъёрлаштирамыз? Бизнинг онгимизда у ҳозирча маъмурий ҳудуд тарзида шаклланиб турган экан, *шаҳар атрофи тумани, заводлар тумани, уруш ҳаракатлари тумани* тарзида ҳам меъёрлашиб кета оладими?

Бунинг устига, шу сўз ўзагидан ясалган *районирование, районированный - районлаштириш, районлаштирилган* сўзлари бор. Масалан, бирор экин навлари уруғини, яъни бирор жойнинг шароитига энг кўп мослаштирилган навлар уруғини районлаштириш²⁷.

Буни қандай меъёрлаштирамыз? *Уруғни туманлаштириш* дебми ёки *уруғни жойлаштириш, уруғни жойларга мослаштириш* дебми? Ҳарқалай, масаланинг ечими маълум вақт ўтиши билан ҳал бўлади.

Мустақиллик туфайли юз берган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар натижасида табиий равишда тилимизда ҳам жуда кўплаб янги сўз ва иборалар, бирикмалар пайдо бўлаяпти. Бу ҳолатни асосан фан, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, халқаро муносабатлар, ҳуқуқ соҳаларида, қисман маориф, маданият, санъат ва бадий адабиёт соҳаларида кузатамыз. Халқимиз уларни қандай қабул қилишидан қатъий назар, уларни қўллашдаги ҳар бир ҳолатга муносабат билдирилиб борилиши, меъёр сифатида тавсия этилаётган вариантларнинг нега шундай тарзда маъқул кўрилганлиги асоеланиши зарур бўлади.

Бу ўринда фақат имло, талаффуз ва лексик меъёрларга қисқача тўхталиб ўтилди. Меъёрнинг бошқа хусусий шакл-

²⁷ Русско-узбекский словарь. — М., 1954, с. 711.

лари ҳақида «Нутқнинг асосий хусусиятлари» мавзусида мулоҳаза юритилади.

Хусусий меъёрлар сифатида қараладиган маълум соҳага ва касб-ҳунарга оид тил бирликлари меъёрлари ҳақида сўз юритиш ҳам аҳамиятлидир. Биз бу ўринда ўрганилган предмет мазмунидан келиб чиқиб, ҳуқуқшунослик касбига оид тил бирликлари хусусида сўз юритамиз ва бунда Ш.Кўчимовнинг кузатиш натижаларидан фойдаланамиз.

Ш.Кўчимов «Юридик атамалар ва иборалар луғати» (Тошкент, 1993) ни ўрганиб, унда 6700 та атама мавжудлиги тўғрисида маълумот беради ҳамда бу атамаларни лексик жиҳатдан қуйидагича тасниф қилади:

1. Умумюридик атамалар: *қонун, суд, модда, адвокатура, судья, прокурор, милиция, гувоҳ, суд мажлиси, ҳуқуқ, ҳуқуқ нормаси, юриспруденция* кабилар;

2. Конституциявий ҳуқуқ атамалари: *конституциявий тузум, давлат тузилиши, суверенитет, суверен тенглик, сиёсий партия* кабилар;

3. Маъмурий ҳуқуқ атамалари: *маъмурий жавобгарлик, маъмурий жазо, маъмурий қамоқ, жамоат қоидаларини бузиш* кабилар;

4. Фуқаролик ҳуқуқи атамалари: *фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги, фуқарони бедарак йўқолган деб топиш, сотувчининг жавобгарлиги, муаллифлик ҳуқуқи* кабилар;

5. Жиноят ҳуқуқи: *жиноий ҳаракат, жиноят иши, қилмиш, оғир жиноят, жиноятларни таснифлаш, жиноий жавобгарлик, қилмишнинг жиноийлиги, ўлим жазоси, озодликдан маҳрум этиш* кабилар;

6. Ер ҳуқуқи атамалари: *ерга эгалик қилиш, ердан фойдаланиш, ер кадастри, ерни тасарруф этиш, ердан фойдаланиш қоидаларини бузиш* кабилар.

7. Аграр ҳуқуқ атамалари: *деҳқон хўжалигини юритиш ҳуқуқи, давлат хўжаликлари ҳуқуқи, жамоа хўжаликлари ҳуқуқи, режани бажариш мажбурияти, сувдан фойдаланиш ҳуқуқи, деҳқон хўжалигининг мол-мулкига эгалик қилиш ҳуқуқи* кабилар;

8. Меҳнат ҳуқуқи атамалари: *меҳнат интизоми, меҳнат шартномаси, ишга қабул қилиш, меҳнат шартномаларини бекор қилиш тартиби, меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнат низолари* кабилар;

9. Ижтимоий-таъминот ҳуқуқи атамалари: *пенсия олиш ҳуқуқи, ногиронлик нафақаси, дам олиш ҳуқуқи, ижтимоий ҳимоя* кабилар;

10. Экологик ҳуқуқ атамалари: *атроф-муҳитни соғломлаштириш, ҳавони тозалаш, экологик вазият, экологиянинг ўзгариши* кабилар;

11. Молиявий ҳуқуқ атамалари: *даромад солиғи тўловчилар, фавқулодда даромадлар, молиявий жазо чоралари, юридик шахсларни даромад солиғидан озод қилиш, солиқни ҳисобга олиш қоидалари* кабилар;

12. Фуқаролик-процессуал ҳуқуқи атамалари: *жиноят ишларини юритиш тартиби, фуқаролик-процессуал ҳуқуқ лаёқати, процессуал ҳуқуқий ворислик, фуқаролик иши* кабилар;

13. Жиноят-процессуал ҳуқуқи атамалари: *жиноят ишларини юритиш тартиби, жиноят ишини қўзғатиш, судда жиноят ишларининг ошкор кўрилиши, жиноят процесси иштирокчилари* кабилар;

14. Хўжалик-процессуал ҳуқуқи атамалари: *хўжалик суди, хўжалик судлов низолари, хўжалик судлов иштирокчилари, хўжалик судининг ажрими* кабилар;

15. Халқаро ҳуқуқ атамалари: *халқаро ташкилотлар ҳуқуқи, халқаро хавфсизлик ҳуқуқи, дипломатия ва консуллик ҳуқуқи, халқаро денгиз ҳуқуқи* кабилар²⁸.

Касб-ҳунарга оид бирликлардан ташқари тилимизда бирор ижтимоий гуруҳга ёки тоифага, масалан, талабалар, савдо ходимлари, спортчилар, ўғрилар, безорилар, шофёрлар, милиционерлар сингариларнинг ўзига хос ва бошқалар тушунмайдиган, жаргон деб аталадиган ясама тили мавжуд. Бу тил ана шу гуруҳлар доирасида амал қилади ва оғзаки шаклда меъёрлашиб, оғиздан оғизга кўчиб яшайди. Шу жараёнда уларнинг айримлари йўқолиб кетиши, айримлари ўзгариши, даврлар ўтиши билан бу қатлам янги бирликлар ҳисобиға бойиб бориши мумкин. Маълум қисми эса оммалашиб кетади. *Доллар* маъносини берадиган *кўк, карам* сўзлари бунга мисол бўла олади.

²⁸ *КўчиMOV Ш.Н.* Ҳуқуқий атамаларни ўзбек тилида ифодалашнинг илмий-назарий муаммолари: Филол.фан.д-ри ...дис.-авгор.Ў – Тошкент, 2003, 27-28-бетлар.

Бадиий адабиёт матнида жаргонлар махсус вазифа бажаради. Унинг кўмагида асар воқеалари бир қадар ишончли тасвир қилиниши ёки қаҳрамонлар тили индивидуаллаштирилиши мумкин. Масалан, С.Равшаннинг «Чордоқдан отилган ўқ» (Тошкент, 1986 йил) қиссаси жиноятчилар олами, уларнинг қиёфалари ва кирдикорларини фош этишга бағишланган бўлиб, унда учрайдиган метафорик элементлар ва жаргонлар юқорида қайд этилган вазифаларни адо этишга кўмаклашган: *гладиатор* (45), *қопчиқ* (69), *қовурға* (42), *кифт* (31, 42), *қушча* (25), *мурға* (31) - ўғрилар, *жиноятчилар гуруҳининг аъзолари, уларнинг лақаблари; қафас* (13) - турма, *арава* (66) - машина; *малах* (56) - пул; *дум* (54) - орқадан кузатиб юрувчи одам; *буюртма, мукофот* (36, 45) - ўғирланган мол, *нарса; ҳаммол* (37) - молни олиб келувчи одам, *курьер; соқол* (32, 33) - пул каби. Яна: *атанда - хавф, хатар* : - *Шеф, а т а н д а , иш чатоқ* (54); *чўра бўлмоқ - қочмоқ: Шайкамизда ч ў р а б ў л г а н л а р д а н бири* (32), *У ростдан ҳам ч ў р а б ў л г а н экан* (37).

Маълум бўладики, тилдаги меъёрлашиш кўп қиррали жараён бўлиб, умумистеъмолдаги сўзлар маълум касб-ҳунар ёки жаргон доирасида атамалашиши, асосий меъёрлашган ҳолатидан четга чиқиб кетиши ёки бунинг акси -- касб-ҳунар ёки жаргонга оид хусусий меъёрлар қамровидаги атамаларнинг маъноси кенгайиб, улар умумхалқ мулкига айланиши мумкин. Зеро, тил тараққиёти ўлчовларидан бири ҳам ана шу.

Аmmo биз ўрганаётган меъёр масаласи ижтимоий ҳаётимиз учун янгилик эмас. Тил ва жамият мавжудки, бу масала ҳам ўртада. Аmmo, ҳар бир давр ўз тараққиёти билан боғлиқ равишда тилдан фойдаланишнинг ўз муаммоларини келтириб чиқараверади.

Ўзбек адабий тилининг қанчалик меъёрга келтирилганлиги ва унга қай даражада амал қилиниши умуммиллий ўзбек маданиятининг тараққиёт даражасини белгиловчи омиллардан саналар экан, бу муаммо билан шуғулланиш зиёлиларнинг бундан кейинги ҳал қилишлари лозим бўлган долзарб вазифаси бўлиб қолаверади.

Амалий машғулотлар учун вазифалар:

1. Куйидаги гапларни таҳлил қилинг, услубий ғализликларни топинг: *Жаноб бой, сизни к а й ф с и з кўраман, мум-*

кинми сабабини билсам (Беҳбудий. Падаркуш), Хотин киши бўлсаям белида белбоғи бор эди (Ў.Ҳошимов).

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар:

1. Меъёр теганда нимани тушунасиз?
2. Адабий меъёр нима? Унинг қандай кўринишларини биласиз?
3. Имло ва талаффуз меъёрларини изоҳлаб беринг.
4. Лексик-грамматик меъёрларни тушунтириб беринг.
5. Услубий меъёр қандай меъёр саналади?
6. Тиниш белгиларининг нотўғри қўлланиши меъёрга таъсир қиладими? Агар шундай бўлса, мисоллар асосида фикрингизни асосланг.

Адабиётлар:

1. **Каримов И.А.** Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. Сўз боши. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000.

2. **Абдурахмонов Х., Маҳмудов Н.** Сўз эстетикаси. – Тошкент, 1981.

3. **Абдусaidов А.** Газета тили ва адабий норма. – Самарқанд, 1986.

4. **Абдуллаев Ф.** Ўзбек миллий адабий тили ва уни ўрганишга оид айрим масалалар // «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами. – Тошкент: Фан, 1973.

5. **Асқарова М.** Республика мактабларида она тили ўқитиш ва нутқ маданияти «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами. – Тошкент: Фан, 1973.

6. **Бафоев Б.** Ўзбек тили тарихида лексик норма масалалари // Ўзбек нутқи маданиятининг долзарб муаммолари. Жумҳурият илмий-амалий анжумани маърузаларининг қисқача баёни. – Тошкент, 1990.

7. **Бегматов Э., Маматов А.** Адабий норма назарияси, II қисм. – Тошкент, 1998.

8. **Бегматов Э., Бобоева А., Асомиддинова М.** Адабий норма ва нутқ маданияти. – Тошкент: Фан, 1983.

9. **Маматов А.Э.** Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. – Тошкент, 1991.

10. **Маматов А.Э.** Ёш авлоднинг нутқий маданиятини тарбиялаш хусусида // «Давлат тили ҳақида»ги қонунни амалга оширишнинг долзарб муаммолари мавзуидаги республика илмий-амалий конференцияси тезислари. - Навоий, 1993.

11. **Ожегов С.И.** Лексикология. Лексикография. Культура речи. — М., 1974.

12. Основы культуры речи. Хрестоматия. — М.: Высшая школа, 1984.

13. **Содиқова М.** Талаффуз раволиги — нутқ бойлиги // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1998 йил 16 январь.

14. **Шоабдурахмонов Ш.** Ўзбек адабий тилининг лексик нормалари // «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами - Тошкент: Фан, 1973.

15. Ўзбек тили лексикологияси. — Тошкент.

НУТҚНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Р е ж а:

1. Нутқнинг тўғрилиги.
2. Нутқнинг аниқлиги.
3. Нутқнинг мантиқийлиги.
4. Нутқнинг тозаллиги.
5. Нутқнинг таъсирчанлиги.

Таянч сўз ва иборалар : нутқ матннинг ташқи кўриниши, намунавий нутқ, нутқ олдига қўйиладиган талаблар, тўғрилик, мантиқийлик, чиройлилик, ёрқинлик, таъсирчанлик, жозибadorлик, образлилик, ортология, нотиклик санъати, Цицерон, Дионис Галикарнас, Хусайн Воиз Кошифий, ҳар бир хусусиятга хос фонетик, лексик, грамматик жиҳатлар, урғу, морфологик ва синтактик чалкашликлар, таъсир, руҳият, тилдан ташқари омил, мавзу, мувофиқлик, руҳий вазият, аудитория, билим, саводхонлик, самимият, эътибор, субъектив мулоҳаза, нутқ режаси, нутқий машқ.

Нутқ — сўзловчи ёки ёзувчи гомонидан шакллантирилган матннинг ташқи кўриниши бўлиб, у фақатгина тилга боғлиқ ҳодиса саналмасдан, у ҳам руҳий, ҳам эстетик ҳодисадир. Шунинг учун унга намунавий нутқ сифатида баҳо берилганда тингловчи ва китобхонга кўзда тутилган мақсаднинг, айтилмоқчи бўлган муддаонинг тўлиқ бориб етиши, уларга маълум таъсир ўтказиши назарда тутилади ҳамда бу вазифаларнинг амалга оширилишида нутқ олдига айрим талаблар қўйилади. Бу талаблар грамматик жиҳатдан нутқнинг тўғри бўлишини, сўзлар кўзланган маънони аниқ акс эттиришини, чиройли, ёрқин ва таъсирчан бўлишини тақозо қиладики, уларга нутқнинг асосий хусусиятлари сифатида қаралади. Нутқ ҳақидаги тилшунослик — ортология ана шу сифатларни ўрганиш билан шуғулланади.

Қадимги даврларда ҳам нутқнинг бу жиҳатларига алоҳида эътибор бериб келишган. Масалан, римликлар намунавий нутқнинг сифатларини ўзида акс эттирувчи қоидалар ишлаб чиқишган. Машҳур нотиқ Цицерон фикрича, аниқлик ва тозалик нутқ учун шунчалик зарурки, уларни асослаб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ. Аммо нотиқ тингловчиларни ўзига жалб қилиши учун бу сифатлар ҳали етарли эмас. Бунинг учун нутқ жозибадор бўлиши ҳам керак. Нотиқ Дионис Галикарнас эса нутқда мақсадга мувофиқликни муҳим деб ҳисоблаган. XV – XVI аср ўрта Осиё маънавиятининг йирик вакилларида ҳисобланган Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифий ҳам «Футувватномаи султоний» асарининг «Тариқат аҳлининг одоби» деб номланган бешинчи бобида нутқнинг бу фазилатлари ҳақида муҳим тезисларни илгари сурган.

Хуллас, маънавияти ва маданияти шаклланган халқлар учун нотиқлик санъати инсон фаолиятида муҳим омиллардан саналган ҳамда асосий эътиборни нутқнинг яхши бўлишига қаратган ўз назарийтчилари ҳам бўлишган.

Агар нутқ маълум вазият ва шарт-шароитларда амалга оширилиши назарга олинса, бунда жой, вақт, мавзу ва мулоқот жараёнининг мақсади каби омиллар катта аҳамиятга эга бўлади. Айтилганларни қисқача умумлаштирадиган бўлсак, нутқнинг асосий хусусиятлари сифатида қуйидагиларни белгилаш лозим бўлади: тўғрилиқ, аниқлик, мантиқийлик, таъсирчанлик, образлиқ, тушунарлиқ ва мақсадга мувофиқлик. Қуйида улар ҳақида қисқача маълумотлар берилади.

Нутқнинг тўғрилиги. Нутқнинг тўғри бўлиши унинг бош коммуникатив хусусияти ҳисобланади. Нутқнинг тўғри тузилган бўлиши томонларнинг – сўзловчи ва тингловчининг, ёзувчи ва ўқувчининг бир-бирларини тез ва осон тушунишларини таъминлайди. Агар нутқ тўғри бўлмаса, у аниқ ҳам, мақсадга мувофиқ ҳам, мантиқий ҳам бўлмайди. «Тўғрилиқ деганда, - деб ёзади В.Г.Костомаров, - нутқ маданиятининг зарур ва биринчи шarti сифатида адабий тилнинг маълум пайтда қабул қилинган меъёрининг қатъий ва аниқ мувофиқ келишини, унинг талаффуз, орфографик, луғат ва грамматик меъ-

ёрларини эгаллашни тушуниш лозим бўлади»²⁹. Демак нутқнинг тўғри бўлиши дастлаб унинг адабий тил меъёрларига мувофиқ келиши бўлиб ҳисобланади.

Нутқнинг тўғри бўлиши асосан икки меъёрга — урғу ва грамматик меъёрга амал қилишни тақозо қилади. Сўзлардаги айрим бўғинларнинг зарб билан талаффуз қилиниши, яъни уларга урғунинг тушиши ҳамма тилларда ҳам бир хил хусусиятга эга эмас. Масалан, рус тилида урғу сўзлардаги ҳар хил бўғинларга тушиши мумкин бўлгани ҳолда, ўзбек тилида у, асосан, сўзнинг охириги бўғинига тушади. Сўзга қўшимчалар қўшила бориши билан урғунинг ўрни ҳам ўзгариб бораверади. Масалан: *уй* — *уйи** — *уйими**³ — *уйимизда** — *уйимиздаги** — *уйимиздагила**^р — *уйимиздагиларда**^н каби. Талаффузда ана шу меъёрни сақлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Аммо баъзи ҳолларда сўзлардаги урғунинг кўчиши билан маънонинг ҳам ўзгариб кетиши мумкинлигини эсдан чиқармаслигимиз керак. Ўзбек тилида шундай ҳодиса кузатилади. Масалан, *олма* сўзини олайлик. Бу сўзни алоҳида, урғусиз олиб қараганда унинг қандай маъно англатаётганини билиш қийин бўлади. Урғу эса ундаги маънонинг реаллашувига кўмаклашади, яъни *о*лма* тарзида урғу биринчи бўғинга тушганда ҳаракат, *олма** тарзида охириги бўғинга тушганда эса меванинг бир тури маъноси англашилади. Тилимизда бундай сўзлар анчагина: *қа*тлама* — *қатлама**, *ҳо*зир* — *ҳози*р*, *йигитча** — *йиги*тча*, *ўқувчи*миз* — *ўқувчими*з*, *я*нги* — *янги** каби. Сўзлардаги бу хусусиятларни фарқламасдан, урғуни нотўғри қўллаш сўзлардаги маънонинг бузилишига олиб келади. Сўзлар талаффузидаги бу каби ҳолатларга, айниқса маориф ва маданият ходимлари эътибор беришлари ва бошқаларга ўрнатилган бўлишлари лозим.

Биз ҳозир урғунинг сўзлардаги қайси бўғинларга тушиши билан маънонинг фарқланиши мумкинлигини кўрдик. Шу ҳолат гаплар доирасида ҳам кузатилади. Гап таркибидаги сўзларни алоҳида урғу билан қўллаш ҳам гап мазмунининг ва оттенкасининг ўзгаришига сабаб

²⁹ Костомаров В.Г. Культура речи и стиль. — М., 1960, с.24.

бўлиши мумкин. Масалан, *мен чой ичдим* гапида ким ичганлиги, нима ичганлиги ёки нима иш қилинганлиги назарга олиниб, гапдаги сўзларнинг ҳар учаласидан бирига урғу тушади: *мен чой ичдим* (бошқа киши эмас), *мен чоғ ичдим* (бошқа нарсани эмас), *мен чой ичдим* (ичмадим эмас). Бундай пайтларда мантиқий урғу ҳар бир сўздаги маънони таъкидлаш учун зарур. Аммо шундай ҳолатлар ҳам бўладики, бўғин урғусида бўлгани каби сўз урғусини ҳам тўғри ишлата билмаслик маънонинг бузилишига олиб келади. Масалан, *Онасиз бола ўйнамас* гапини олиб кўрайлик. *Онаси ёнида бўлмаган бола ўйнамайди* дейилаяптими ёки онаси бўлмаган бола ҳақида фикр юритилаяптими - бу тингловчи ёки ўқувчига қоронғи бўлиб қолади. Бу баҳсга фақат сўзга тушган урғу аниқлик кирита олади. Урғу *онаси* сўзига тушса биринчи маъно, *бола* сўзига тушса, иккинчи маъно англашилади. Демак, нутқ жараёнида маънони тўғри англатиш учун сўздаги бўғин, гапдаги сўз урғусининг тўғри ишлатилишига эътибор қилишимиз лозим бўлади.

Нутқ қурилишининг грамматик шакллари фарқлай олиш, сўзларни мазмуний боғланишларига қараб жойлаштириш грамматик меъёрларни белгилар экан, нутқнинг тўғри ифодаланиши учун гап тузиш қоидаларини ўзлаштириш, ўзак ва қўшимчалар ўртасидаги муносабатларни, эгакесим мослигини, иккинчи даражали бўлақларнинг уларга боғланиш йўллари яхши англаш лозим бўлади. Акс ҳолда нутқда камчилик рўй беради. Мисол: *Алфавитимизга қўшимча ҳарфлар киритиш ёки чиқариш билан нутқ маданиятимизни ошириш учун имконият яратилмай, балки нутқ маданиятимиз такомиллашувида чалкашлик содир бўлиши мумкин эмасми?* (Газетадан).

Нутқ жараёнида морфологик ва синтактик чалкашликлар тез-тез учраб туради. Қаратқич ва тушум келишиги қўшимчаларининг фарқланмасдан ишлатилиш бунга мисол бўла олади. Абдулла Қаҳҳор бу ҳолатдан «Санъаткор» ҳикоясида асар қаҳрамонининг саводсизлигини фош этишда фойдаланган: *Пожарни гургутни ерга ташламанг деди, режессёримиз эса гургутнинг ерга ташаманг деди. Қандай чиройлик! Пожарними, Пожарнингми? Шошма, нима учун пожарни? Пожарни, албатта!*

Кичкина бир парчада нутқий бузилишлар анчагина: *гургутни-гургутни-гургутнинг, ташламанг-ташаманг, чиройли-чиройлик, пожарний-пожарни-пожарнинг* каби. Улар нафақат сўз қўллаш, шу билан бирга, қўшимчаларни (*-ни -нинг, -ли -лик*, ҳатто *пожарни* сўзини ҳам ўзбекча англаб, тилимизга мослашган *-ний* ўрнида *-ни* ва *-нинг* ни қўллаш) бузиб ишлатиш натижасида содир бўлган.

Дарҳақиқат, нутқда сифат ясовчи *-ли* ва *-лик* қўшимчалари ҳам баъзан фарқланмаяпти: *хоразмлик пахтакорлар - хоразмли пахтакорлар* ёки *гуручли овқат - гуручлик овқат*.

Жарангсиз ундош билан тутаган феълларга қўшилиб, орттирма даража ҳосил қилувчи *-каз* ва *-қаз* қўшимчалари ҳам оғзаки нутқда кўпинча фарқланмаяпти: *электр линиялари ўтказиш - дарахт кўчатлари ўтқозиш*.

Ўзбек тилида кўплик маъносини ифодалашнинг йўллари билан бири *-лар* қўшимчаси эканлиги маълум. Шу билан бирга, бу қўшимчанинг кўплик доирасидан чиқиб, асосан от ва феълларга қўшилганда ҳурмат, киноя, пичинг, ноаниқлик, кучайтириш, такрорлаш, таъкид, предметнинг тури, умумлаштириш, сўзловчи муносабатини алоҳида билдириш сингари турли хил маъноларни ифодалаши унинг грамматик-услубий имкониятларининг кенгайиб бораётганлигидан далолат беради. Гарчи қўшимчанинг бу каби маъноларни англатиш жараёнидаги сўзларга қўшилиш тарзи морфологик меъёрнинг бузилиши саналса-да, уни услубий меъёрнинг бузилиши деб бўлмайди: *тиллер, юраклар, жигарлар, бурунлар, бошлар, сувлар, қонлар, сутлар, сароблар, барглар, йўқлар, (кетмайдими) чириблар* каби.

Шундай ҳолатларга ҳам дуч келамазмики, унинг айрим отларга қўшилишида гўё морфологик меъёр бузилмагандай кўринса-да, услубий меъёрга жиддий путур етгани сезилади: *дадамлар келдилар*. *-лар* нинг феълга қўшилишининг ўзиёқ ҳурмат маъносини билдиради. Аммо негадир кейинги пайтларда, айниқса сўзлашув нутқида бу қўшимчани *дада* сўзига қўшиб ишлатиш кучайиб бормоқда. Унга мана бундай ҳолатгина сабаб бўлиши мумкин: Эшик очилиб, кириб келган одамнинг кимлигини билиш мақсадида янги оила қурган йигит келинчагидан: *- Ким келди?* —деб сўраганида *- Дадамлар...*, — деб жавоб бериши кабилар.

Ҳарқалай, бу ўринда **-лар** нинг ҳурмат билдиришга нутқий вазият нуқтаи назаридан баҳо бериш тўғри бўлади. (Илмий адабиётларда «Ҳурмат маъносини ифодаловчи **-лар** алоҳида аффикс деб, сон категорияси ва эгалик категорияси системасидан ташқарида турувчи мустақил форма деб қаралиши лозим» деган фикрлар ҳам бор³⁰ .

Келинчакнинг ёки бошқа бир фарзанднинг жавобида биргина **дадамлар** сўзи ишлатилганда у ҳурмат маъносини ўз зиммасига олар, аммо **дадамлар келдилар** гапидаги **дадамлар** сўзи таркибидаги **-лар** га меъёрнинг ва бундан келиб чиқадиган мантиқнинг бузилиши деб қаралиши тўғри бўлади. Чунки диққат қилган одам **дадамлар** сўзидан гапирувчининг бир неча дадаси борлиги маъносини тушуниши ҳам мумкин.

Афсуски, Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувларида айрим журналистларимиз қўшимчадаги бу нозикликни баъзан пайқамасдан, суҳбатдошларини телетомошабинларга таништираётганларида бир кишига нисбатан ҳам **улар, булар** сўзларини (ҳатто **ула, була** шаклида) қўллашиб, «ҳурмат билдиришмоқдалар». Ёзувчи Саид Аҳмад эса **улар, булар** ўрнида **у киши** жумласини қўллайди ва кўзда тутилган маънони тўлиғича сақлаб қолади: *Аммо Гафур ака ёзишга шошилмасди. Сабабини сўраганимда, у киши шундай деб жавоб берган эдилар* (Назм чорраҳасида).

Яна бир ҳолатга эътибор берайлик. Феълларга қўшилганда **-лар** қўшимчаси ҳурмат ёки бошқа маъноларни англаатар экан, уни мана бу мисолдагидек ишлатиш ҳам меъёрнинг, бинобарин, мантиқнинг бузилганлиги деб қаралиши керак: *Интеллектуал сўзлар умумистеъмолдаги лексикага хос бўлганликларидан, ҳар қандай жанрда ишлатилмавердилар ва стилистик жиҳатдан чегараланмаган бўладилар. Шунга кўра уларни стилистик нейтрал бўлган лексика деб ҳам атайдилар* (А.Шомақсудов). Мисолдаги **уларни, атайдилар** сўзлари ҳақида бу гапни айтиб бўлмайди. Улар грамматик-услубий жиҳатдан тўғри қўлланган.

Нутқда синтактик меъёрларнинг бузилиши ҳам кузатилади. Шукрулло, Мирмуҳсин, Туроб Тўла, Пулат Мўмин

³⁰ Қ а р а н г: Ўзбек тили грамматикаси, 1 том — Тошкент, 1975, 187- бет.

асарлари синтаксисини таҳлил қилган Ф. Исҳоқов бу бузилишларни танқид қилиб қўйидаги мисолларни келтиради: сўз тартибнинг бузилиши: *Отадек фарзандига ким куяр ахир, / О, нақадар оғир фарзанднинг доғи* (Шукрулло), *Фалвиракнинг ўзи хунук, лекин мағзи соз бўлур, / Пистанинг ҳам қаттиғидан очик оғзи соз бўлур* (Шукрулло); эга-кесим номувофиқлиги: *Нима етишмасди? Етишмасди фақат / Мангу баҳор олиб келувчи бизлар* (Мирмуҳсин). Ф. Исҳоқов шоир Туроб Тўла ижодида, ҳатто унинг прозаик асарларида инверсиянинг ҳаддан ташқари, чекланмаган даражада кўп ишлатилишини ачиниб гапиради. Айрим намуналар: *Мана ким бўлса, дейди фарзандим инсон. Домла ўйлаб туриб, бу «Садраш» бўлсин деди, бўлмаса. Ўшанда ўша шоир украин тилида «Пушкин ва чақмоқ» деган шеър ўқиб кетди, ёдаки бирданига...³¹*

Тўғри, поэтик синтаксисда инверсия меъёрий ҳодиса саналади, аммо унга мурожаат қилишда ҳам андиша керак. Гапдаги ҳар қандай ўрин алмаштиришларни ҳам инверсия деявериш маъқул бўлмайди.

Маънонинг тўғри, мақсадга мувофиқ ифода этилишида оҳангнинг ҳам хизмати катта. Сўзларга қайси йўсинда урғу берилишига қараб маъно оттенкалари ўзгариб бориши мумкин. Масалан, нутқ жараёнида *келинг* сўзидаги самимият, пичинг, масхаралаш, норозилик каби оттенкалар фақат оҳанг ёрдамидагина реаллашади.

Хуллас, она тили хазинасидан керакли грамматик шаклларни танлаш ва уларни жой-жойида ишлатиш, нутқни тўғри тузишга эришиш, ҳар бир тил бирлигини ўрнига қўйиб талаффуз қилиш нутқ маданиятининг асосий талабларидан саналади.

Нутқнинг аниқлиги. Аниқлик ҳам нутқнинг асосий коммуникатив сифатларидан биридир. Агар тўғрилиқ нутқнинг юзага келишида фақат тил омили, зарурий белгиси сифатида қаралса, нутқнинг аниқлиги дейилганда унинг шаклланишига хизмат қиладиган, тилдан ташқарида бўлган омилларни ҳам назарда тутиш лозим бўлади. Бунда дастлаб

³¹ *Исҳоқов Ф.* Эътиқодимиз ҳам бор, эътирозларимиз ҳам // «Нутқ маданиятига оид масалалар» тўплами. — Тошкент, 1973, 112-119-бетлар.

тил ва тафаккур муносабати туради. Чунки, табиат ва жамиятдаги нарса ва ҳодисалар ўртасидаги мутаносиблик ва унинг нутқда акс этиши ана шу аниқликнинг худди ўзидир.

Бошқача айтганда, табиат ва жамиятдаги турли воқеа-ҳодисалар, предметлар, оламнинг жуғрофий тузилиши, кишиларнинг ҳис-туйғулари, ҳаракат ва ҳолатлари ҳар бир тилда ўз атамасига - номига эга. Ана шу атамалар ёрдамида бу ҳодисалар инсон томонидан англанади, тушунилади, идрок қилинади ва фикр алмашинади. Шунинг учун ҳам, нутқ олдида у аниқ бўлиши керак, деб талаб қўйилганда тил бирлиги ҳамда у ифодалаётган табиат ва жамиятдаги нарса ва ҳодисалар ўртасидаги мувофиқлик тушунилади. Масалага шу талаблардан келиб чиқиб ёндошиладиган бўлса, нутқ аниқлиги нутқ маданияти ва масъулиятининг гоят зарур шarti бўлиб қолади. Алишер Навоий, Абдулла Қодирий, Фафур Фулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Шукур Холмирзаев, Тоғай Мурод ва бошқа кўплаб адибларимизнинг тилга бўлган муносабатларини ана шу масъулият самараси деб тушуниш тўғри бўлади.

Бу жиҳатдан А. Қаҳҳорнинг ижоди ва тил маҳорати ҳақидаги айрим мулоҳазалари диққатга сазовордир. Маъруф Ҳакимнинг «Қаҳрамоннинг ўлими» ҳикоясини таҳлил қилган ёзувчи *Ботир белига қатор бешта бомба қистириб...*, *Қўлида бомба ушлаган ҳолда кўчага югурди* жумлаларидаги **бомба** сўзининг нотўғри қўлланганлигини, ёзувчининг бомба ва гранатани фарқламаслигини танқид қилади. А.Қаҳҳор таҳлилда давом этиб, ҳикоядан яна мисоллар келтиради: *Ботир «Султон аканинг оёқларини силаганда қўлига елимга ўхшаган бир нарса ёпишганлигини сезди: қоронғида нима эканлигини билолмай қолди»*. *Шу ернинг ўзида «Женя... йигитнинг кўзига узоқ тикилиб қолди»*. *Қўлга теккан қон кўринмаган қоронғида кўз кўринадими, дейди ёзувчи. У яна ёзади: «Адабиётда ёлғоннинг катта-кичиги йўқ. Ҳаммаси ҳам баравар зарардир. «Учрашув» (М.Ҳаким)да мана бундай ёлғон гап бор: «Аҳмад осмонга қаради. Ҳақиқатан кўкни булут босган. Биронта ҳам юлдуз йўқ эди!» Шундан беш сатр настда: «Аҳмад осмонга назар ташлади. Ҳақиқатан узоқ уфқдан чиқиб келаётган булутларнинг кўриниши хунук эди»*. *Узоқ уфқдан чиқиб келаётган булутларни кўриш учун ҳаво қисман бўлса ҳам очиқ бўлиши керак. Бу ерда ё «кўкни булут босган»и, биронта ҳам юлдуз йўқлиги ёлғон ёки*

«узоқ уфқдан чиқиб келаётган булутлар» тўғрисидаги гап бе-худа³².

Ўзбек тилининг алоқа вазифаси доирасида ёзувчилик ва журналистлик фаолиятида, ўқиш-ўқитиш жараёнида, миллат вакилларининг гундалик мулоқот жараёнида бундай камчиликлар учраб турибди. Тилдаги бу нуқсонни В.В.Виноградов ҳам ўз вақтида қайд қилган эди: «...учинчи кенг тарқалган стилистик касаллик — бу сўзнинг воқеликка мос келмаслигидир, сўзнинг предметдан узилиб қолиши — бу бузилиш, ҳатто баъзан унинг предмет (асосий) маъносини йўқ қилишдир. Бу касаллик тасвирланаётган ҳаёт билан таниш бўлмасликдан, ёзувчилар ўзлари чизаётган нарса ва ҳодисаларни яхши билмаслигидан келиб чиқади»³³.

Шундай қилиб, аниқлик — бу сўзнинг ўзи ифодалаётган воқеликка мос ва мувофиқ келишидир.

Аниқликни бошқача тушуниш ҳам мумкин. Бу сўз ва унинг кўпчилик томонидан қабул қилинган маъноси ҳамда унинг нутқда қўлланиши билан мувофиқ келишидир³⁴.

Кўринадики, аниқлик нутқнинг асосий хусусияти сифатида, энг аввало, тил тизимидаги лексик даража билан боғланади. «Нутқ аниқлиги» атамаси остида воқелик ва унинг тилдаги ифодаси бўлган лексик бирлик — сўзлар ўртасидаги ўзаро мувофиқлик англашилади.

Хўш, қайси тил бирлиги намунавий нутқнинг яратилишига кўпроқ хизмат қилади? Бу саволга синонимлар, деб жавоб бериш маъқул бўлади. Чунки улар мазмунан бир-бирларига яқин бўлса ҳам, маъно қирраларига кўра фарқланади. Ана шу қирралардаги фарқлар уларни танлаб ишлатиш имкониятини беради. Масалан, **аниқ, очик, яққол, равшан, ёрқин, ойдин, аён** синонимларини олиб кўрайлик. Гарчи улар умумий маънода бир синонимик қаторни ташкил қилишса ҳам, бирининг ўрнида иккинчисини қўллаш ҳамма вақт мумкин бўлавермайди. **Аниқ эшитдим** дейиш тўғри бўлгани ҳолда

³² Қаҳҳор А. Ёшлар билан суҳбат. — Тошкент, 1968, 44-46-бетлар.

³³ Виноградов В.В. Заметки о языке советских художественных произведений // В кн.: Вопросы культуры речи. — М., 1955, с.63.

³⁴ Головин Б.Н. Основы культуры речи. — М.: Высшая школа, 1980, с.126.

ойдин эшитдим дейиш мумкин эмас, *ҳамма нарса аён, ҳамма нарса равшан, ҳамма нарса аниқ, ҳамма нарса ойдин* дейиш мумкин бўлгани ҳолда *ҳамма нарса ёрқин* деб бўлмайди. Чунки асосан *аниқ* эшитишга, *очиқ* ва *ойдин* тушунишга, *яққол* ва *ёрқин* кўриш ва эшитишга, *равшан* кўриш ва тушунишга хос³⁵.

Бу каби маъно нозикликларини пайқамаслик ифодада ғализликни келтириб чиқариши мумкин. Масалан, *катта* ва *узун, қадам қўймоқ* ва *қадам ташламоқ* жуфтликларини олиб қарайлик: *Бўйи мендан каттароқ, ўзи сап-сариқ* (Ў.Ҳошимов). Узун-қисқалик ва катта-кичиклик икки хил ўлчов саналади, Бирида икки нуқта орасидаги масофа, иккинчисида ҳажм ўлчанади. Шунинг учун бўйни катта деб бўлмайди. Уни баланд ёки узун дейиш маъқул. Яна: *Мустақил ҳаётга қадам ташлаётган ёшларимиз никоҳдан ўтишганларидан кейин қишлоқ марказидаги ёдгорлик пойига ҳурмат-эҳтиром билан гулчамбарлар қўядилар* («Шарқ тонги» газетаси). Ўқиганда маънодаги нозиклик гўё сезилмаётгандек туюлса ҳам, бу ўринда *қадам қўймоқ* иборасини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки *қадам қўймоқ* да ҳаракатни энди бошлаш маъноси мавжуд, *қадам ташламоқ* эса ҳаракатдаги бу чегарани кўрсата олмайди. Мана бу *Мени янги ишга йўргаклаган ҳамқишлоқларим, шунингдек, устоз Маърифат Рофиевалар фойдали маслаҳат ва амалий ёрдамларини мендан аямай, касбни ўзлаштириб олгунимча мададкор бўлиб турдилар* мисолидаги *йўргакламоқ* сўзи умуман нотўғри қўлланилган. У *ўргатмоқ, жалб қилмоқ* маъноларини ҳам бера олмайди, *ишга йўргакламоқ* деб ибора тузиб ҳам бўлмайди.

Кўп маъноли сўзлардаги маъно нозикликларини пайқаш ҳам нутқ жараёнида аниқликка хизмат қилади. Зулфия ижодидан мисол келтирамиз. Шоира *симоб* сўзининг қуйидаги маъно оттенкаларини фарқлаган: а) ялтироқлик: *Симоб тўлқинлари тутиб осмонни, / Муттасил ёмғирлар зериктирса ҳам;* б) тозалик, мусаффолик: *Куйни тинглаб симобдай чашма / Жилваланиб қилди карашма;* в) белгини

³⁵ Ҳо ж и е в А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли лугати. — Тошкент, 1974, 30-бет.

кучайтириш: **Оқ симоб ранг булутдай силжиб / Биз томонга келар қўйлар галаси** каби.

Кўп маъноли сўзлардаги ана шу нозикликларни пайқамаслик фикрнинг ноаниқ, баъзан нотўғри ифодаланишига олиб келиши мумкин. **Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовут тобора қисқараёттир** («Гулистон» журнали) мисолида **қисқараёттир** сўзи мақсадни аниқ ифода эта олмайди. Чунки бу сўз одатда узунлик, миқдор ва ҳажм ўлчовига алоқадор. Тафовут эса мавҳум тушунча бўлиб, унга нисбатан **камаймоқ** сўзини қўллаш маъқулдир.

Аниқликни вазифавий услублар доирасида тушуниш ҳам ўзига хос. Масалан у сўзлашув услубида вазиятга боғлиқ бўлади. Расмий услубда эса у тилдаги тайёр, штамп ҳолидаги сўз ва иборалардан фойдаланишни тақозо қилади. Илмий услубда атама ва унинг ифодаланиш аниқлиги асосий ўринда туради. Оммабоп ва бадиий услубларда эса сўз ва иборалар фақатгина бадиий-эстетик вазифани бажаришдан ташқари ёзувчининг маслағи, ғоявий мақсадига мос бўлиши ва шунга хизмат қилиши лозим бўлади.

Ана шу сабабларга кўра сўз қўллаш аниқлигининг чегарасини белгилаш бирмунча мураккаб иш бўлиб, у тилни яхши билишни ва унинг вазифавий услублар доирасида қўлланиш имкониятларини ўрганишни тақозо қилади.

Нутқнинг мантиқийлиги. Нутқнинг мантиқийлиги унинг асосий сифатлари — тўғрилиқ ва аниқлик билан чамбарчас боғлангандир. Чунки грамматик жиҳатдан тўғри тузилмаган нутқ ҳам, фикрни ифода этиш учун муваффақиятсиз танланган лексик бирлик ҳам мантиқнинг бузилишига олиб келиши табиийдир. Мантиқий изчилликнинг бузилиши тингловчи ва ўқувчига ифодаланаётган фикрнинг тўлиқ бориб етмаслигига, баъзан умуман англашилмаслигига сабаб бўлиши мумкин. Нутқни шакллантиришдаги эътиборсизлик оқибатида баъзан мантиқсизлик ҳам юз беради: Қуйидаги мисолга диққат қилайлик: **Ферма жонкуярлари олти ойлик давлатга сут сотиш планларини муддатдан олдин бажардилар** (газетадан). Гапда сўзларнинг тартиби тўғри бўлмаганлиги, **олти ойлик** бирикмасининг **давлат** сўзидан кейин келмаганлиги туфайли мантиққа путур етаяпти, фикрни баён қилишда хатолик юз бераяпти.

Нутқнинг мантиқий бўлиши сўзловчи ёки ёзувчининг тафаккур қобилияти билан боғлиқ. Шунинг учун мантиқийлик фақатгина тил ҳодисаси саналмасдан, тилдан ташқарида бўлган омил сифатида ҳам қаралади. Яъни бунда нотилдан фақатгина тилни яхши билиш эмас, ўзи мулоҳаза юритаётган мавзу атрофида кенг билимга эга бўлиш ҳам талаб қилинади.

«Нутқ маданияти асослари» асарининг муаллифи Б.Н.Головин мантиқийликни икки гуруҳга бўлиб, уни предмет ва тушунча мантиқийлиги тарзида ўрганишни тавсия этган эди. Предмет мантиқийлиги — нутқдаги тил элементлари билан реал воқелиқдаги предмет ва ҳодисаларнинг мазмуний алоқаси ҳамда муносабатидир. Тушунча мантиқийлиги эса нутқда мантиқий тафаккур қурилиши ва унинг тил элементлари семантик алоқадорлигида мантиқий ривожланишнинг акс этишидир, дейди у³⁶.

Кўринадики, сўзларнинг ўзи ифодалаётган предмет ва ҳодисаларга мос равишда фикрни аниқ ифодалаши предмет мантиқийлиги бўлса, сўз бирикмаларининг, гапларнинг, абзацларнинг, ҳатто бутун-бутун матнларнинг бири-бирига мослиги, фикрни изчил давом эттиришга бўйсундирилиши тушунча мантиқийлигидир.

Тушунча мантиқийлиги ҳақида айтилган фикрдан шундай хулоса чиқариш мумкинки, нутқ мантиқийлигининг асосий лингвистик шarti — лексик-семантик ва синтактик меъёрга амал қилишидир.

Сўзларни бир-бирига мазмунан боғлаш, улар ўртасидаги грамматик алоқани тўғри шакллантириш синтактик меъёрга амал қилишнинг асосий шarti бўлиб ҳисобланади. Мана бу мисолда **куй ва рақс** сўзларининг диктор томонидан уйғун тарзда қўлланиб юборилиши мантиқнинг бузилишига олиб келган: *Энди куй ва рақслар тинглаб, дам олинг* (Телевидениедан). Куйни тинглаш мумкин, аммо рақсни-чи? **Ҳаммомда қатиқ ва шиша идишлар истеъмол қилиш ман этилади** («Муштум» журнали) мисоли тўғрисида ҳам шу гапни айтиш мумкин.

Баъзан эса сўзлар тушириб қолдирилади: **22-мактаб бунфетчиси Тожи Иброҳимов бир китобга 5 тийиндан**

³⁶ Головин Б.Н. Юқоридаги асар, 145-бет.

қўйиб сотмоқда («Муштум» журнали). Китобгами ёки китобнинг нархигами? Сўзларни бундай тушириб қолдиришлар натижасида юз берадиган метонимия ҳодисаси ҳамма вақт ҳам тўғри тушунилавермаслиги мумкин: *Ойпош хола горчечник қўйиб бўлиб, кетмоқчи эди, Даврон уни қўярда-қўймай чойга ўтқазди* (М.Жалолиддинова).

Гапда сўзлар ва бирикмалар тартибининг ҳам нутқ мантиқийлигида аҳамияти катта. Масалан, *Суратга олинган акула қуруқликдаги сут эмизувчиларга ўхшаб, тухум қўймайди, балки тирик бола туғади*. Ифода аниқлиги нуқтаи назаридан гап *Суратга олинган акула тухум қўймайди, балки қуруқликдаги сут эмизувчиларга ўхшаб тирик бола туғади* тарзида тузилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Кўр-кўрона қилинган таржималар ҳам кулгили ҳолатни юзага келтиради: *Эркак пайпоқлар нархи 30 фоизга арзонлашди* («Муштум» журнали). Пайпоқнинг эркак-урғочиси бўлмаслигини ҳамма билади. Бундай қўлланишни эса фақат нутқдаги эътиборсизлик натижаси деб тушуниш керак. Қуйидаги мисол ҳам бу фикрни қўллаб-қувватлайди: *Бугун Тошкентда ноль даража иссиқ бўлади* («Муштум» журнали).

Мантиқ талабига кўра нутқда гаплар ўртасида изчиллик бўлиши, уларнинг бирида баён этилган фикр иккинчисида давом эттирилиши лозим бўлади. Бу ҳол маълум бир фикрнинг тугашига қадар давом этиши керак. Гаплар ўртасида фикрий изчиллик йўқолиши билан мантиқийликка ҳам путур етиши мумкин. Мисоллар: *Редакцияга келган шеърларни ўқиб, буниси яхши, буниси ёмон дейишга тилимиз бормайди. Уларда авторларнинг нимадир демоқчи бўлишаётгани сезилиб туради* («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси), *Висолинга етишни азалдан жазм этардим, / Жозиба ярашмиш сизга шунчалар* (П.Мўмин).

А.Қаҳҳорнинг «Адабиёт муаллими» ҳикоясидаги қаҳрамон — «нафис адабиёт муаллими» Боқижон Бақоевнинг нутқи бу ўринда характерли мисол бўла олади: - *Чеховми? Ҳимм...буржуазия реализми тўғрисида сўзлаганда энг аввал унинг объектига диққат қилиш керак. Буржуазия реалистлари тушунган, улар акс эттирган объектив воқеликни англаш лозим бўлади. Турган гапки, Чеховнинг ижоди бошдан-оёқ, бутун моҳияти билан илк буржуазия реализми, яъни...ҳимм. Мукаррам, товуққа мойк қўйдингми? Қўйиш керак,*

бўлмаса дайди бўлиб кетади... Тавба, товуқдан аҳмоқ жонивор йўқ — мояк қўйсанг туғади! Нима учун мояк қўйсанг туғади? Хўроз нима учун саҳарда қичқиради? Ажойиб психология! Биология ўқийсизларми?

Ёзувчи ана шундай нутқ ёрдамида бадиий характер яратади. Шу ўринда А.Қаҳҳорнинг «Палағда гаплар» мақола-сида айтилган фикрларни эслаш ўринли бўлади: «Услубни бузадиган нарсалардан бири муболағани ишлата билмасликдир, муболаға қилишда жиддий асарларда қанча эҳтиёт керак бўлса, ҳажвда ҳам шундай бўлиши керак. Бир нарсани англатишда бўлганидан бир оз бўрттириб кўрсатиш муболаға бўлади. Бироқ муболағани қолипдан чиқариб юбориш ҳар қандай асарни совуқ қилиб юборади. «Қайғули кечалар»да... «Кўкда қизарган булутни кўргач, бу менинг кўзимдан оққан қоннинг аксидир», «Икки оғайнимни қўлтиққа қистириб йўрғалаб қолдим» (жуда тез демоқчи бўлса керак), «Новвойдан бир қадоқ нон олсам ичидан бир курак мих билан иккита олти газлик арқон чиқди...». Мана булар жуда қалбсиз муболағалар».

Юқорида бир ўринда таъкидлаб ўтганимиздек, матндаги абзацлар ўртасида ҳам мантиқий боғланиш бўлиши зарур. Одатда маълум бир фикр тугаб, иккинчиси бошланган жойда улар абзац билан ажратилади. Бу ерда фикр тугаллиги деганда яхлит фикр назарда тутилади ва абзац умумий матн мазмунининг бир қисми саналади. Тилда абзацларни бири-бирига боғлайдиган **кўринадики, демак, хулоса қилганимизда, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, юқоридагиларга асосланиб айтиш мумкинки, бошқача қилиб айтганда, хулас** сингари сўз ва бирикмалар мавжуд. Худди ана шу тил бирикларини бир абзац ичида ҳам фикрларни бири-бирига боғлашга, изчилликка хизмат қилиши мумкин. Мисол: **Демак, адабиёт назарияси адабий жараённинг тарихий тараққиёти қонуниятлари, адабий-бадиий тафаккур ва унинг муҳим соҳалари, чунончи, образ ва образлилик, характер ва тип, адабий методлар ва жанрлар, бадиий нутқ услуб ранг-баранглиги...каби қатор масалаларни атрофлича ўрганишга ёрдам беради. Бугина эмас. Адабиёт назарияси адабиётнинг ижтимоий аҳамияти, яъни жамият ҳаётида ўйнаган, ўйнаётган ва ўйнаши керак бўлган роли, унга объект бўлган нарсаларнинг социал моҳияти ҳақидаги, шунингдек, бадиий асарларни таҳлил қилиш мето-**

дикаси ва принциплари ҳақидаги фан ҳисобланади (Ж.Ҳожиматов).

Тушунча мантиқийлиги алоҳида олинган матнда фикрий кетма-кетлик, мантиқий изчиллик бўлишини тақозо қилади. Аммо бу талабни нутқий жараённинг ҳамма кўринишларида ҳам ўртага қўйиб бўлмайди. Масалан, вазифавий услубларда, хусусан илмий ва бадиий нутқ услубларида бу талабга қандай амал қилинишини олиб кўрайлик. Илмий услубда ёзилган асарлар яхлит бир қурилишга эга. Унда кириш, асосий қисм ва хулоса мавжуд бўлиб, улар ягона бир ҳалқага бирлашади. Матнда баён қилинаётган фикрлар қатъий изчилликда баён қилинади. Бадиий нутқ қурилиши эса бироз бошқача. Айтайлик, фикрлар бир маромда баён этиб келинадию, бирданига узилиш юз беради ва энди бошқа воқеалар ҳикоя қилиниб кетилади. Бу нарса гўё мантиқий изчилликка путур етказгандай кўринса-да, аслида ундай эмас. Бадиий асарларда, хусусан, қисса, роман каби жанрлардаги кенг кўламлилиқ тасвир композициясини ана шундай тузишни тақозо қилади. Мантиққа путур етмаганлиги бундай асарларнинг охирида маълум бўлади.

Бадиий асарларнинг қурилишидагина эмас, балки алоҳида олинган сўзлар ўртасидаги логик-грамматик муносабатда ҳам изчиллик бузилгандай бўлиши мумкин: *қайғули қувонч, ожиз жасорат, тотли азоб, буюк аҳмоқлик* каби. Бирикма таркибидаги маъноси зид сўзларнинг ҳар бирининг маъноси сақлаб қолинган ҳолда янги бир матний маъно келиб чиқади ва улар бадиий санъатлар доирасида оксюморон деб аталади. Яна:

Мен-чи, у кун, не сўз билан баён этайки,
Ўз қабримнинг тепасида ўзим турардим.
Дедим, фалак нега мени шу ҳолга солдинг,
Ҳадду поён борми алам, дарду сабримга.
Ўзим **тирик мазор** бўлиб келиб турибман
Менга насиб этмаган шу совуқ қабримга

(Э. Воҳидов)

Хулоса қилганимизда, мантиқий нутқ деганда яхлит бир тизим асосида шаклланган, фикрлар ривожи изчил бўлган, ҳар бир сўз, ибора аниқ, мақсадга мувофиқ равишда юзага келадиган нутқни тушунамиз.

Нутқнинг тозалиги. Нутқнинг тозалиги деганда унда тил элементларининг ишлатилишида адабий тил меъёрларига амал қилиш-қилмаслик тушунилади. Яхши, намунавий нутқ ҳозирги ўзбек адабий тили талабларига мос ҳолда шаклланган бўлиши, турли ғайриадабий ва ғайрияхлоқий тил элементларидан холи бўлиши керак. Бу масаланинг тил жиҳати бўлиб, нутқий тозаликнинг тилдан ташқари — паралингвистик жиҳатлари ҳам ундан кам бўлмаган аҳамиятга эга. Чунки у бой маънавий-ахлоқий қадриятларга эга бўлган ва бугун мустақиллик даврида яшаб, дунё ҳамжамияти билан тенг мавқеда мулоқотда бўлаётган ўзбек халқининг маданий даражасига мос бўлиши лозим.

Ҳуш, нутқимизнинг тоза бўлишига халақит бераётган лингвистик элементлар қайсилар? Булар асосан диалектизмлар ва варваризмлардир. Тўғри улар тилимизда ишлатилиши керак, бусиз бўлмайди. Чунки бадиий адабиёт тилида диалектизм ва варваризмлар маълум бадиий-эстетик вазифани бажариши, муаллифнинг маълум ғоясини, ниятини амалга оширишга хизмат қилиши мумкин. Айтайлик, муаллиф миллий руҳни бермоқчи, асар қаҳрамонининг қаерлик эканлигига ишора қилмоқчи ёки бошқа бир мақсадни кўзлаган бўлсин. Ана шундай пайтларда тилнинг бу унсурларига мурожаат қилиш ҳатто зарур. Масалан: **Ёшулли, санинг қизинг бунда гатирилмаган. Ова, ёшулли. Сан, манглайи қара бадқирдор на сабабдан мундоқ ёмон сўзларни элга тарқатдинг** (Мирмуҳсин). Ушбу мисолда диалектизмлар ҳудудий руҳни (Хоразм руҳини) беришга хизмат қилаётгани каби қуйидаги мисолда варваризмлар — чет сўзлар бадиий матнда характер яратишда ёзувчига кўмаклашган: **Дубора яна борди бир ишга шул, / Сўкиб — нет, - деди, келма дуррак, пошул!** (Муқимий). Ёки Ҳ.Ҳ.Ниёзийнинг «Бой ила хизматчи» драмасидаги қози нутқини олайлик. У ўзининг билимсиз эканлигини яшириш учун атайлаб арабча-форсча сўзларни ишлатишга интилади: **Қози. Айни ҳикмат сўзлайсиз! (Ғофирга) Ҳозирги инодинг айни ҳамоқат!**

Диалектал сўзларнинг бадиий адабиётда ўрни билан ишлатилиши фақатгина мақсадга мувофиқ бўлиб қолмасдан, адабий тилимизнинг бойиб боришига, умумхалқ тилидаги айрим элементларнинг сақланиб қолишига хизмат қилиши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам диалектизмлар ва адабий тил

меъёри доирасида меъёрни белғилаш тилимиздаги масъулиятли масалалардан бири саналади.

Шеваларимизда шундай лексик бирликлар мавжудки, улар адабий тилимизга кириб улгурмаган ёки шу ҳолича қолиб кетган. Бу каби сўзларнинг адабий меъёри ҳақида нима дейиш мумкин? А.Ю.Алиев «Ўзбекистон жумҳуриятининг давлат тили ҳақидаги қонуни ва ўзбек тили нутқ маданияти» номли маърузасида «Айрим нарса ва ҳодисаларнинг номлари адабий тил ва унинг луғатларида учрамайди. Лекин диалект ва шеваларда мавжуд бўлади. Бундай вақтда аниқ нарса ва ҳодисаларнинг номларини англатувчи сўз ва атамаларни ҳеч иккиланмасдан шевалардан олиб адабий тилга киришимиз керак», - деган фикрни айтиб, унинг тасдиғи сифатида қуйидаги мисолларни келтирган эди: *чўккала (лаганбардор), ўтик (ўтадиган жой), кечик (кечиб ўтадиган жой), саримсоқ (гўдакнинг номи қўйилгунча бўлган исми), узучак (учта бола туққан хотиннинг болалари ёки қўйнинг қўзилари), маданг (ёғочдан қилинган эшик қулфи, танба), қаланғи-қасанғи (енгил табиат одам), ўмган (кўкрак), арпабодиён (укроп тури), ўймоқ (ангишвона)* сингари³⁷.

Тадқиқотчининг айтган фикрларига қўшилиш мумкину, келтирган мисолларини маъқуллаб бўлмайди. Чунки *кечик, қаланғи-қасанғи, арпабодиён, ўймоқ, ўмган* сўзлари «Ўзбек тилининг имло луғати»да бор, демак, аллақачон адабий тилга қабул қилинган, меъёрлашган. *Ўтик* сўзи ҳам *ўтув* ва *ўтадиган жой* тарзида истеъмолда. *Чўккала* сўзини адабий тилга қабул қилганда ҳам энди унинг *лаганбардор* сўзини сиқиб чиқариши қийин. *Саримсоқ* сўзини балки ўйлаб кўриш мумкиндир, аммо *маданг* сўзини адабий тилга олиб кириб бўлмайди. У умумхалқ тили мулки бўлиб қолаверади, аммо илмий-техника инқилоби рўй берган ҳозирги замонда ёғочдан қилинган эшик қулфининг - ўзи йўқ бўлиб кетган нарсанинг номини адабий тилга олиб киришга ҳожат йўқ.

Тўғри, умумхалқ тилидаги айрим сўзлар, ҳақиқатдан ҳам адабий тилга кирмасдан қолган. Бу ҳолни фақат луғатларни

³⁷ Алиев А.Ю. Ўзбекистон жумҳуриятининг давлат тили ҳақидаги қонуни ва ўзбек тили нутқ маданияти // «Ўзбек нутқи маданиятининг долзарб муаммолари» тўплами. - Тошкент, 1990, 8-бет.

тузувчиларнинг камчилиги ёки ана шундай сўз ва тушунчаларнинг мавжудлигидан хабардор эмаслигида деб баҳоланиши мумкин. Масалан, янги туққан сигирнинг сутидан тайёрланган таомнинг *килагай/ гилагай/ галагай*, янги туққан қўй-эчкининг сутидан тайёрланган таомнинг эса *қағанок// қоғоноқ* дейилиши ўзбек тили вакилларининг ҳаммасига, жумладан, тилшунос-луғатшуносларнинг барчасига ҳам маълум бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам «Ўзбек тилининг имло луғати»га бу сўзларнинг иккинчиси кирган, биринчиси кирмасдан қолган. Аслида ўзбекларнинг чорвачилик билан шуғулланадиган қисми ёки уйларида сигир, қўй, эчки сақлаб, уларнинг сут-қатиғидан фойдаланадиганлари ана шу таомларни тайёрлашади ва бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда. Шундай экан, бу сўзларни фақат шева сўзлари деб бир четга суриб қўйиб бўлмайди ва улар адабий тилга киришга ҳақли. Шу маънода А.Юсупов келтирган *тўтра / тўрта (ёғ қуйқаси)* сўзини ҳам адабий тилга киритиш мумкин. Бу каби лингвистик бирликлар турли касблар ва соҳаларда кузатилади.

Эътироф этиш керакки, ўзбек тилидаги кўп шевалик шароитида лексик меъёрларни белгилашнинг ўзига хос қийинчиликлари ҳам бор. Ҳар бир шева вакилида маълум тушунчани ифодалайдиган сўзнинг табиий равишда ўз шевасидаги вариантдан фойдаланишга мойиллик сезилди. Бу ҳолатни ҳатто айрим шева вакиллари бўлган шоир ва ёзувчилар ижодида ҳам кузатиш мумкин. Бунинг ҳам ижобий, ҳам салбий томонлари бор, албатта. Ижобий томони - адибнинг, яъни шева вакили бўлган ижодкорларнинг шарофати билан маълум сўз адабий тилга кириб қолиб, меъёрлашиши мумкин. Агар бу бирлик кўпчилик томонидан қабул қилинмаса, уни энди тил лексик меъёрининг бузилиши деб қарашга тўғри келади.

Ижтимоий муҳитнинг тилдан фойдаланиш жараёнига таъсир кўрсатиши табиий бир ҳолдир. Кишилар нутқларида ўзлари билиб-билмай ёки эътиборсизлик оқибатида бошқа тил элементларидан ҳам фойдаланадилар. Бошқа миллат вакиллари билан биргаликда яшаш, меҳнат қилиш, таълим олиш, хуллас, муомала жараёнида ана шу ҳол юз беради.

Бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш улардан нутқда заруриятга кўра фойдаланиш салбий ҳодиса эмас. Аммо бундай

сўзлар орасида варваризм деб аталувчи шундай бир қатлам мавжудки, уларни нутқда қўллаш-қўлламаслик масаласига адабий тил меъёрлари нутқга назаридан муносабат билдириш лозим.

Гап шундаки, варваризм сифатида қараладиган *ну, так, вот, совсем, вообще, только, только так, естественно, обязательно, конечно, уже, почти, так что, значит, как раз, неужели, тем более, документ, оформить қилмоқ, организовать қилмоқ, принимать қилмоқ, разрешение олмоқ, подпись қўймоқ, бо, акун, сони* каби сўз ва бирикмаларнинг ўзбек тилида айнан эквивалентлари мавжуд. Бунинг устига улар адабий тилимизга кирган эмас. Демак, бу сўзлар ўзбек тили учун меъёр эмас. Аммо биз уларни, ижтимоий муҳит таъсиридан бўлса керак албатта, фарқига бормасдан ишлатаверамиз, нутқимизни назорат қилмаймиз. Шу тарзда лексик меъёр ҳам, нутқ ҳам бузилади.

Шунинг учун ҳам тилда варваризмларнинг ишлатилишини ижобий ҳодиса сифатида эмас, балки меъёрнинг бузилиши деб қараш ва уларни нутқда қўлламаслик лозим.

Русча сўз ва ибораларнинг, синтактик қурилишларнинг тилимиздан жуда секинлик ва қийинчилик билан чиқиб кетаётганини ҳам тарихий жараён сифатида қабул қилишга тўғри келади.

Тилдаги канцеляризм деб аталадиган расмий-идоравий услубга хос бўлган сўзлар ҳам нутқнинг тозалигига ҳамшиша хавф солиб туради. Улар расмий услубда фикрни ихчам ва мантиқий ифодалашга жуда қулай. Илмий услубда ҳам тайёр жумлалар, шаблон иборалардан фойдаланилади. Аммо бундай сўз ва ибораларни сўзлашув ва бадиий нутқ услубида ишлатиш матнга путур етказишдан бошқа нарса эмас. Бунга А.Қаҳҳорнинг «Нутқ» ҳикояси қаҳрамонининг табиийлик ва самимиятдан холи бўлган ҳамда шу йўл билан ғоятда кучли бадиий образни юзага келтирган нутқи мисол бўла олади. Парча келтирамиз: *Ўртоқ рафиқам! Ижозат берасиз, хуш-чақчақ ҳаётимизни шараф билан давом эттириб, оилавий бурчимизни намуналик бажариб келаётганимизга бир йил тўлган кунда сизни бевосита табрик қилишга!* Эътибор берайлик: суҳбатда ўнлаб ёки юзлаб киши эмас, икки киши — эр ва хотин иштирок этаяпти. Аввал хотин бу гапларни ҳазил деб ўйлайди, «қийқириб чапак чалади». Аммо нотик жиддий

қиёфада сўзида давом этади. *Биринчидан, иккинчидан* деб оилада бир йил давомида юз берган ютуқ-камчиликларни расмий равишда санаб ўтади ва нутқни қуйидагича яқунлайди: *-Лекин бу камчиликларга қарамай, турмушимизни аъло даражада олиб бораётганлигимизга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас деб ҳисоблаш мумкин. Шу билан қисқача сўзимни тамом қилиб, оиламиз бундан кейин ҳам шарафлар билан қопланажагига тўла ишонч билдиришга ижозат беринг!*

Нотиқ нутқини тугатгандан кейин яна аслига қайтади. Хотини унинг ҳар бир сўзидан завқланади, кулади. Нима учун нотиқ бир вазиятда ўзини икки хил тутаяпти? Сабаби шундаки, у гарчи ўзини «кенг эшитувчилар оммасига мўлжалланган нотиқ» деб ҳисобласа ҳам, қайси ҳолатда, вазиятда қандай гапириш кераклигини билмайди. Тилнинг вазифа ва услуб жиҳатдан амал қилиш қонуниятларини саёз тушунади. Шунинг учун ҳам унинг нутқи нотабий ва кулгилidir.

Паразит сўзлар деб аталувчи лексик бирликлар ҳам тил маданияти учун ётдир. Улар асосан сўзлашув нутқида кўп ишлатилиб, нотиқнинг ўз нутқини кузатиб бормаслиги, эътиборсизлиги натижасида пайдо бўлади ва бора-бора одатга айланиб қолади. Масалан, айрим кишилар ўзлари сезмаган ҳолда *демак, хўш* каби сўзларни қайтараверишга ўрганиб қолганлар. «Бир докладчининг бир соатлик нутқида, - деб ёзади А.Аҳмедов, - «ўртоқлар» сўзи 101 марта, «яъни» сўзи 73 марта, «демак» сўзи 60 марта такрорланганлигининг гувоҳи бўлганмиз. Қаранг, бир соатлик нутқда 234 та ортиқча, «бекорчи» сўз ишлатилган-а»³⁸.

Вульгар сўзларнинг учраши ҳам нутқимиз тозалигига салбий таъсир қилади. Оғзаки нутқда баъзан учраб қолдиган сўкиниш, ҳақорат сўзларни ишлатиш ахлоқ меъёрларига, шарқона муомала маданиятимизга мутлақо тўғри келмайдиган ишдир. Аммо бадий адабиётда персонажларнинг кучли ҳаяжонини, ғазабини ифода этиш мақсадида вульгар сўзларга мурожаат қилган ҳолатларга дуч келамиз: *Қарғаш учун сўз тополмади, / Ғазабини ҳеч босолмади. / «Ўйнаш» сўзин ҳадеб ҳижжалаб, / Охир деди «Фохши, жалаб...»* (Ҳ.Олимжон). Имкони борича бадий

³⁸ Аҳмедов А. Тил бойлиги. — Тошкент, 1968, 27-бет.

адабиётда ҳам вульгаризмларни ишлатишдан қочиш керак. Чунки бадиий адабиёт кишиларга эстетик таъсир ўтказиш воситаси бўлиш билан бирга тарбия манбаи эканлигини ҳам унутмаслигимиз керак.

Хуллас, нутқимизнинг тозалиги учун кураш ундан фойдаланувчи ҳар бир кишининг вазифаси бўлиши керак. Ана шундагина умуммиллий тил маданияти ҳақида гапиришимиз мумкин бўлади.

Нутқнинг таъсирчанлиги. Нутқнинг ижро этилишида унга маълум бир воқеа-ҳодиса ҳақида маълумот беришдан ташқари яна бир мақсад — тингловчи онгига ва руҳиятига таъсир этиш вазифа қилиб қўйилади. Шунинг учун ҳам таъсирчанлик нутқнинг асосий сифатларидан бири саналади ҳамда тўғрилик ва аниқлик ҳам, мантиқийлик ва тозалик ҳам суҳбатдошга, тингловчига ёки ўқувчига таъсир этишга қаратилган бўлади. Бу санаб ўтилган хусусиятларда тил омиллари биринчи ўринда турса, уларнинг барчасидан фойдаланган ҳолда таъсирчанлик кенг доирада тилдан ташқаридаги омилларни ҳам қамраб олади.

Бу тилдан ташқаридаги омиллар қайсилар? Энг аввало, нотикнинг мавзу атрофида етарли билимга эга бўлиши. Мавзуни яхши билмаган нотикнинг таъсирли нутқ ижро этиши ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Шу билан бирга, нутқ қайси мавзуда бўлишидан қатъий назар у мустақил республикада бугун давлатимиз ва Президентимиз олиб бораётган сиёсатга мос келиши, уни омма орасида тарғиб қилишга, ёшлар тарбиясига қаратилган бўлиши лозим.

Нутқнинг таъсирчанлиги деганда, асосан оғзаки нутқ жараёни назарда тутилади ва шунинг учун унинг тингловчи томонидан қабул қилинишидаги руҳий вазиятни эътиборга олиш ҳам муҳим саналади. Яъни, нотик аудиторияни ҳисобга олиши — уларнинг билим даражасидан ёшигача, ҳатто нутқ ижро этилаётган пайтдаги кайфиятигача кузатиб турилиши, нутқнинг тингловчилар томонидан қабул қилиниши назорат қилиб борилиши лозим бўлади. Малакали билимга эга бўлган кишилар олдида жўн, содда тилда гапириш мақсадга мувофиқ бўлмагани каби, оддий, етарли даражада маълумотга эга бўлмаган аудитория олдида ҳам илмий ва расмий тилда гапиришга йўл қўйиб бўлмайди. Хуллас, нотикдан вазиятга қараб иш тутиш талаб қилинади. Ва бутун

диққат-эътибор ифодаламақчи бўлган фикрни тўлалигича тингловчиларга етказиш вазифа қилиб қўйилади.

Тингловчининг эътиборини қозонган нутқгина таъсирчан нутқ ҳисобланиши мумкин. Бунинг учун, юқорида таъкидланганидек, суҳбат мавзусини яхши билишдан ташқари, уни баён этишнинг аниқ режаси ҳам бўлиши зарур. Нутқдаги фикрларни биринчи ва иккинчи даражали тарзда тузиб, уларни ўзаро боғлаб, тингловчиларга аввал нутқ режасини тушунтириб, шундан кейингина гапни бошлаш лозим.

Сўзловчининг ўз нутқига муносабати ҳам муҳим. Шундай бўлгандагина қуруқ расмиятчиликдан қочиш мумкин бўлади. Сўзловчи ва тингловчи ўртасида самимият пайдо бўлади. Нотиқ фикрларини ўзи ёки аудиториядаги кишилар ҳаётидан олинган мисоллар асосида исботлашга ҳаракат қилса, мавзуга доир субъектив мулоҳазаларини билдирса, нутқ яна ҳам ишонарли ва таъсирли чиқади.

Тингловчига эмоционал таъсир ўтказишга муваффақ бўлиш эса нотиқнинг ютуғи ҳисобланади. Бу ҳақда машҳур рус нотиғи проф. В.О.Ключковский шундай деган эди: «Жамоат орасида гапирганимизда тингловчиларнинг қулоғига, ақлига мурожаат қилманг, шундоқ гапирингки, улар сизни тинглаб туриб, сўзларингизни эшитсин, предметларни сиз билан кўриб, сизнинг ҳолатингизга киришсин. Тингловчилар сизнинг тасвирингизсиз ҳам ақли, юраги, фикри билан шу предметни яхшироқ кузатади.

Нутқда фикрни ривожлантира бориб, дастлаб унинг схемасини тингловчининг ақлига етказиш, кейин унинг тасаввурига яққол таққосларни тақдим этиш керак, ниҳоят чиройли лирик тасвирлар билан эҳтиёткорона уни тингловчининг юрагига жо қилинг, ўшанда тингловчи — асирингиз қочиб кетмайди, ҳатто сиз уни эркин қўйиб юборсангиз ҳам сизнинг абадий итоатгўй мижозингиз бўлиб қолади»³⁹.

Нутқнинг тингловчиларга қандай таъсир қилишида ва уларда қандай таассурот қолдиришида нотиқнинг нутқий жараён давомида ўзини қандай тута билиши, жест ва мимикалари, ҳатто кийиниши каби омилларнинг ҳам аҳамияти бор. Самимийлик, хушмуомалалик, одоблилиқ, ауди-

³⁹ Кўчирма қуйидаги манбадан олинди: *Разумова Л., Шаров В.* Лектор нутқининг таъсирчанлиги. — Тошкент, 1973. 21-бет

торияга ҳурмат билан қараш каби фазилатлар нутқнинг тингловчилар томонидан эътибор билан тингланишига сабаб бўлади.

Нутқнинг таъсирчанлиги, ифодалилиги ҳақидаги гап, маълум маънода, нутқ сифатлари ҳақида айтилган мулоҳазаларга яқун ясашидир. Чунки яхши нутқнинг фазилатларини кўрсатиб ўтиш, нутқда учрайдиган айрим типик хатоларни таҳлил қилиш пировард натижада таъсирчан бир нутқни шакллантиришга хизмат қилади.

Юқорида намунавий нутқнинг асосий талабларига қисқача тўхталиб ўтилди. Улардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, яхши нутқ сўзловчи ва ёзувчидан саводхонликни, катта меҳнатни талаб қиладиган мураккаб жараён дир. Умуман, нутқ аниқ ва равон бўлиши, грамматик жиҳатдан тўғри шаклланган бўлиши ва орфоэпик талаблар даражасида талаффуз этилиши, бошдан охиригача изчил баён қилиниши лозим бўлади. Ана шундай нутқгина тингловчи ва ўқувчи қалбига бориб етади. Шундай нутқгина маданий нутқ талабларига жавоб беради. Бунинг учун эса ёзувчидан ва омма олдида чиқиб нутқ сўзлайдиган кишидан тинимсиз изланиш ва ўз устида ишлаш, муттасил нутқий машқ талаб қилинади.

Амалий машгулотлар учун вазифалар:

1. Қуйидаги гапдан нотўғри қўлланган грамматик воситани топинг ва уни маъқули билан алмаштиринг: *Ана шу азаматларнинг ғайрат-ҳимматлари туфайли каналда ҳозиргачаёқ 300 минг кубометрга яқин тупроқ ишлари бажариб қўйилди. Биз говмишларни сершира емишлар билан боқиб, уларни қишдан беталофатсиз олиб чиқдик.*

2. Қуйидаги гапдан нотўғри қўлланган лексик воситани топинг ва уни маъқули билан алмаштиринг: *Жуда ҳам ингичка ҳислар билан ўралган бундай содда-нафис мисраларни ўқиб юқорида айтилган фикрларни қайта такрорлагим келди. Сулаймон Сафоев бемор – Зулайҳони қандай даволаш ҳақида фикрга шўнғиганида бирдан телефон жириглади.*

3. Қуйидаги гап мантиқи бузилган ҳолатни аниқланг ва уни таҳрир қилинг: *Дарслардан узрсиз сабаблар билан қолувчи ёки уй вазифасини бажармайдиган ўқувчилар бутунлай тугатилади. Ухлашдан олдин уч соат овқатланиш керак.*

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар :

1. «Нутқнинг тўғрилиги» деганда нимани тушунасиз?
2. Нутқ аниқлиги талабларини тушунтириб беринг.
3. Нутқнинг мантиқийлиги тилдан бошқа яна нималарга боғлиқ?
4. Ўзбек тилининг тозалик даражасини изоҳланг.
5. Тилнинг таъсирчан воситаларини бадиий адабиёт матнидан олинган мисоллар асосида кўрсатинг.

Адабиётлар

1. **Бегматов Э.** Ўзбек нутқи маданияти масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1980, № 4.
2. **Шомақсудов А.** Ўзбек тили стилистикаси. — Тошкент: Ўқитувчи, 1983.
3. **Қўнғуров Р.Қ., Каримов С.А, Қурбонов Т.И.** Ўзбек тилининг функционал стиллари. — Самарқанд, 1984.
4. **Қўнғуров Р., Каримов С., Қурбонов Т.** Нутқ маданияти асослари, II қисм. — Самарқанд, 1986.
5. **Қиличев Э., Қиличев Б.** Нутқ маданияти ва услубият асослари. — Бухоро, 2001.

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИНИНГ ВАЗИФАВИЙ УСЛУБЛАРИ

Р е ж а:

1. Вазифавий, яъни функционал услуб тушунчаси.
2. Ўзбек тили вазифавий услубларининг шаклланиши тил тараққиётининг навбатдаги босқичи эканлиги.
3. Вазифавий услублар кўринишлари.
4. Нутқ маданиятининг вазифавий услубларга таъсири.

Таянч сўз ва иборалар: услуб, услубшунослик, вазифавий услубшунослик, йўналишлар, таснифдаги омиллар, лингвистик, экстралингвистик, вазифавий услублар турлари, расмий, оммабон, илмий, бадиий, сўзлашув. Расмий: давлат-маъмурий, ҳуқуқий муассасалар, дипломатик муносабатлар, иш юритиш ҳужжатлари, аниқлик, соддалик, қолип, ўзига хос атамалар, от туркумига оид сўзлар, мажҳул нисбат, шарт майли, фаол феъллар. Илмий: фан соҳаси, илмий тафаккур, далил, факт, жанр хусусиятлари, монография, рисола, дарслик, қўлланма, дастур, маъруза, тақриз, реферат, аниқлик, атамаларнинг қўлланилиши, объективлик, мантиқий изчиллик, қисқалик, содда ёйиқ, боғловчили қўшма гап, хосланган феъллар. Оммабон: ҳозиржавоблик, тарғибот, ташвиқот, ахборот, новаторлик, ижтимоий-сиёсий терминология, оралиқ услуб, қисқалик, лўндалик, ихчамлик, ёрқинлик, оммавий ахборот воситалари, сифатдош оборотлар, шарт майли, риторик сўроқ, риторик ундов, мурожат, ундов, бир бош бўлакли гаплар, турғун бирикмалар, кириш бўлак, кириш гап, шахси умумлашган гап. Услублараро қўлланиладиган ёки нейтрал тил birlikлари.

Ўзбек тилшунослигининг нисбатан янги соҳаси саналадиган стилистика - услубшунослик тил birlikларининг алоқа воситаси сифатида муомала жараёнида турли соҳа ва вазиятда қўлланиши, нутқни ташкил қилиш қонуниятлари, тил

тизимдаги барча воситаларнинг нутқ жараёнидаги имкони-ятлари ва маъно нозикликларини аниқлаш билан шуғулланади. «Стилистика — тилда мавжуд бўлган барча воситалар — лексик, грамматик, фонетик воситалардан нутқда қандай фойдаланиш зарурлигини, маълум бир типдаги форма, сўз ва конструкциялардан қайси бирини қўллаш мувофиқ эканини, яхши ва энг мувофиқ воситасини тавсия этади, норма қилиб белгилайди, нутқнинг турли стилистик қатламларида қўлланадиган воситаларни белгилаб беради, Шунга кўра, стилистика сўз санъати, ифода воситалар ҳақидаги алоҳида бир фандир»⁴⁰.

Тилдаги ана шундай муаммолар билан шуғулланадиган услубшуносликнинг қуйидаги йўналишлари мавжуд:

1. Тилнинг лексик ресурсларини ўрганувчи йўналиш.
2. Функционал стилистика — вазифавий услубшунослик.
3. Бадиий адабиёт услублари.
4. Амалий услубшунослик.

Мавзу нуқтаи назаридан бу ўринда бизни вазифавий услубшунослик қизиқтиради. Кишилар ўз ижтимоий фаолиятларида тилдаги барча воситалардан — фонетик, грамматик, лексик, фразеологик birlikлардан фойдаланганларида, аввало уларни ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб, нутқ мавзусига, вазиятга қараб танлайдилар ва қўллайдилар. Тилимиздаги воситаларнинг бир нечалаб кўринишларга эга бўлиши, синонимик ранг-баранглик шундай йўл тутишга имкон беради. Мана шу танлаш нутқ жараёнида тил birlikларининг ўзига хос услубий чегараланишини тақозо қилади. Тил birlikларини ижтимоий муҳитда танлаб ишлатиш зарурати ва уларни тилшуносликда илмий-амалий таҳлил қилиш услубшуносликда янги соҳани — вазифавий услубшуносликни вужудга келтирди.

Ўзбек тили услубларини вазифавий жиҳатдан тасниф қилиш икки омилга — тил ва тилдан ташқарида бўлган омилларга таянади. Бу услубларнинг Н.А.Баскаков, А.Сулаймонов, А.Шомақсудов, Ғ.Абдурахмонов, Б.Ўринбоев, С.Муҳамедовлар томонидан тавсия этилган вариантлари мавжуд

⁴⁰ Абдурахмонов Ғ. Стилистик нормалар ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1969, 6-сон, 50-бет.

бўлиб, уларда асосан бешта услуб — сўзлашув, оммабоп, илмий, расмий ва бадий услублар эътироф этилади.

Улар ҳақида билимга эга бўлиш ўқувчиларга она тилимизнинг нутқ жараёнидаги имкониятларини ўрганишга кўмаклашади.

Расмий услуб ҳозирги ўзбек тилининг давлат-маъмурий, ҳуқуқий муассасаларида, расмий дипломатик муносабатларида намоён бўладиган кўринишидир. Қонун матнлари, фармонлар, фармойишлар, буйруқлар, хуллас барча расмий иш қоғозлари ана шу услубда шаклланади. Бу услубнинг оғзаки ва ёзма кўринишлари, бинобарин, ушбу кўринишларнинг ўз меъёрлари мавжуд.

Жумладан, аниқлик. Ушбу услубда шаклланган матнда ноаниқликка, изоҳталаб ўринларга йўл қўйилмаслиги лозим. Фикр ва мазмун содда, аниқ ва тушунарли тилда баён қилиниши керак: *Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берадиган идоралар томонидангина амалга оширилади.* (ЎЗР Конституцияси, 7 - модда).

Қолип. Фикр — мулоҳаза, баён асосан бир қолипда ифодаланади. Солиштирамиз: *Ўзбек миллий маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган марҳум адабиёт ва санъат намояндаларини мукофотлаш тўғрисида.*

Бетакрор истеъдоди ва ўлмас ижодий мероси билан ўзбек миллий маданиятининг ривожига беқиёс ҳисса қўшган, бутун ҳаётини эл-юрт тараққиёти, халқимиз маънавиятининг юксалишига бахш этган ватандошларимизнинг хотирасини ёд этиб, уларни Ватан олдидаги унутилмас хизматларини инобатга олиб, қуйидаги марҳум адиб ва санъаткорлар «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлансин. (ЎЗР Президентининг 2001 йил 22 август Фармони).

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 20-бандига асосан қарор қиламан (ЎЗР Президентининг 2001 йил 22 август Фармони).

Шу тарзда ариза, қарор, билдиришнома, маълумотнома, шартнома, табрикнома сингари турли характердаги расмий ҳужжатлардан ҳар бирининг ўзига хос баён этиш қолипи бўлади. Айни пайтда, уларнинг ҳар бирининг алоҳида сўз ва турғун бирикмалари ҳам мавжуд бўлади. Масалан, ҳуқуқий ҳужжатлар матнига кўз югуртирсак, уларда бошқа вазифавий услубларда деярли учрамайдиган атамаларга дуч келамиз: *маъмурий жавобгарлик, фуқаролик ҳолати, фуқаролик жавобгарлиги, айбдор, гумондор, жабрланувчи, судланувчи, гувоҳ, жамоат кафиллиги, суриштирув, жабрланувчи билан ярашув* ва бошқалар.

Иш қоғозлари ва ҳужжатларнинг хилма-хиллигига қараб уларга оид атамаларнинг меъёрлашуви ва чегаралануви ҳам кузатилади. Қиёс учун дипломатик муносабатлар доирасидаги сўз ва ибораларга кўз югуртирайлик : *аҳдлашувчи олий томонлар, элчи, элчихона, мухтор элчи, мухтор вакил, ишончли вакил, нота, ратификация, шартнома, баёнот, қўшма баёнот, декларация, ташриф, қароргоҳ* кабилар.

Ушбу услуб учун жаргонлар, оддий сўзлашувга хос сўзлар, эмоционал-экспрессив бўёққа эга бўлган сўзларнинг ишлатилиши меъёр саналмайди ва шу жиҳати билан у бошқа услублардан кескин фарқ қилади.

Расмий услубнинг грамматик меъёри ҳам алоҳида хусусиятларга эга. Масалан, от сўз туркумига оид сўзлар кўп ишлатилади. Ноаниқликларга йўл қўйилмаслик мақсадида улар олмошлар билан алмаштирилмайди: *Ўзбекистон Республикаси ўз тараққиёт йўлини, ўз номини аниқлайди, ўз давлат рамзларини: герби, байроғи, мадҳиясини таъсис этади, ўз давлат тилини белгилайди. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг рамзлари муқаддасдир* (1991 йил 31 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонуннинг 16 - моддасидан).

Бу услубда феълнинг ҳаракат номи шакли фаол қўлланилади, гапнинг кесими кўпинча ҳозирги замоннинг мажҳул нисбатида ифодаланади, ҳужжатнинг характерига қараб шарт майли шаклига тез-тез мурожаат этилади. Масалан, «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мутлақ ваколатлари» ҳақидаги 78 — моддасида *ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, қабул қилиш,*

белгилаш, тасдиқлаш, тартибга солиш, ўзгартириш, жорий қилиш, комиссиясини тузиш, сайлов кунини тайинлаш, сайлаш, озод этиш, ратификация қилиш, таъсис этиш, амалга ошириш сингари феълли бирикмалар ишлатилган. Ушбу ҳужжатда *амалга оширилади, асос бўлади, ташкил этади, белгиланади, асосланади, ҳисобланади, ҳимоя қилинади, амалга оширади, тан олинади, иш кўради, адо этади, кафолатланади, тақиқланади, тавсия этилади* сингари феълларнинг фаол ишлатилиши ҳам юқоридаги фикрнинг тасдиғидир. Яна: *Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг маърузасидаги концептуал қоидалар ва хулосалар маъқуллансин ҳамда улар Олий Мажлиснинг келгуси фаолиятида инobatга олинсин. Маърузанинг ... дастурий хулосалари прокуратура, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, судлар фаолияти учун асос қилиб олинсин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ... мустақиллик ва демократия қўлга киритган ютуқларни ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат, фуқаролар тинчлиги ҳамда тотувлигини таъминлаш ишларини кучайтириш тавсия этилсин.* (ЎЗР Президенти И. А. Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясидаги маърузаси юзасидан ЎЗР Олий Мажлиснинг 2001 йил 29 август қароридан).

Шу ўринда расмий услубда ёзилган матнлар учун барча морфологик воситалар ва категорияларнинг қўлланилиши бир хил даражада эмаслигини таъкидлаш ҳам мақсадга мувофиқ. Масалан, сонлар ва олмошлар бу услубда бошқа сўз туркумларига қараганда иккинчи даражали омил ҳисобланади.

Расмий услубнинг синтактик аломатлари ҳам матнда дарҳол кўзга ташланади. Унда дарак гаплар, унинг айниқса қўшма гап шакли кўп ишлатилади. Ёйиқ ва мураккаб сўз бирикмалари маҳсулдор ҳисобланади, мураккаб типдаги номлар кенг қўлланилади. Гап тузилишида ўзбек тилидаги одатдаги меъёрга амал қилинади ва юқорида саналган жиҳатлари билан илмий услубга ўхшаб кетади.

Илмий услуб илмий асарлар услубидир. Тил бирликларининг фан соҳасида, илмий баён жараёнида ишлатилиши мазкур услубнинг шаклланишига асос бўлади. Илмий тафаккур фикрлашнинг ўзига хос усули эканлиги, объектив борлиқни идрок этишда фақатгина далил ва фактларга таяниш, фикрий изчилик каби экстралингвистик омиллар ҳам нутқнинг ушбу турининг шаклланишида, бинобарин, нутқий меъ-

ёрнинг ўзига хос турининг юзага келишида муҳим омин саналади.

Юқорида бу каби хусусиятларнинг муштараклиги билан расмий услубга яқинлиги айтиб ўтилган эди.

Илмий услубнинг жанр хусусиятлари ҳам кенг. Монография, рисола, дарслик, ўқув қўлланмаси, ўқув-методик қўлланма, дастур, маъруза матнлари, тақриз ва реферат сингарилар унинг ана шу жанр кўринишлари ҳисобланади. Гарчи уларнинг ҳар бирининг баён усули ва услуби маълум даражада бир-бирларидан фарқ қилса-да, тил birlikларидан фойдаланиш меъёрига кўра умумийликни ташкил этади.

Илмий услубга хос хусусиятлар қуйидагилардан иборат:

1. Аниқлик. Ҳар қандай илмий баён, хулоса, шубҳасиз, аниқликни талаб қилади. Шунинг учун бу услубда сўзларни аниқ, асосан бир маънода қўллаш, синонимик қатордаги вариантлардан масаланинг моҳиятини бирмунча аниқ ифода этадиган вариантни танлаш, ҳеч бўлмаганда, нейтрал вариантни қўллаш тақозо этилади. Терминларни қўллаш бу услубнинг асосий хусусияти саналади: *Химиявий таркибига кўра гербицидлар анорганик ва органик гербицидларга бўлинади. Анорганик гербицидлар: натрий арсенит, аммоний сульфат, кальций цианамид, сульфат кислота ва бошқалар. Органик гербицидлар: трактор керосини, мочевино ҳосиллари, хлорфеноксисирка кислота, хлорфеноксимой кислота ва бошқалар. Ҳозирги вақтда кўпроқ органик бирикмали ва баъзан анорганик бирикмали гербицидлар қўлланилади* (Дехқончилик, 134).

2. Обьективлик. Илмий адабиётларда бу услуб доирасида тил материали фикрнинг ҳаққонийлиги, объективлигига хизмат қилиши лозимлиги уқтирилади⁴¹. «Мантиқ» дарлигидан бир мисол келтирамиз: *«Эпименид «Мен ёлғон гапирман» деб айтди. Бу парадоксни мутлақо ҳал этиб бўлмайди. Айтайлик, Эпименид рост гапирди, бу ҳолда унинг ҳақиқатда ёлғон гапиргани аниқ бўлади. Айтайлик, у ёлғон гапирди. Бу ҳолда унинг ҳақиқатда ҳам рост гапиргани маълум бўлади»*⁴².

⁴¹ Мукаррамов М. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили. — Тошкент, 1984, 17-бет.

⁴² Хайруллаев М., Ҳақбердиев М. Мантиқ. — Тошкент, 1993, 282 —бет.

Маълум бўладики, ҳаққонийлик, объективлик ниҳоятда мураккаб жараён бўлиб, унинг реаллашувида фақатгина тил бирликларига таяниб иш кўриш қийин. Уни вазият, суҳбатдошларнинг бир-бирларини билиши ва тушуниши каби экстралингвистик омиллар ҳам белгилаши мумкин.

3. Мантиқий изчиллик илмий баён услубининг ўзига хос хусусиятини ташкил этади. Матнда сўзлар, гаплар, абзацлар ўзаро мантиқий боғланган бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам илмий матнлар бу изчилликни юзага келтирувчи *маълумки, маълум бўладики, таъкидлаш лозимки, таъкидлаш ўринлики, дарҳақиқат, бинобарин, шундай экан, биринчидан, иккинчидан, кўринадик, таъкидлаш жоизки, хулоса қилиб айтганда, хулоса қилганимизда, биргина мисол, фақат бугина эмас* сингари кўплаб боғловчи вазифасини бажарадиган сўз ва бирикмалар қўлланилади.

4. Қисқалик. Бу хусусият айнан илмий баёнга хос хусусиятдир. Шунинг учун унда тилнинг тасвирий имкониятларидан деярли фойдаланилмайди. Гаплар дарак мазмунида бўлиб, асосан содда ёйиқ ҳолда бўлади. Агар фикр қўшма гаплар ёрдамида ифодаланса, боғловчиларнинг фаол ишлатилиши кузатилади: *Ғалла экинлари уруғлари сақлашга анча чидамли ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигини сифатли уруғ билан таъминлашда уни сақлаш муҳим тадбирдир. Экиладиган ғалла уруғлари учун давлат стандарти белгиланган* (Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш технологияси).

Илмий услуб фонетик жиҳатдан бошқа услублардан фарқланиб турувчи ёрқин белгиларга эга эмас. Лексикасида эса фарқ қилувчи жиҳат соҳавий атамаларнинг кўплиги ҳисобланади. Бу услубда ҳам, худди расмий услубда бўлгани каби, сўзларни кўчма маъноларда қўллаш, тасвирий воситалардан унумли фойдаланиш хос хусусият саналмайди. Субъектив эмоционаллик, образлилик, оғзаки нутқ элементлари, умуман ғайри адабий унсурлар кам ишлатилади. Мумкин қадар баён бир хил меъёрда ифода этилади. Шу билан бирга, айрим ҳолатларда фикр юритилаётган манба, мавзу билан уйғун равишда баъзан бу услубда ҳам образли ифодалардан фойдаланиш истисно эмас. Масалан: *Дифференциал тенгламаларнинг хусусий ҳосилалари физикага чўри бўлиб ишга кирди, кейин у чўридан бекага айланиб кетди* (Р.Бекжонов).

Муаллиф индивидуаллигининг кам сезиларли бўлиши ҳам илмий услубнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир.

Илмий услубнинг морфологик хусусиятлари тўғрисида М.Мукаррамовнинг «Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили» монографиясида қуйидаги фикрлар баён қилинган:

Илмий услубда фақат адабий тилда меъёр сифатида эътироф этилган грамматик кўрсаткичлардан фойдаланилади. Сўз туркумларидан от фаол, кўпинча такрор қўлланади. Субъектив баҳо шакллари хос эмас. —**лар** кўпликдан бошқа семантик-услубий маъноларни ифодаламаса-да, атама ҳосил қилишда иштирок этади. Умумий эгалик устун туради, I-II шахс қўшимчалари ишлатилмайди, III шахс шакли фаол. Ундов ва тақлид сўзлар ҳам бу услубга хос эмас. Юкламаларнинг эса имконияти чегараланган.

Илмий нутқ учун *дейилади, айтилади, ёритилади, баён қилинади, аниқланади, текширилади, фойдаланилади, таърифланади* сингари хосланган феъллар мавжуд. Феълнинг мажхул даража шакли ҳам бу услуб учун хос. Аммо ҳозиргикеласи замон шаклидан ташқари характерли замон кўрсаткичи йўқ. Кишилиқ олмошлари кам қўлланилади. Бу гап фақат *муаллиф* ва *мен* маъноларида қўлланиладиган ҳамда камтарлик маъносини ифодаладиган *биз* олмошига тегишли эмас.

М.Мукаррамов ушбу монографиясида «Адабий тилнинг конкрет кўринишлари бўлган сўзлашув, бадиий, публицистик, расмий-ҳужжат ва илмий нутқларнинг реал мавжудлигини тан олсак, у вақтда ҳар бир нутқ турининг ўз модал маъно ифодаловчи сўзларини ҳам тан олишимизга тўғри келади»⁴³ деган мулоҳазани айтиб, *демак, хуллас, дарҳақиқат, ҳақиқатан, шубҳасиз, албатта, дарвоқе, масалан, жумладан, айниқса, хусусан, аксинча, афсуски* сингари модал сўзлар ва модал маъно англатувчи бошқа birlikларни таҳлил қилган.

Шу тарзда илмий услубнинг *аммо, лекин* каби ўз боғловчилари, *билан, учун, каби, сингари, ҳақида, тўғрисида, туфайли, сабабли, доир, оид, биноан, ташқари, қараганда, асосан, мувофиқ, қадар* сингари кўмакчилари борлигини ҳам қайд қилиш тўғри бўлади.

⁴³ *Мукаррамов М.* Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили, 108-бет.

Илмий услубда баён этилаётган матннинг синтактик қурилиши фикрий тугалликка, мантиқий изчилликка хизмат қилади ҳамда баённинг табиатидан келиб чиқиб, бир таркибли гапларнинг шахссиз, шахси умумлашган турлари фаол. Ҳндов, атов гаплар қўлланилмайди, нутқ монологик характерда бўлади. Расмий услубдагига ўхшаб гап тузилишининг одатдаги тартиби қўлланилади. Қўшма гап фаол ишлатилади. Дарак гап асосий мавқени эгаллайди, сўроқ ва буйруқ гаплар деярли қўлланилмайди.

Оммабоп услуб ўзбек тилшунослигида филология фанлар номзоди Т. Қурбонов томонидан монографик йўналишда ўрганилган⁴⁴.

Тил тараққиётида муҳим омил саналадиган публицистика ўз навбатида тилнинг имкониятларидан ҳам кенг фойдаланади.

Оммабоп услуб имкониятларининг кенглигини лингвистик ва экстралингвистик (паралингвистик) — тилдан ташқаридаги омилларнинг мустаҳкам алоқадорлигида кузатамиз. Публицистик жанрда ёзилган асарларнинг моҳиятган ҳозиржавоблиги, уларнинг ахборот ҳамда тарғибот-ташвиқот характерда бўлиши ва оммани дунё ёки мамлакатимиз миқёсида содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан зудлик билан хабардор қилиш натижасида юзага келадиган новаторлик унда табиий равишда янги ижтимоий-сиёсий терминологиянинг қўлланилиши ва тилимизда меъёрлашишига сабаб бўлади. Бошқача айтганда, оммабоп услуб тилнинг янги сўз ва иборалар ҳисобига бойиб боришига кўмаклашади.

Оммабоп услуб маълум маънода оралиқ услуб саналади. Бу услубда шаклланган матнлар образлиги, таъсирчанлиги, тасвирий воситаларнинг маҳсулдор қўлланилиши билан бадий услубга яқинлашса, диалектизмлар, историзмлар, арго ва жаргонлар қўлланилмаслиги билан ундан узоқлашади. Ифоданинг аниқлиги ва публицистик жанрларга хосланган ҳамда ижтимоий-сиёсий терминологиянинг қўлланилиши билан илмий услубга ўхшайди. Айни пайтда, ифодадаги қисқалик, лўндалик, ихчамлик, ёрқинлик каби хислатлар ҳам уни илмий услуб билан ёнма-ён қўяди.

⁴⁴ Қурбонов Т.И. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг публицистик стили. Номзодлик диссертацияси. -Тошкент, 1987.

Радио ва телевидениедаги айрим чиқишлар бу услубда: и матнда сўзлашув услуби элементлари ҳам баъзан аралашиб кетиши мумкинлигини кўрсатади.

Маълумки, публицистика бадий, сиёсий, илмий жабҳаларни қамраб олувчи йирик соҳа ҳисобланиб, оммавий ахборот воситалари саналадиган радио ва телевидениеда, газета ва журналлар саҳифаларида акс этадиган янгилик, хабар, репортаж, таҳлилнома, бош мақола, мақола, очерк, фельетон, памфлет, эълон, реклама сингари қатор жанрларни қамраб олади. Ана шу қамров доирасининг кенглиги ўз навбатида тил бирликларининг ҳар бир жанрда эҳдида тарзда меъёрлашувини тақозо этади. Бу ўринда эса меъёрлашнинг умумий жиҳатлари хусусида сўз юртиш имконияти мавжуд.

Т.Қурбоновнинг қузатишича, сифатдош оборотлар, феълларнинг шари майли шаклларининг алмашилиб ишлатилиши риторик сўроқ, риторик мурожаат, ундов, бир бош бўлаклар гапларнинг фаоллиги бу услубга хос хусусиятлар саналади. Унинг муҳими, ижтимоий-сиёсий атамалар кўп қўлланилади. Ҳатто умумистеъмолдаги сўзлар ҳам оммабоп услубда ёзилган матнда атамага айланиши мумкин: *овоз, очик овоз, ёпиқ овоз, ҳал қилувчи овоз, маслаҳат овози, қарши овоз, овозга қўймоқ, овоз бермоқ, Осиё овози* сингари.

Ижтимоий-сиёсий атамалар асосан *-чи, -параст, -парвар, -хона, -нома* қўшимчалари ёрдамида ясалади. Мисоллар: *террорчи, қўпоровчи, ақидапараст, миллатпарвар, девонхона, божхона, ҳиссадор, тадбиркор* каби.

Шу ўринда мазкур услубда сўз ясалиш имкониятининг бошқа вазифавий услубларга нисбатан маҳсулдор эканлигини таъкидлаш ўринли бўлади.

Турли метафорик турғун бирикмалар - *давр талаби, дўстона суҳбат, юқори ҳосил учун кураш, яратувчилик ишлари, дунё ҳамжамияти, мустақил мамлакатлар ҳамдўстлиги, мустақилликни мустаҳкамлаш* сингариларни фаол қўллаш ҳам оммабоп услуб табиатига мосдир.

Сўроқ гапларнинг маҳсулдор ишлатилиши, уларнинг мурожаат ва диалог шаклида бўлиши, бунда савол берув-

⁴⁵ Қўнғуров Р., Каримов С., Қурбонов Т. Ўзбек тилининг функционал стиллари.- Самарқанд, 1984, 35- бет.

чи ҳам, жавоб берувчи ҳам муаллифнинг ўзи ҳисобланиши (*Фурур нима ўзи? Ранги қанақа? У ҳаммада бирдай бўладими ёки аксинчами? Менимча, фурурли одам мамлакат миқёсида амалга оширилаётган ҳар қандай муваффақиятни ўзига тегишли деб билади ва ундан қувонади.* (Халқ сўзи, 2001 йил 20 сентябрь), уюшиқ бўлакли гапларга кўпроқ мурожаат қилиниши (*Чунки ўқитувчи зоти машаққатли меҳнати, ҳаётий тажрибаси, беқиёс меҳри билан ёш авлодга фақат илм-фан сирларини ўргатиб қолмай, унинг юрагида Ватанга муҳаббат, аждодлар руҳига ҳурмат, эл-юртга садоқат каби юксак туйғуларни камол топтиришида ибрат ва намуна бўлади.* (И.Каримов. Ўзбекистон ўқитувчиларига ва мураббийларига табрик, Халқ сўзи, 2001 йил 29 сентябрь), ундовларнинг, кириш бўлақлар ва кириш гапларнинг (*Ваҳоланки, улар ўз мутахассислиги бўйича қаерга жойлашишни билмай юришганди. Албатта, бу билан муаммо бартараф этилди, деб айтиш нотўғри бўлар эди.* (Ишонч, 2001 йил 22 сентябрь), шахси умумлашган гапларнинг кенг қўлланиши билан ажралиб туради.

Оммабоп услубнинг бадиий услуб билан муштарак томонлари, айниқса, унинг лексикаси ва фразеологиясида сезилади.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, янгиликни ёритишга бўлган интилиш оммабоп услубнинг асосий хусусияти саналиб, бу хусусият тилнинг янги сўз ва иборалар билан бойиб боришига сабаб бўлади. Т.Қурбонов бу услубда сўз ясалишининг икки кўриниши — морфологик ва композицион усулининг маҳсулдор эканлигини таъкидлайди ҳамда бунда **-чи, -шунос, -параст, -хона, -дош, -лик, -ча** бирликларининг аҳамиятини алоҳида таъкидлайди.

Бадиий услуб ўзбек тили вазифавий услублари орасида ўзига хос мавқега эга бўлиб, ани пайтда ўзининг алоҳида меъёрларига ҳам эга. Тил материални қамраб олиш имкониятининг кенглиги, умумхалқ тилида мавжуд бўлган барча лингвистик бирликларнинг, шу билан бирга, бошқа вазифавий услубларга хос бўлган элементларнинг ҳам ишлатилавериши ва уларнинг муҳим бир вазифага — бадиий-эстетик вазифани бажаришга хизмат қилиши бадиий услубнинг асосий хусусияти ҳисобланади. Табиийки, бундай имкониятлар бошқа вазифавий услубларда чегараланган.

Тил воситаларини қўллашдаги ана шу кенг қамровлилик бўлиши билан бирга, бу услуб доирасида уларни қўллашнинг маълум меъёрлари ҳам амал қиладики, фонетик, грамматик, лексик ва фразеологик хусусиятлар тарзида кўзга ташланадиган ана шу меъёрлар уни бошқа вазифавий услублардан чегаралаш имконини беради.

Бадий адабиёт тилидаги фонетик ўзгаришлар асосан матнда товушларнинг қисқарган ва орттирилган (*Сўрма мендан, ким дилоро / Дўстми ё жанона деб.* Э.Воҳидов; *Не балолиғ кун эдиким. Ошино бўлдим санго.* Алишер Навоий; *Шаббода мен сени кўрмайман, / Қўлимга тутмайман.* Зулфия), она тилимизнинг тарихий тараққиёти ва шеърият қоидаларига мос тарзда «з» нинг «й» га (*Сўйла қуёш нималар бўлган, / Сен чиққанда биринчи марта.* Ҳ.Олимжон), «қ»нинг «ғ»га (*Қуёш орқасидан —беҳисоб чироғ / Нурига киради мамлакат шу чоғ.* Зулфия) ўтган кўринишларда меъёрлашган.

Шунингдек, бадий услубда, хусусан поэтик нутқда ҳозирги адабий орфографик меъёр талабларига мувофиқ келмайдиган **қаро, ямон, яро, ошно, талош** сингари сўзлар ҳам ишлатилаверади.

Ўзбек тили сўз туркумларининг грамматик шакллари турли адабий, тарихий ҳамда диалектал вариантларга эга бўлиб, улар ҳозирги адабий тил меъёри нуқтаи назаридан бир томондан қўлланиш частотасига кўра фаол ёки аксинча бўлса, иккинчи томондан уларда вазифавий-услубий чегараланиш ҳам сезилиб туради. Бу хусусиятлар сўз ясовчи ҳамда кўплик, эгалик, келишик, даража, шахс-сон, замон, майл, нисбат каби маъноларни ифода этувчи аффиксларнинг нутқдаги иштирокида, ёрдамчи сўзларнинг турлича кўринишлари ва вариантларида намоён бўлади. Уларнинг маълум қисмида бадий услубга хосланганлик мавжуд.

Масалан, **-лар** кесим таркибида келган пайтда ҳурмат (*Дадам келдилар*), киноя, пичинг (*Мулла Эшмат, келсинлар*) каби маънолар сўзлашув услубига хос бўлса, таъкид, кучайтириш, муболага сингари маънолар бадий услубда кўпроқ ишлатилади (*Шу кўзлар юлдуздай абадий кулсин, Баҳор йўлларингга тўшасин чечак.* Зулфия). Бу каби ҳолатлар илмий ва расмий услубларда кўзга ташланмайди.

Бундан ташқари бу услубларда грамматик шаклларнинг адабий-меъерий вариантлари қўлланилса, аксинча, бадиий услубда мазкур грамматик шаклларнинг барча кўринишлари — лаҳжа ва тарихий вариантлари ҳам асарнинг мавзу талаби билан қўлланилаверади.

Услубий хосланиш келишиқ қўшимчалари вариантларининг танланишида айниқса сезилади. Масалан, қаратқич келишигининг **-(и)м** (*Ахир ҳаяжонлар ўзлгим маним*, / *Майли қалбингга ҳам кўчсин ҳаяжон*. К.Бахромова), **-н** (*Қандай кўркам қизлар авлодин* / *Хассос диди ва шоир дили*. Зулфия), **-инг** (*Шавқимнинг шуҳраси бошинг уза зар тора фидо*, / *Кўнглуминг маҳзани гул орази гулнора фидо*. Жоний) тарзида қўлланиши, қаратқич-қаралмиш инверсияси (*Ярқирар минг бир баҳор кўрки камолингда сенинг*, / *Офтобнинг акси бор ўтлуғ жамолингда сенинг*. Ж.Жабборов), грамматик кўрсаткичларсиз келиши (*Қаршингда турибди умрим бир куни*, / *Менинг увоқ шеърим менинг дилпорам*. Ж.Камол); тушум келишигининг **-(и)н** (*Учирсанг-да кўкка юрак кулин*, / *Аччиғланмам сенга нозли қуёш*. Фитрат) ва белгисиз шакли (*Улуғ Ҳоқон, сендан сўров шу эрди*. / *Элга сабр, бардошдан бўлак нарса бер*. Ҳ. Худойбердиева); жўналиш келишигининг **-а** (*Тоғларнинг юзи қора*. *На кўкат бор, на лола*. *Ул таажжуб этарди*. *Кундуздаги аҳвола...* Ҳ. Олимжон), **-на** (*Соя тушса ногаҳон бу жисми бетоб устина*. Навоий), **-қа** (*Ҳажри ашким еткурур ҳар дам қуёшқа бир ҳаёт*. Навоий), **-ға** (*Ё илоҳи, эмди қилғайсан бу банданга назар*. *Жандами, бир дўш этиб, кирдим йўлунгга дарбадар*. Машраб) ҳамда белгисиз ҳолатда бўлиши (*Мактаб бордик - оғир бўлиб қолдик дафъатан*. А.Орипов); чиқиш келишигининг **-дин** тарзида ишлатилиши (*Ватан севмакдин ортиқ Менга оламда шиор бўлмас*. Э.Воҳидов), ўрин келишиги қўлланганда у билан эгалик қўшимчаси ўртасида битта «н» товушининг ортирилиши (*Сурхонингда анор гули қаҳрабодур*, *Ёбонингда бодомларинг талх ғизодур*, *Қовун-тарвуз қурсоғинда селитродур*, *Кимлар сени бемор этди*, *Табиатингни хор этди*. О.Ҳожиева) шу услубга хос хусусиятлар саналади.

Сифат ва сон туркумлари доирасида қараладиган грамматик бирликларнинг кўпчилиги барча вазифавий услубларда ишлатилиши билан ҳақарактерланса-да, уларда ҳам

услубий фарқланишларни, стилистик оттенкаларни пайқаш қийин бўлмайди⁴⁶. Масалан, сифатдаги **-лик** қўшимчасининг **-лиқ, -лиғ, -луқ, -луғ** каби шакллари (*Шоҳигул эрмас бу ўтлуғ юзларинг ҳижрониди*. Э.Воҳидов) ажралиб туради; **чароғоғ, шодон, заъфарон** каби сўзлар таркибидаги **-он; чиркин, оташин** каби сўзлардаги **-ин** аффиксларида бадиий услубга хос чегараланганлик сезилади (*Сўнг бу ифлос зафардан Улар шодон юрдилар. Оламда мард йўқ экан. Бизлар мардмиз дедилар*. О.Матжон).

Олмошларнинг услубий чегараланишлари бадиий адабиётда сезиларли ўрин тутади. Кишилиқ олмошларини олайлик. **Мен, биз, сен, сиз, улар** сингари олмошларнинг бири ўрнида иккинчиси, яъни **мен** ўрнида **биз** (**-Ма, ич, амир, - деди ва кулди. -Билиб қўй, биздай амирул-мўмин қўлидан ёлғиз сен май ичурсен**. О.Ёқубов), **мен** ўрнида **сен** (*Билмайдиким... йўқ тўхта Муҳаммад Тарағай! Нечун сен шаҳзодадан ранжийсен*. О.Ёқубов), **сиз** ўрнида **сен** (*Изн айла! Она Дариғ тутма лутфингни, Аввал шуки, сенга қалқон бўла олмаган Бизни - ношуд фарзандларни афу этгайсен*. Э.Самандар) қўлланиши бу услуб учун меъёр саналади.

Феълда бадиий услубга хос белгилар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: **Эмоқ-эрмоқ** (*Кеча устод чақиртирган эркан*. О.Ёқубов), **кан-кин** (*Бўлганмикин ер узра бир кўз Кўрмак учун сени осмонда*. Ҳ.Олимжон), **-гин/-гил/-ғил** (*Қўйгил у кунларни эслатма менга*. А.Орипов; *Лекин ҳазар қилмағил*. О.Ёқубов), **-син/-сун** (*Жонлар сенинг юзгинангдан айлансун*. Фитрат) кабилар.

Услуб талаби билан ўзаро ўрин алмашишларни майл ва нисбат категориялари мисолида ҳам кузатамиз. Масалан, шарт майли - аниқлик майли: *Теримчи чеварлар этаклаб қоплаб Тоғдай хирмонларга келтириб тўкса, Мен беҳад севаман*. Зулфия. Ёки аксинча: *Мен ҳаёт эканман, ҳаётсан сен ҳам*. Зулфия. Буйруқ майли - шарт майли: *Бойсунқур мирзо зўравонлик қилсин! Мен мўминларча бош эгиб элчи*

⁴⁶ Бу ҳақда яна қаранг: Қўнғуров Р. Сифат стилистикаси / Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти масалалари. - Самарқанд, 1982, 3-10 бетлар; Шу муаллиф. Олмош стилистикасига оид айрим мулоҳазалар// Ўзбек тили стилистикасидан кузатишлар. - Самарқанд, 1981, 4-21-бетлар.

юборай! О.Ёқубов, буйруқ-истак майли — аниқлик майли: *Қайга борсин тақдирдан қочиб?* Зулфия.

Майл шаклларининг бу тарзда қўлланилиши илмий ва расмий услубларда чегараланган. Уларда феъллар асосан аниқлик майли шаклида бўлади.

Бадиий услубда феълнинг барча нисбат шакллари ишлатилади. Аммо аниқ нисбатдаги феъллар бирмунча фаол. Илмий нутқда эса, аксинча, феъллар асосан мажхул нисбатда қўлланилади.

Бадиий асар баёнида замон шаклларининг барчаси иштирок этади. Лекин одатда бадиий асарларда бўлиб ўтган воқеаларнинг ҳикоя қилиниши туфайли унда феълнинг ўтган замон шакллари маҳсулдор ҳисобланади. Шу билан бирга, тасвирдаги кенг кўламлилиқ муаллиф тилида ҳозирги ва келаси замон шаклларининг ишлатилишини ҳам тақозо қилади⁴⁷. Келаси замон - ўтган замон: *Қиш чилласи авжида. Изғиринли еллар эсади. Қўл оёқларига кишан солинган, кийимлари йиртиқ маҳбуслар Самарқанднинг Регистон майдонида совуқдан қалтираб шаҳар қозисининг ҳукмини тинглайдилар* (П.Қодиров).

Шеърин нутқда эса, асосан феълнинг ўтган ва келаси замон шаклларидан фойдаланиш маҳсулдор.

Ёрдамчи сўзлар ҳам тилимиздаги бошқа бирликлар сингари нутқ жараёнида ўзининг услубий имкониятларини намоён қила оладиган тўлақонли тил бирликларидир. Уларнинг ана шу кенг услубий имкониятларини биз, энг аввало, вазифавий чегараланишларда пайқаймиз.

Бадиий услубга хослари қуйидагилар: Кўмакчиларни олайлик. *Билан* кўмакчисининг *бирла, бирлан, ила, -ла; учун* кўмакчисининг *-чун; каби* кўмакчисининг *мисол, мисоли, мисли; ора* кўмакчисининг *оро*, шунингдек *янглиғ, узра, ичра* кўмакчилари бадиий матн учун хос.

Лекин ва *агар* боғловчиларининг қисқарган шакли *лек* ва *гар* ҳамда боғловчилари ҳақида ҳам шу гапларни айтиш мумкин: *Ёр истиғносидан ўлмасману, куйдим ва л е к -Лобарим олдида Ҳазим бу қадар беҳол учун* (Э.Воҳидов);

⁴⁷ Садыкова М. Стилистика глагола в современном узбекском литературном языке: Автореф. дис.... д-ра филол.наук. - Ташкент, 1991. с.34

Гар гуноҳ орттурсанг ўзинга огир, Виждон азобида қоврилсанг бот-бот (А.Орипов), *Мен худ ул тифли паривашга кўнгул бердим, вале. Хонумоним ногаҳон бузилмағай бошдин яна* (Бобур), *...ҳаммани олиб борадимиз ёинки хоҳлаган бориб, хоҳламаган қўлаберадимиз?* (Ўзбек тили грамматикаси), *Ҳолонки мен сизни хондан ҳам юқори қўйган эдим* (А.Қодирий) кабилар.

Юкламаларда услубий чегараланиш аниқ билиниб турмайди. **Фақат** юкламасининг ўрни билан синоними бўлиб келадиган **ёлғиз** сўзидагина бадиий услубга хослик кўринади: *Нечун ҳамма даричалар қоронғи, ёлғиз унинг даричаси ёруғ* (О.Ёқубов)

Синтаксисда тил бирликларини мазмунга мос равишда турли комбинацияларда қўллаш мумкинлиги уларнинг услубий имкониятлари ҳам нақадар кенглигидан далолат беради. Таъкидлаш ўринлики, прозаик асарлар синтаксисен ҳозирги ўзбек адабий тилининг синтактик меъёрларини ўзида акс эттиради. Буни, айниқса гап бўлақларининг нутқда жойлашувида кузатамиз. Аммо поэтик нутқ синтаксиси бошқача. Шеърини нутқнинг асосий белгиларидан саналадиган инверсия туфайли матнда кўплаб синтактик қурилишлар мажмуи вужудга келади.

Экспрессив-эмоционаликни вужудга келтирувчи восита сифатида инверсия сўзлашув ва бадиий услубга тегишлидир.

Сўроқ гапларнинг риторик тури, ундов гаплар, ҳисҳаяжон гаплар ҳам сўзлашув ва бадиий услубга хос. Бу услубдаги гап қурилиши ҳам маълум даражада фарқланади. Масалан, расмий ва илмий услубларда кўпроқ қўшма гаплар, уларнинг боғланган ва боғловчисиз турлари, сўзлашув услубида содда гаплар, айниқса уларнинг тўлиқсиз шакли ишлатилиши хос бўлса, оммабоп ва бадиий асарларда гапнинг ҳар икки тури ҳам аралаш ҳолда келвериши мумкин. Тўлиқсиз гаплар драматик асарларда, хусусан диалогик нутқда маҳсулдор қўлланилади. Бир бош бўлакли гапларнинг шахси ноаниқ тури, атов гаплар, сўз-гаплар, киритма гаплар бадиий матнда ижодкор индивидуал услубини юзага келтирувчи қулай грамматик воситалар саналади⁴⁸.

⁴⁸ Бу ҳақда кенгроқ маълумот олиш учун қаранг: *Каримов С. Ўзбек тилининг бадиий услуби.* - Самарқанд, 1992, 77-96-бетлар.

Бадиий услуб лексикаси ҳам алоҳида белгиларга эга. «...бошқа функционал стиллар учун хос бўлган лексика (масалан, илмий ва расмий иш услубига хос бўлган терминлар)нинг бадиий стилда кенг қўлланилмаслиги ва фақат бадиий стилда қўлланувчи махсус воситаларчинг мавжудлиги бадиий стилга хосланган лексикани алоҳида ажратишга асос бўлади», дейди Э.Бегматов⁴⁹. *Абру, албат, армуғон, базмаро, балқимоқ, баҳористон, бода, бўстон, гавҳарафшон, гирён, гулбаҳор, гулистон, гулрў, гулшан, дебоचा, дилафрўз, дилхона, долға, дурафшон, дуто, жаҳонбахш, жондош, жўшмоқ, жўшқин, кабк, куйламоқ, либос, лолагун, лўливаш, майгун, мардонавор, мастона, маҳваш, маҳпора, мозий, моҳ, мужда* каби хосланган сўзлар луғатларда поэтизмлар номи билан юритилади.

Маълумки, ёзувчининг тил маҳорати, энг аввало, синонимик бирликлар устида ишлаш маҳоратидир. Синонимик қатордан мос, керакли бирликни танлаб олиш экспрессивликни, субъектив баҳони аниқ ифода этишнинг энг тўғри йўли бўлганлиги туфайли у бадиий адабиётда зарур лингвистик восита саналади. Бунинг устига тилда синонимик вариантлар борлиги учун услубий меъёрни белгилаш имконияти мавжуд. А.Ҳожиёвнинг «Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати» (Тошкент, 1974) ана шу синонимик вариантларни фарқлашда амалий ёрдам беради.

Фразеологизмлар моҳият эътибори билан асосан сўзлашув ва бадиий нутқ мевасидир. Улардаги бошқа услубга хос чегараланишлар эса маълум муддат кейин юзага келади. Масалан, биргина *ўлмоқ* маъносини англатадиган юзга яқин фразеологизмлар синонимик қаторининг пайдо бўлиши уларнинг вазифавий чегараланиш имкониятини туғдиради. Масалан бу тизимга кирадиган *оламдан ўтмоқ, дунёдан ўтмоқ, омонатини топширмоқ, қулоғи остида қолмоқ, жон бер...моқ* шакллари сўзлашув услубида ишлатилса, *вафот этмоқ, ҳаётдан кўз юммоқ, дунёдан кўз юммоқ, ҳаёт билан видолашмоқ* қабилар илмий, оммабоп ва расмий услубларда учрайди. *Аллоҳ раҳматига йўл тутмоқ, шаҳодат шаробини ичмоқ, дорилфанодан дорилбақога рихлат қилмоқ* сингарилар эса бадиий матнга тегишлидир.

⁴⁹ Бегматов Э. Ўзбек тили лексикологияси, 186-бет.

Агар бадий адабиётда, хусусан шеърятда ишлатилиб келинаётган эскирган сўзларни бу услубнинг муҳим лисоний аломатларидан деб ҳисоблаш мумкин бўлса, диалектизмларнинг ишлатилиши адабий тил меъёрига мувофиқ келмайди.

Кичик бир хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, бадий услубда адабий тил бойликларидан фойдаланибгина қолинмасдан, ундаги кўплаб бирликларнинг тилда меъёрлашувига, адабий тилнинг бойиб, ривожланиб боришига доимий равишда таъсир ўтказиб туради.

Сўзлашув услуби кишиларнинг кундалик расмий-норасмий, эркин муомалалари доирасида тил бирликларининг ўзига хос тарзда амал қилишидир. Уни маълум маънода тилдаги бошқа услубларга қарама-қарши қўйиш мумкин.

Бу услубнинг ўзига хос хусусияти нутқ жараёнида тил ва тилдан ташқари омилларнинг уйғун бўлишида кўринади. Айни пайтда бу ҳолат сўзлашув услубидаги меъерий ҳолатларни белгилашни қийинлаштиради. Чунки тилдан фойдаланувчининг шахси, бунинг устига, нутқий вазият ягона бир меъерни тайин этишга имкон бермайди.

Шундай бўлса-да, сўзлашув услубининг ўзига хос меъерлари ҳақида мулоҳаза юритиш учун ҳам тилимизда далиллар етарли. Аммо нима бўлганда ҳам бу меъерларни сўзлашув услуби учун муҳим бўлган тил ва тилдан ташқари омилларнинг уйғунлигидан ахтариш бизни асл мақсадга яқинлаштиради.

Хўш, сўзлашув услуби қандай ўзига хосликларга эга? Биринчидан, нутқ эллиптик характерда бўлади. Лекин бундай ҳолатда ҳам тингловчига фикр тушунарли бўлади. Чунки у олдин айтилган фикрнинг мантиқий давоми бўлади. Масалан, **қорамми? кўкми?** шаклида бериладиган саволни икки хил вазифада олиб кўрайлик. Агар биз уни уй бекаси тилидан эшитсак, **қора чой дамлайми** ёки **кўк чой дамлайми?** деган маънода тушунишимиз мумкин. Худди шу саволни дўкон сотувчиси тилидан эшитсак, **қора чой оласизми** ёки **кўк чой сотиб олмоқчимисиз?** маъносида тушунишимиз ҳам мумкин.

Иккинчидан, сўзлашув нутқида тил бирликлари ўзининг экспрессивлик имкониятларини кенг намойиш қилади. Масалан, **улгурамизми?** деган саволга **йўқ, улгурмаймиз** дейишдан кўра вазиятдан келиб чиқиб, **улгуриб бўпмиз, улгуриш қаёқда, улгуриб ҳам бўлдик** сингари жавоблар бирмунча табиий ва экспрессивроқ бўлиб чиқади.

Учинчидан, бу услубда оҳанг - интонациянинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Оҳанг оғзаки нутқнинг реаллашувида тил бирликларидан кейинги муҳим, ҳал қилувчи восита бўлиб, унинг нутқ темпи, пауза, тон, мелодия, товуш тембри, сўз ва гап урғуси каби кўринишлари маънони фарқлашда, от-тенкаларни ажратиб кўрсатишда, ҳаяжонни кучайтиришда хизмат қилади.

Сўзлашув услуби ҳам бошқа вазифавий услублар каби фонетик, лексик, грамматик ўзига хосликларга эга.

Нутқда товушларнинг уйғунлашуви (*кетти, оттан, йигичча*), бир товуш ўрнида иккинчисининг талаффуз қилиниши (*трактир, зарил, биронта*), товушларнинг ўрин алмашиши (*турпоқ, айналмоқ*), товушларнинг орттирилиши (*ўрамол, фикир, банка*), тушириб қолдирилиши (*газет, бурни, эғни*) каби фонетик ҳодисалар аввало сўзлашув услубида намоён бўлади.

Сўзлашув услуби лексикасида икки қатлам алоҳида ажралиб туради. Биринчи қатлам — бу кундалик турмуш муомаласида фаол қўлланиладиган ижтимоий ҳаёт ва уй-рўзгор юмушлари билан боғлиқ сўзлар. Бундан ташқари бу услубда «...сиёсат, санъат, маданият, спорт ва сўзловчининг касб-ҳунарга мансуб хилма-хил нарса ва ҳодисаларни ифодаловчи умумдабий лексика кўплаб ишлатилади»⁵⁰.

Иккинчи қатлам - оғзаки нутқдаги экспрессив бўёққа эга бўлган сўзлар. Улар нейтрал қийматдаги сўзлар билан синонимик муносабатга кириша олади: *кичкина (болагина), йиқилди (қулади), бузоқ (иш билмас, галварс), оғзи очик (йиғлоқи)* каби.

Бу услубнинг *бурнини кўтармоқ, кўзини шира босмоқ, қўли калталик қилмоқ* сингари ўз фразеологизмлари мавжуд. Киши номларини *Абди, Бек, Зули, Дили* сингари қисқартириб ишлатиш мумкин. Сўзларнинг метонимик кўлами жуда кенг тарқалган. Масалан: *аудитория кулди, кенгаш бўлди, дастурхонга ўтирди, самоварга чиқди* каби.

Сўзлашув услубида нутқий вазиятнинг аҳамияти жуда катта. *Салом, ассалому алайкум, ваалайкум ассалом, хайр, ҳа, йўқ, албатта, аҳа, хўп* сингари сўзлар нутқда кўп ишлатилади.

⁵⁰ Ш о м а қ с у д о в А. Ўзбек тили стилистикаси. —Тошкент: Ўқитувчи, 1983, 15-бет.

Сўзлашув нутқи ўзбек тилшунослигида проф. Б.Ўринбоев томонидан анчагина дуруст ишланган⁵¹. Бу нутқ китобий нутқдан бир қадар фарқ қилиб, *Асал, асал, бармоғингни тишлаб оласан; Иш, фақат тугмачани боссанг бас; Кечадай кеча; Боладай бола* каби гап чакллари одатдаги ҳол ҳисобланади.

Китобий нутқ учун боғловчисиз қўшма гаплар одатда хос эмас, оғзаки сўзлашув нутқи учун эса, аксинча, характерлидир. Сўзлашув нутқидаги содда гаплар кўпинча феъл билан ифодаланган кесимнинг йўқлиги билан характерланади. Ҳатто баъзан шундай ҳолатлар ҳам бўладикки, бундай гапларга феъл-кесимни қўйиб ҳам бўлмайди. Масалан, *Биз сизникига. Биз магазинга; Мен, одатда ишга автобусда, ишдан пиёда* каби.

Амалий машғулотлар учун вазифалар:

1. Ушбу матннинг қайси услубга тегишли эканлигини аниқланг ва унинг ўзига хос тил жиҳатларини кўрсатиб беринг: *Табиатдаги жисмларнинг маълум шароитда электр зарядга эга бўлиши (электрланиши) мактаб физика курсидан маълум. Жисмда электр зарядининг борлиги унинг бошқа зарядланган жисмлар билан ўзаро таъсирланишидан намоён бўлади.*

Электр зарядлари икки турда бўлиб, шартли равишда мусбат ва манфий деб аталади. Бир хил ишорали зарядлар бир-бирини итаради, ҳар хил ишоралилари эса ўзаро тортишади.

Электр заряди элементар зарралар деб аталадиган баъзи зарраларнинг асосий хусусиятларидан биридир. Барча элементар зарраларнинг заряди (агар унинг заряди нолга тенг бўлмаса) абсолют қиймати жиҳатдан бирдай бўлади.

2. Ушбу матннинг ҳам қайси услубга тегишли эканлигини аниқланг ва унинг ўзига хос тил жиҳатларини кўрсатиб беринг:

Президентимиз томонидан 2000 йилнинг «Соғлом авлод йили» деб эълон қилиниши бу соҳада амалга оширилиши лозим бўлган тадбирларни янада кенгайтирди. Жойларда мана шу масала юзасидан турли хил тадбирлар ўтказилмоқда. Мақсад - оналик ва болаликни муҳофаза этиш, соғлом авлодни тарбиялаш, оила ва никоҳни ҳар томонлама мустаҳкамлашдан иборитдир. Лекин шунга қарамасдан, айрим пайтларда ёш қизларни ҳали ба-

⁵¹ Ўринбоев Б. Ўзбек тилининг сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари. – Тошкент: Фан, 1975; Ўринбоев Б., Ўринбоева Д. Ўзбек тилининг сўзлашув услуби. – Тошкент, 1991.

лоғат ёшига етмасдан турмушга узатиш ҳоллари содир этила-
япти. Шу сабабли туман ҳокимлиги бу масалада жойларда турли
хил йиғилишларни ўтказмоқда. Мақсад юқорида айтиб ўтилган
салбий кўринишларнинг олдини олишдан иборатдир. («Оқдарё
овози» газетасидан).

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар:

1. Услуг тушунчасини изоҳлаб беринг.
2. Нутқ услублари, яъни вазифавий услублар деганда нимани тушунаси?
3. Ўзбек тилида вазифавий услубларнинг қандай кўри-
нишлари мавжуд?
4. Нутқ маданиятининг услубларга ёки аксинча услуб-
ларнинг нутқ маданиятига таъсири борми?

Адабиётлар

1. **Абдурахмонов Ф.** Стилистик нормалар ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1969, № 6.
2. **Бобохонова Д.А.** Ҳозирги ўзбек адабий тили-
нинг расмий-иш услуби: Филол.фан.номз. ...дис.автореф. –
Тошкент, 1978.
3. **Каримов С.** Ўзбек тилининг бадиий услуби.-
Самарқанд, 1992.
4. **Мукаррамов М.** Ҳозирги ўзбек адабий тилининг
илмий стили. – Тошкент, 1984.
5. **Муҳамедов С.** Ўзбек тили функционал стиллари-
ни белгилаш тўғрисида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1983.
6. **Сулаймонов А.** Тил стиллари ҳақида // Совет
мактаби, 1964, №6.
7. **Шомақсудов А.** ва бошқ. Ўзбек тили стилисти-
каси. –Тошкент: Ўқитувчи, 1983.
8. **Ўринбоев Б.** Функционал услубият ва унинг
моҳияти. - -Тошкент: Фан, 1992.
9. **Ўринбоев Б., Ўринбоева Д.** Ўзбек тилининг
сўзлашув услуби. – Тошкент, 1991.
10. **Қурбонов Т.И.** Ҳозирги ўзбек адабий тилининг
публицистик услуби. Тошкент, 1987.
11. **Қўнғуров Р.Қ., Каримов С.А., Қурбо-
нов Т.И.** Ўзбек тилининг функционал стиллари. – Са-
марқанд, 1984.

ЎЗМА ЮРИДИК НУТҚ

Р е ж а:

1. Юридик матнларнинг умумий тавсифи.
2. Юридик матнларнинг жанр хусусиятлари.
3. Юридик матнларнинг тил хусусиятлари.
4. Ҳуқуқий атамалар ва уларнинг ўзига хос томонлари.
5. Ҳуқуқий ҳужжатларнинг тил ва услубий жиҳатлари.

Таянч сўз ва иборалар: ёзма шакл, қонуний асосланганлик, императивлик, аниқлик, шахсизлик, ношахсий йўналиш, стандартлаштириш, қонунчилик, илмий ҳуқуқий, ўқув, оммабоп, амалий, публицистик, қатъий тил, лексик таркиб, атамалар, ҳуқуқий атамалар, қолип-лар, умумистеъмолдаги сўзлар, махсус сўзлар, семантик боғланишлар, императивлик, декларативлик, меъёрийлик, мантиқий асос, сўз ясаиш имкониятлари, қарор, баён-нома ва унинг турлари, айблов хулосаси, суд қарори, универсаллаштириш, ҳужжатлар тузилиши.

Юқорида ўрганилган мавзулардан шу нарса маълум бўлдики, ўзбек тилининг расмий услуги доирасида қараладиган алоҳида ҳуқуқий соҳа тили — юридик тил мавжуд бўлиб, у ўзининг барча лингвистик аломатларига эга. Бу эса, биринчи навбатда, ёзма нутқда ўз ифодасини топади.

Ижтимоий ҳаётнинг бошқа бирон соҳасида тилнинг мавқеини заррача камситмаган ҳолда, ҳуқуқий соҳада унинг аҳамияти ниҳоятда муҳим эканлигини алоҳида таъкидлаш тўғри бўлади. Чунки Ўзбекистонда демократик тамойилларга асосланиб қурилаётган янги жамиятнинг ривожини қонун устуворлиги билан белгиланади. Масала ана шу тарзда қўйилганда юридик тилни мукамал билиш фақатгина ҳуқуқшуносларнинг вазифаси бўлиб қолмайди, балки жамиятнинг барча аъзолари ундан дурустгина хабардор бўлишлари ҳаёт талабига айланади. Нима учун шундай? Чунки ҳуқуқий

ҳужжатлар мазмунидан хабардор бўлган фуқаро ўз ҳақ-ҳуқуқини танийди, фаолиятининг қайси қисми жамият ва халқ манфаатларига, амалдаги қонун ва қоидаларга мос келиш-келмаслигини яхши англаб етади. Бинобарин, ўз ҳаётини ана шу асосга қуради. Бунинг учун эса ҳуқуқий ҳужжатлар расмийлаштирилган тилни яхши билиши лозимлигини англаб етади.

Хўш, ёзма юридик тилнинг мукамаллигига эришиш учун қандай вазифаларни амалга оширишимиз лозим? Биз бу саволга жавобни таниқли ўзбек ҳуқуқшунослари қарашларидан топамиз. Авваламбор, ўзбек ҳуқуқий атамаларининг ягона тизимини яратиш, барча йўналишларда бу атамаларнинг қўлланиши ва тушунилишида бир хилликка эришиш зарур. Бунинг учун эса юристлар ва тилшунослар ҳамкорликда иш олиб боришлари, ҳуқуқий атамаларнинг мустақилликдан кейинги даврдаги шаклланишини илмий таҳлил этиб, мукамал луғатлар яратишлари лозим. Ана шундагина рус тилидаги *показание* тушунчасини ифода этиш учун *кўрсатув*, *кўрсатма*, *кўргазув*, *кўргазма*, *гувоҳлик*, *сўроқ бериш* сингари сўзлардан ҳар ким ўз билганича фойдаланиб, ҳар хилликка, англашилмовчиликка йўл қўйилмайди. Бу каби ҳар хилликлар ҳуқуқий меъёрларни турлича шарҳлашларга, бинобарин, инсон тақдирини ноқонуний ҳал қилиш каби оқибатларга олиб келиши мумкин. Ёки рус тилидаги *уголовный кодекс* бирикмасидан сўзма-сўз таржима қилиб олинган *жиноят кодекси* бирикмасини олайлик. У қандай маънони беради? Жиноят қилиш, жиноятни амалга ошириш тўғрисидаги қонунлар мажмуими ёки жиноятга белгиланган жазо қонунлари йиғиндисими? Ҳарқалай, иккинчиси ҳақиқатга яқин бўлса керак.

Проф. А.Саидов амалдаги юридик тилда *законодательство*, *показание свидетеля*, *показание обвиняемого или подозреваемого*, *распорядительное заседание*, *судебная коллегия*, *уголовное дело* сингари маъноларини ифода этадиган сўз ва бирикмаларнинг нотўғри ишлатилиб келинаётганлигидан афсусланиб гапиради ва таъкидлайдики, *законодательство* сўзини *қонунчилик* деб тушуниш керак эмас, чунки у рус тилидаги *законность* сўзининг маъносига тенг келади. Аслида у *қонунлар ёки қонун чиқариш фаолияти* дейилиши керак. *Уголовное дело* ҳам *жиноий ишлар* эмас,

балки *жиноят ишлари* маъносига тўғри келади. «Баъзи ҳолларда юридик атамалар шунчалик махсуслашган бўладики, - деб ёзади А.Саидов, - улар ҳуқуқ илмидан хабардор бўлмаган кишилар учун тушунарсиз бўлади ёки нотўғри тушунилади. Масалан, «расторжение брака» - «никоҳни бекор қилиш (бузиш)» атамаси мутахассис бўлмаган кишилар томонидан кўпинча нотўғри қўлланилади. Ёки «свобода совести» «виждон эркинлиги» тарзида умуман нотўғри тушунилади. Маълумки, бу тушунчанинг асосий маъноси, унда архаизм усуллари мавжуд бўлиб, тарихан шаклланган, илоҳий ибтидонинг бор-йўқлигига ишониш ёки ишонмаслик эканлигини ифодалайди. Лекин мутахассис бўлмаган кишилар «виждон эркинлиги» бирикмасидаги «виждон» сўзини одатдаги маънода тушуниб, кўпинча чалқашликларга сабаб бўлишади».⁵²

Олим бу чалқашликларнинг, турли хилликларнинг вужудга келиш сабабларини ҳам кўрсатиб беради ва таъкидлайдики, «...қонунлар чиқариш, ҳуқуқий тизимимизни яратишда асосан рус тилидан фойдаланиш кечаги куннинг қусури сифатида ҳали ҳам сақланиб келмоқда».⁵³

Мана шундай камчиликлар мавжудлиги ва бу камчиликлар ҳуқуқий саводхонлигимизга жиддий таъсир кўрсатётганлиги учун ҳам, юқорида таъкидланганидек, ҳуқуқий атамашунослик ва луғатшунослик борасида жиддий амалий вазифаларни амалга оширишимиз лозим. Шу мазмундаги масалалар А.Саидов, Л.Саидова, Ш.Кўчимов, М.Қосимовларнинг «Қонун ва тил» (Тошкент, 1997) китобида, А.Саидов, М.Қосимова, Л.Каримовларнинг «Ўзбек ҳуқуқий атамалари муаммолари» (Ўзбек тили ва адабиёти, 1992, 2-сон), Ф.Аҳмедов ва А.Саидовларнинг «Терминология — это важно» (Народное слово, 16 августа 1991 года) мақолаларида ҳам кўтарилган.

Бу вазифаларни, назаримизда, қатъий тартиб-қоидаларга бўйсуниб амалга оширишга эса барча шарт-шароитлар мавжуд. Мана шу ўринда акад. Ш.Ўразаевнинг қонунлар тили ҳақида мулоҳаза юритиб айтган қуйидаги фикрларини эслатиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: қонунлар

⁵² Қонун ва тил. — Тошкент, 1997, 66-67-бетлар.

⁵³ Ўша асар, 25-бет.

1) Конституциянинг руҳи ва тилига мос келиши; 2) улар принципиал янги қоидалар (талаблар)ни мужассамлантириши; 3) ҳуқуқий тизимга унинг ажралмас бўлаги сифатида уйғунлашуви; 4) мумкин қадар қисқа бўлиши; 5) аҳоли бирор бир қисмининг ҳуқуқларини чекламаслиги; 6) қонунчиликда такрорлашлар ва қарама-қаршиликларнинг бўлмаслиги; 7) ижтимоий муносабатларни нозик ва аниқ тартибга солишга ҳаракат қилиши; 8) қонун талабларини бажармаслик оқибатида келиб чиқадиган аниқ жавобгарлик (санкция)ни кўрсатиши лозим.⁵⁴

Демак, ҳуқуқий ҳужжатлар, айниқса қонунларни юзага келтиришда «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси» матнига, ундан кейин эса бир тўхтамга келинган сўз ва иборалардан фойдаланишга эътибор қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ягона юридик атамалар тизими мана шу тарзда шаклланади.

Халқимизда «Қонун барча учун баравар», деган ақида мавжуд. Агар шу ақидадан келиб чиқиладиган бўлса, нафақат қонун, балки барча юриспруденцияга тегишли бўлган ҳужжатлар ҳаммага тушунарли бўлиши, содда ва оммабоп тилда ёзилиши лозим. Мана шу талабнинг ўзиёқ юридик ҳужжатлар матнини алоҳида бир услубда шакллантиришни тақозо қилади. Бу услуб юридик ҳужжатлар шаклланишида тил бирликларини танлашнинг алоҳида бир тизимини келтириб чиқаради.

Бу айтилганларга ўзбек юридик тилини шакллантиришдаги умумий томонлари сифатида қарайдиган бўлсак, унинг бевосита лингвистик жиҳатлари ҳам мавжудки, бўлажак ҳуқуқшунослар бу масалалардан ҳам хабардор бўлишлари лозим.

Бу лингвистик жиҳатлар қайсилар? Дастлаб ёдда тутишимиз лозим бўлган нарса юридик тилнинг ўзбек тили расмий услуги доирасида қаралиши лозимлигидир. Демак, бу нутқ расмий тилнинг барча талабларига жавоб бериши лозим. Жумладан, ёзма нутқ ҳам.

Юридик ёзма нутқнинг бош талаби матнни ўзбек тилида саводли, грамматик қонун-қоидаларга мувофиқ тарз-

⁵⁴ Уразаев Ш.З. Модель Закона: какой ей быть? -- Т.:Фан, 1990, 36-с.

да шакллантириш бўлиб ҳисобланади. Бунда гапда оддий тартиб амал қилади. Мас.: *Ўтказилган ҳужжатли тафтишда Мирзаёров Санақул томонидан жавобгарлигидаги қазилма бойликлардан жами 414000 сўмлик талон-тароғликка йўл қўйилганлиги тниқланган каби. Ёки Судда Бўрибоевнинг иши кўриб чиқилди дейиш мумкин бўлгани ҳолда Иши кўриб чиқилди судда Бўрибоевнинг деб бўлмайди. Чунки бу ўринда эҳтиросга берилиб матнни шакллантиришга ҳеч қандай зарурат йўқ.*

Юридик матнларда ҳар бир сўзнинг, қўшимча ва тиниш белгисининг ўз ўрни бор. Уларни яхши билган юрист мана бу тарзда «Айблов хулосаси» ёзмайди: *Шундай қилиб Мирзаёров Санақул ўзининг юқоридаги ўз вазифаларига лоқайдлик ёки виждонсизларча муносабатда бўлиши оқибатида уларни бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги давлат манфаатларига кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлган мансабга совуққонлик билан қарашда ифодаланган жиноий ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 207-моддасини 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.*

Ушбу жиноят иши туман суди судловига тегишли бўлиб жиноят иши бўйича тузилган айблов хулосасини тасдиқлаш ва судга юбориш масаласини ҳал қилиш учун жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 381-моддаси тартибида туман прокурорига тақдим этилади.

Туман прокурорининг айблов хулосасидаги ушбу матн қуйидагича ёзилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди: *Шундай қилиб, Мирзаёров Санақул лоқайдлик оқибатида ўз вазифасини лозим даражада бажармаган, давлат манфаатларига катта миқдорда зарар етишига сабаб бўлган ва мансабга совуққонлик билан қарашда ифодаланганидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 207-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.*

Ушбу жиноят иши туман суди судловига тегишли бўлиб, мазкур иш бўйича тузилган айблов хулосаси тасдиқлаш ва судга юбориш масаласини ҳал қилиш учун Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 381-моддаси тартибида туман прокурорига тақдим этилади.

Матндаги грамматик жиҳатдан таҳрирталаб бўлган ҳолатларга аниқликлар киритиш, уни бирмунча содда ва аниқ ҳужжатга айланттириш мумкин. Аммо ноўрин қўлланган сўз

билан мураса қилиб бўлмайди. Назаримизда, прокурор ёрдамчиси *виждонсизларча* сўзини ноўрин қўллаган. Айбланувчини содир этган жинояти учун қонун йўли билан жазолаш лозим, лекин уни ҳақорат қилиш ва шахсига тегишга ҳеч кимга ҳуқуқ берилмаган. Одам виждонсиз бўлиши, айни пайтда, лоқайд ва совуққон бўлмаслиги мумкин. Лоқайд ва совуққон бўлиши, лекин виждонли инсон бўлиши мумкин. Бунинг устига, айблов хулосаси эълон қилинаётган фуқаро ҳақиқатдан ҳам виждонсиз бўлса, жиноятга онгли равишда қўл урган бўлади ва бундай жиноят бошқача тарзда баҳоланиш ҳамда жазо белгиланишни тақозо қилади. Ваҳоланки, айблов хулосасида ишда жиноятни оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслиги ҳам таъкидланган.

Кўринадики, ҳуқуқий матнда ҳар бир тил бирлиги алоҳида мавқега эга. Уларга ниҳоятда масъулият билан ёндошиш юристинг обрўсига ижобий таъсир кўрсатади. Яна бир мисол. Прокурорнинг «Кассация протести»да қуйидаги гаплар ёзилган: *Суд муҳокамасида, судлар жабрланувчиларни кўргазмаларини ўзгартирганликларига танқидий баҳо бермасдан ва М.Аҳмедов оғир жиноятлар туркумига киратилган ҳаракатларни содир этганига ҳуқуқий баҳо бермасдан, унга бир қадар енгил жазо тайинлаган кўринади*. Матндаги имловий ва услубий хатоликларни бир четга қўяйлиги, ундаги енгил жазо тайинлаган кўринади жумласига эътиборимизни қаратайлик. *Кўринади* сўзи прокурор хулосасини шубҳа остига қўймайптими? Агар у шубҳаланаётган бўлса, нега протест ёзади? Ҳарқалай, бундай ҳолатларда иккиннинг бири танланиши лозим.

Юридик матнларни шакллантиришда яна бир ҳолат билан мураса қилиб бўлмайди. Бу рус тили қолиплари асосида фикрлаш ва уни ўзбек тили материали билан ифодалашга боғлиқ ҳолатлардир. Мас.: *Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 498-500-моддаларига қўлланиб, (?) СҮРАЙМАН: 1. Боғишамол туман судининг 27.12.2000 йилги Аҳмедов Мадраҳим Матлабовичга нисбатан бўлган ҳукмини (?) тайинланган жазони (?) енгилиги сабабли бекор қилиб, жиноят ишини қайта кўриш учун бошқа суд ҳайъатига юборишликни. Боғишамол туман прокурори, адлия катта маслаҳатчиси. Фамилия.*

Бизнингча, бу матн қуйидагича ёзилиши лозим: *Юқорида айтилганларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 498-500-моддаларига асосланиб:*

- *Боғишамол туман судининг 27.12.2000 йилги Аҳмедов Мадраҳим Матлабовичга нисбатан тайинланган жазонинг энгиллиги сабабли ҳукми бекор қилиб, жиноят ишини қайта кўриб чиқиш учун бошқа суд ҳайъатига юборишингизни сўрайман. Боғишамол туман прокурори, адлия катта маслаҳатчиси. Фамилия. Матндаги асосланиб* сўздан кейинги икки нукта ва чизикча ўрнига вергул қўйиб, матннинг давомини ёзавериш ҳам мумкин. Биринчи ҳолатда прокурорнинг яна бошқа талаби борлиги ҳам назарда тутилган. Иккинчи ҳолатдан эса талаб фақат битта талаб бўлганда фойдаланилади.

Кўринадики, фикр қанча ихчам ва қисқа баён қилинса, уни тушуниш ва ижро этиш шунчалик осон ва реал бўлади. *Енгил жазо тайинлаган кўринади* тарзидаги жумлалар эса ҳукм чиқарувчининг иккиланишига сабаб бўлиши табиий.

Юридик тилнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундаки, у адабий тилда шаклланиши лозим. Бунга, айниқса, ёзма нутқда эҳтиёж сезилади. Бу матнда шевачилик таъсирида бўлиш, адабий тилга хос бўлмаган сўз ва ибораларни қўллаш ижобий ҳодиса саналмайди. Масалан, *прокурор* ўрнида сўзлашув услубида қўлланиладиган *қораловчи, адвокат* ўрнида *оқловчи* тарзида ёзиш, юқорида таҳлил этилган *виждонсиз* сингари сўزلардан фойдаланиш тўғри эмас.

Хуллас, юридик матнлар тилида ҳар бир гап тўғри тузилган бўлиши, ундаги ҳар бир сўз ва ибора ўз ўрнида ва аниқ, маълум бир мақсадни кўзлаб ишлатилиши, жумлалар қисқа ва мантиқий бўлиши, образли ифодалар қўлланилмаслиги, ифодада эътирозларни, баённи, ҳатто бир сўз ёки атамани икки хил тушунишга йўл қўйилмаслиги лозим.

Бунинг устига, юридик тил образли-эстетик воситалардан ёки кундалик муомалада фаол ишлатиладиган шева архаизм, историзм, неологизм каби элементлардан, фразеологизмлардан кенг фойдаланмаслиги билан фарқланиб туради. Ортиқча такрорларга йўл қўйилмайди, жумлаларнинг мумкин қадар содда тузилиши талаб қилинади, юридик матннинг эпитетларга тоқати йўқ. Ҳатто синонимлардан кенг фойдаланиш йўл қўйиб бўлмайдиган ҳодиса ҳисобланади.

Яна бир нарсани эслаш тўғри бўладики, юридик тилнинг ичида ҳам алоҳида йўналишлар мавжуд. Масалан, прокуратура, адвокатура ёки суд соҳасида, гарчи улар умумий бир юридик тил атрофида бирлашса-да, фаол қўлланиладиган алоҳида атамалар, сўз ва иборалар бўлади. Айни пайтда улар учун умумий тил бирликлари биргина феъл туркуми доирасида қуйидагилар эканлигини таъкидлаймиз: *жорий қилинсин, тамомлансин, юклатилсин, кенгайтирилсин, ташкил қилинсин, топширилсин, жалб этилсин, белгилансин, йўл қўйилмасин, кучайтирилсин, ишлаб чиқсинлар, ишлаб чиқилсин, ишлаб чиқиш топширилсин, кўзда тутилсин, таъминласинлар, ажратиб берилсин, тасдиқлансин, чоралар кўрилсин, чоралари кўрилсин, чоралари ишлаб чиқилсин, чоралари белгилансин, тавсия этилсин, сақлаб қолинсин, тадбири кўрилсин, зарур деб топилсин, амалга оширилсин, имконият туғдирсин, шароит яратсин, уюштирилсин* ва ҳоказо.

Бу атамалар кўламини *жазо, жиноят, зарурий мудофаа, охирги зарурат, мансабдор шахс, ҳокимият органи, оғир жиноят* каби бошқа сўз туркумига оид сўзлар ҳисобига давом эттириш мумкин.

«Юридик тил, - деб таъкидлашади А.Саидов ва Г.Саркисянцлар, - бир қанча кенжа системага эга: қонун тили ёки давлат юридик тили, илмий юридик тил, суд тили, ҳуқуқшунос-муаллим тили, публицист-юрист тили, прокурор тили, адвокат тили ва бошқалар».⁵⁵ Улар маълум тилдан фойдаланишда умумий асосга эга бўлса ҳам, мазмунан фарқланади. Аслида эса тил жиҳатдан ҳам фарқланади ва бу ҳолат, биринчи навбатда, ёзма нутқда ўз ифодасини топади. Буни ҳуқуққа оид айрим ҳужжатларнинг расмийлаштирилишида яққол кузатишимиз мумкин.

Тергов ва суд жараёни билан боғлиқ бўлган айблаш фикри, айб эълон қилиш ҳақидаги қарор, жинойий ишни қўзғатиш ҳақидаги қарор, гувоҳларни сўроқ қилиш, юзлаштириш, тинтув ўтказиш, мол-мулкни мусодара қилиш баённомалари, айблов хулосаси, суд қарори, суд ҳукми, прокурор норозилиги (протести), турли мазмундаги тушунтириш хатлари, эҳтиёт чорасини кўриш, тавсифнома каби бир қатор

⁵⁵ Саидов А., Саркисянц Г.П. Юридик тил ва ҳуқуқшунос нутқи, 5-б.

юридик матнлар мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бирининг расмийлаштирилишида ўзига хос қолиплар ва қўлланиладиган алоҳида сўз ва иборалар мавжуд.

Бошқача айтганда, юридик ҳужжатлар маълум қолиплар ва шаблонлар асосида шакллантирилади. Бунда қисқалик, фикрларни мантиқий изчиллик ва ўзаро боғлиқликда, кетма-кетликда баён этиш, расмийлик сингари жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш муҳимдир. Талабалар бу ҳужжатлар тили ва услубининг умумий томонларини, айти пайтда, уларнинг бир-бирдан фарқини англашлари ва бу ҳужжатларни расмийлаштириш жараёнини пухта ўзлаштиришлари лозим. Ҳуқуқшуносликка оид бошқа фанларни ўзлаштиришда, амалиёт дарсларида ҳам улар бу ҳужжатлар мазмунини ўрганадилар. Аммо мазкур мавзунини ўзлаштиришда эса талабалар диққати масаланинг тил ва услуб жиҳатларига қаратиладигани, бунинг юридик ҳужжатларни юртишда, бошқача айтганда, масаланинг процессуал жиҳатларини ўзлаштиришда аҳамияти ғоятда муҳимдир. Шунинг учун бу ҳужжатлардан айрим намуналарни келтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Қ А Р О Р

2003 йил 16 март куни Боғишамол тумани Жиноят ишлари бўйича судида

судья (фамилия) раислигида,

халқ маслаҳатчилари (фамилиялар) иштирокида,

(фамилия) котиблигида очиқ суд мажлиси бўлиб ўтди.

Суд 1983 йилда туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, муқаддам судланмаган, бўйдоқ, яқка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи, Самарқанд шаҳри Дўстлик кўчасидаги 32-уйда яшовчи Узоқов Дилшодга нисбатан Давлат солиқ инспекцияси (бундан кейин ДСИ) томонидан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси (бундан кейин МЖТК) 186-моддасининг 1-қисмига асосан қўзғатилган маъмурий ишни кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

1. 2003 йилнинг 20 февраль куни Боғишамол тумани ДСИ ходимлари Самарқанд шаҳри Навоий шоҳ кўчасида жойлашган савдо дўконида назорат тартибида текширув ўтказилганда қоидабузар Узоқов Дилшод акциз маркаси бўлмаган 23000 сўмлик 110 қути тамаки маҳсулотларини савдога қўйганлиги аниқланди ва бу ҳақда белгиланган тартибда далолатнома тузилиб, кўрсатилган миқдордаги маҳсулот далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Суд тузилган далолатнома, баённома, тушунтириш хатлари ва ишга оид тўпланган бошқа материаллар билан танишиб чиқиб, Узоқов Дилшоднинг ушбу хатти-ҳаракатлари ўз тасдиғини топган деб ҳисоблайди.

Суд Узоқов Дилшоднинг хатти-ҳаракатлари этил спиртли, алкогольли маҳсулот ва тамаки маҳсулотини ноқонуний равишда ишлаб чиқариш ёки муомалага киритишни ифода этадиган Ўз.Р МЖТК 186- моддасининг 1-қисми билан тўғри белгиланган деб ҳисоблайди.

Суд юқоридагиларни инобатга олиб ва Ўз.Р МЖТК 309-311-моддаларини қўллаб.

қ а р о р қ и л а д и:

1. Қоидабузар Узоқов Дилшод Ўз.Р МЖТК 186- моддасининг 1-қисми билан айбдор деб топилсин ва унга шу моддага асосан энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида, яъни 12250 (ўн икки минг икки юз эллик) сўм жараима солинсин.

2. Далилий ашё сифатида олинган 23000 сўмлик тамаки маҳсулотлари давлат фойдасига мусодара қилинсин.

Қарордан норози томондан 10 кун муддат ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судига шикоят қилишга ҳақли.

С у д р а с и

(фамилия)

А Ж Р И М

2003 йил 16 март куни Боғишамол тумани Жиноят ишлари бўйича судида

судья (фамилия) раислигида,

халқ маслаҳатчилари (фамилиялар) иштирокнда,

(фамилия) котиблигида

томонлар — Боғишамол туман прокурори катта ёрдамчиси (фамилия), адвокат (фамилия) иштирокида очиқ суд мажлиси бўлиб ўтди.

Суд Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (бундан кейин ЎЗР ЖК) 169-моддасининг 2-қисми «В» банди билан айбланаётган Раҳмонов Жўрабек Рустамовичнинг 528-сонли (прокуратурада 1501-сонли) жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Дастлабки терговда Ж.Раҳмонов 2002 йилнинг 18 октябрь куни соат тахминан 11:30 ларда бировларнинг мол-мулкини яширинча талон-тарож қилиш мақсадида вояга етмаган И.Боймуродов, О.Муродов, Ж.Хаитовлар билан ўзаро жиноий тил бириктиришиб, Самарқанд шаҳри Сартепа масканидаги 34-уй олдида жойлашган «Табриз» хусусий дўкони сотувчиси Г.Расуловани чалғитишиб, унинг пуллари сақланадиган қутичадан 1850 сўм пулни ўғирлашликда айбланган.

Аммо дастлабки тергов жараёнида Ж.Раҳмоновдан эҳтиёт чораси сифатида муносиб хулқ-атворда бўлишлик ҳақида тилхат олинмаган.

Мазкур жиноий ишни судда кўриб чиқиш 2002 йилнинг 19 декабрь куни соат 10:00 га тайинланди. Лекин тегишли тартибда хабардор қилинган Ж.Раҳмонов суд мажлисига келмади.

Суд котибининг маълум қилишича, Ж.Раҳмонов айблов хулосасида кўрсатилган манзилда — Пастдарғом тумани Чархин қўргони Найман қишлоғида яшамайди ва номаълум жойга кетиб қолган.

Шунга кўра суд Ж.Раҳмоновга нисбатан ЎЗР ЖПКнинг 399, 400, 420, 422-моддаларини қўллаб, жиноят иши юртишни тўхтатишни, унга нисбатан қидирув эълон қилишни, эҳтиёт чорасини ўзгартириб, қамоққа олишни, қидирув чораларини кўриш учун айблов хулосасини тасдиқлаган прокурорга юборишни лозим топади.

Айтилганларга асосланиб ва ЎЗР ЖПК нинг 423-моддасини қўллаб, суд қуйидагича

а ж р и м қ и л а д и:

1. 1985 йил 17 июлда Самарқанд вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, муқаддам судланмаган, Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани Чархин қўрғони Найман қишлоғида яшовчи Раҳмонов Жўрабек Рустамовичга нисбатан қидирув эълон қилинсин.

2. Эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, Ж.Раҳмонов қамоққа олинсин ва бу ҳақда Самарқанд шаҳар Боғишамол судига хабар берилсин.

3. Ж.Раҳмоновга нисбатан қўзғатилган жиноят иши ЎЗР ЖК 169-моддасининг 2-қисмига «В» бандига асосан тўхта-тилсин.

4. Жиноят иши назорат қилиш учун ажрим билан бир-галикда айблов хулосасини тасдиқлаган прокурорга юборилсин.

5. Ажримни ижро этиш Самарқанд шаҳар ИИБ ЖҚБ бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Суд раиси

(фамилия)

Самарқанд вилоят судининг жиноий ишлар бўйича судлов ҳайъатига

Боғишамол туман судининг 2000 йил 27 декабрда М.М.Аҳмедовга нисбатан қўзғатилган жиноят иши юзасидан чиқарган ҳукмини бекор қилиш ҳақида

ҚАТЪИЙ НОРОЗИЛИК

Боғишамол туман судининг 2000 йил 27 декабрдаги ҳукмига асосан судланувчи Аҳмедов Мадраҳим Матлабович Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (бундан кейин ЎЗР ЖК) 169-моддасининг 3-қисми «б» банди билан айбли деб топилиб, шу моддага мувофиқ унга тегишли бўлган мол-мулк давлат фойдасига мусодара қилиниб, 5 (беш) йил муддатга жазо тайинланган ҳамда бу жазо Ўз.Р Президентининг 2000 йил 28 августда чиқарилган «Амнистия тўғрисида»ги Фармонининг 9-моддаси «а» бандига биноан 1/3 (учдан бир) қисмига қисқартирилган ва ЎЗР ЖКнинг 96-моддасига асо-

сан тиббий йўсиндаги алкоголизмдан мажбурий даволаш чоралари қўлланган.

Қуйидагиларга кўра мазкур ҳукмнинг ноқонуний эканлигини таъкидлайман ва уни бекор қилиб, қайта кўришга юбориш лозим деб ҳисоблайман:

Дастлабки тергов ҳужжатларида М.Аҳмедов 2000 йил 19 август куни тахминан соат 23 ларда ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-тарож қилиш мақсадида ўз бошқарувидаги ВАЗ-2111 русумли давлат белгиси 14 D 12-85 бўлган машинасида Самарқанд шаҳар Мирзо Улугбек кўчасидаги 72-А бинода жойлашган, фуқаро Шербекова Гулноза Чориевнага тегишли бўлган «Улугбек-Ш» хусусий дорихона олдига келиб, ҳеч кимнинг йўқлигидан фойдаланиб, дорихонанинг кириш эшигидаги осма қулфни бузиб очиб, ичкарига гайриқонуний равишда кириб, пештахталардаги умумий нархи 910093 сўмлик дори-дармонлар ва 350000 сўмлик «Самсунг» русумли касса аппаратини ҳужалик сумкасига жойлаб, ўзи билан бирга олиб чиқиб кетганлиги ва машинасида воқеа жойидан ғойиб бўлганлиги қайд этилган.

Суд жараёнида жабрланувчилар дастлабки терговда берган кўргазмаларини ўзгартириб, М.Аҳмедов олиб кетган дориларнинг бир қисмини топганликларини баён қилишган. Шунга мувофиқ суд М.Аҳмедовнинг ҳаракатларини ЎзР ЖК 169-моддасининг 4-қисми «а» бандидан шу молданинг 3-қисми «б» бандига қайта малакалаб, судланувчига нисбатан 5 йил озодликдан маҳрум этиш жазосини белгилаган.

Суд муҳокамасида ҳайъат аъзолари жабрланувчиларнинг кўргазмаларини ўзгартирганликларига танқидий муносабатда бўлмасдан ва М.Аҳмедов оғир жиноятлар туркумига кирадиган ҳаракатларни содир этганига ҳуқуқий баҳо бермасдан, унга бир қадар енгил жазо тайинлаган.

Юқорида айтилганларга мувофиқ, Ўз.Р ЖПКнинг 498-500-моддаларига асосланиб:

Боғишамол туман судининг 27.12.2000 йилги Аҳмедов Мадраҳим Матлабовичга нисбатан тайинланган жазонинг енгиллиги сабабли ҳукми бекор қилиб, жиноят ишини қайта кўриб чиқиш учун бошқа суд ҳайъатига юборишингизни сўрайман.

**Боғишамол туман прокурори,
адлия катта маслаҳатчиси**

(фамилия)

Ҳ У К М

Ўзбекистон Республикаси номидан

2001 йил 8 февраль куни Нуробод туман суди ўз бчно-сида раислик қилувчи судья — (фамилия), халқ маслаҳатчилари - (фамилиялар) дан иборат ҳайъатда, (фамилия) нинг котиблигида, томонлардан — прокурор ёрдамчиси (фамилия) ва адвокат (фамилия) иштирокида бўлган очиқ суд мажлисида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (бундан кейин ЎзР ЖК) 109-моддасининг 2-қисми билан судланувчи Фаниев Баҳром Абдивайтовичнинг 1-25-рақамли жиноят ишини кўриб чиқди.

Судланувчи Фаниев Баҳром Абдивайтович 1980 йилда ЎзР Самарқанд вилояти Советобод туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўз.Р фуқароси, партиясиз, маълумоти тўлиқсиз ўрта, оилалик, депутат эмас, муқаддам судланмаган, Нуробод шаҳридаги хусусий новвойхонада новвой бўлиб ишлайди. Нуробод тумани Улус ширкат хўжалигининг Ўртабўз қишлоғида яшайди, айблаш фикри нухасини олган, эҳтиёт чораси тилхат орқали очиқда белгиланган.

Суд ушбу жиноят иши материалларини таҳлил қилиб, очиқ суд мажлисида судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини тинглаб қуйидагиларни аниқлади:

Судланувчи Б.Фаниев 2000 йилнинг 7 ноябрь куни тахминан соат 14:00 ларда ўзи ишлайдиган новвойхонада нон ёпаётган вақтида шу новвойхонага нон олиш учун келган Нуробод тумани Каттақўрғон ширкат хўжалиги Нурдум қишлоғида яшовчи, турмуш ўртоғи Мавлонова Маҳбубанинг собиқ эри Холмуродов Ойбекка «сен нима учун келдинг», деб унинг ёқасидан ушлаб тортганидан сўнг улар ўзаро жанжаллашиб қоладилар. Новвойхонадан чиққанларидан кейин у Ойбекнинг боши ва юзига қўли билан қасддан бир неча марта уради ва натижада Холмуродов Ойбек тан жароҳати олиб Нуробод туман марказий шифохонасига тушиб, 2000 йилнинг 7 ноябридан 15 ноябргача давланиб чиқади. Нуробод тумани суд тиббиёт экспертизасининг 2000 йил 20 ноябрда берган 236-сонли хулосасида жабрланувчи Холмуродов Ойбекка соғлигининг бузили-

шига сабаб бўлган енгил тан жароҳати етказилганлиги кўрсатилган.

Очиқ суд мажлисида судланувчи Б.Ғаниев қилган жиноятига иқроор бўлиб қўйидагича кўрсатма берди: - Мен 2000 йил 7 ноябрь куни тахминан соат 14:00 ларда турмуш ўртоғим М.Мавлоновани туз олиб келиш учун дўконга юбориб, ўзим нон ёпиш билан шуғулландим. Шу вақтда хотиним йиғлаб келиб қолди. Ундан нима бўлганлигини сўраганимда индамади. Шундан кейин новвойхонага турмуш ўртоғимнинг собиқ эри Холмуродов Ойбек кириб келди ва менга «Баҳром сенмисан», деб жанжаллашиб кетди. Иккаламиз судрашиб ташқарига чиқдик. Ойбекка «ёқамни қўйиб юбор», деб силтаган эдим, қўлим унинг юзига тегиб кетди. Бизларни новвойхона эгаси Муҳиддин ака келиб ажратди. Ойбек кетди. Орадан бироз вақт ўтгандан кейин унинг отаси Холмуродов Очил келиб, «нима учун ўғлимни урдинг», деб менга дағдаға қилди. Яна Муҳиддин ака келиб у кишини чиқариб юборди. Ўша пайтда қўлимда пичоқ эмас, хамир кесадиган куракча бор эди. Лекин у билан ҳам Ойбекка ҳамла қилган эмасман. Бу ерда Ҳасан ва Бобошер исмли кишилар йўқ эди. Жанжалга Бобошер аралашган эмас. Жанжал новвойхонада бўлган, автобус бекатида эмас.

Судда Б.Ғаниев берган кўрсатмадан ташқари унинг содир этган жинояти сўроқ қилинган жабрланувчи ва гувоҳларнинг қўйидаги кўрсатмалари билан тўлиқ тасдиқланди:

Жабрланувчи Холмуродов Ойбек: - 2000 йил 7 ноябрь куни отам битта қўй сўйиб Нуробод шаҳрига келди. Мен шу қўйнинг терисини олиб отамнинг олдига келдим. Отам менга нон олиб келишимни буюрди. Новвойхонага бордим. Новвойхонада Б.Ғаниев «Сен Ойбекмисан, бу ерга кир», деди. Новвойхонага кирдим. Б.Ғаниев «Нега бу ерга келдинг», деб ёқамдан ушлаб, юзимга ва бошимга урди. Бурним қонаб қолди. Келиб отамга воқеани айтганимдан сўнг отам иккаламиз унинг олдига бордик. Баҳром отамга ҳам бақирди. Мен илгари Б.Ғаниевни танимаганман. Унинг хотини менинг собиқ турмуш ўртоғим бўлганлиги рост. М.Мавлонованинг қўлидан ушлаб тортган эмасман. Жанжалдан кейин соғлигим ёмонлашганлиги сабабли, касалхонада 9 кун ёғиб, даволаниб чиқдим. Судланувчига қонунга мувофиқ жазо беришларингизни сўрайман.

Гувоҳ Мавлонова Маҳбуба: - Жабрланувчи О. Холмуродов менинг собиқ турмуш ўртоғим бўлади. Судланувчи Б.Фаниевга кейин турмушга чиққанман. 2000 йилнинг 7 ноябрь куни эрим Б.Фаниев мени туз олиб келиш учун дўконга жўнатди. Туз олиб қайтаётганимда собиқ турмуш ўртоғим «Гап бор», деб қўлимдан ушламоқчи бўлганида новвойхонага қочиб келдим. О.Холмуродов ҳам орқамдан келди. Кейин «Сен Баҳроммисан», деб эримнинг ёқасидан ушлади. Иккаласи тортишиб қолишди. Баҳром Ойбекка қўйиб юборишни айтиб, қўлини силтаганида, қўли Ойбекнинг юзига тегиб кетди. Кейин Ойбек бориб отасини айтиб келди. Улар эрим билан жанжаллашмоқчи эдилар Муҳиддин ака йўл қўймади, уларни ажратди. Шундан сўнг улар кетишди. Баҳром уларнинг орқасидан автобус бекати-га қувиб борган эмас.

Гувоҳ Мавлонов Бобошер: - Б.Фаниев куёвим бўлади. 2000 йил 7 ноябрь куни синглим Маҳбубани туз олиб келишга юборган эдик. У бир вақт йиғлаб келиб қолди. Кейин унинг изидан собиқ турмуш ўртоғи О.Холмуродов ҳам келди. Ойбек ва Баҳром жанжаллашиб қолишди. Бир-бирларининг ёқаларидан ушлашиб, тортишиб кетишди. Баҳром қўлини силтаганда Ойбекнинг юзи ва бошига тегиб кетди. Новвойхонанинг эгаси Муҳиддин ака уларни ажратиб қўйди. Ойбек кетиб, 10-15 минутлардан кейин отаси О.Холмуродовни эргаштириб келди. Очил ака Баҳромга «Ўғлимни нимага урдинг», деб бақирди ва у билан уришмоқчи бўлди. Муҳиддин ака келиб уларни чиқариб юборди. Мен жанжалга умуман қўшилган эмасман. Баҳромнинг қўлида пичоқ йўқ эди. Ойбекнинг орқасидан ҳеч ким қувган эмас.

Гувоҳ Холмуродов Очил: Жабрланувчи О.Холмуродов ўғлим бўлади. 2000 йил 7 ноябрь куни битта қўй сўйиб, Нуробод шаҳрига гўштини олиб келдим. Терисини ўғлим Ойбек олиб келиб сотиб, менинг олдимга борганида уни 2 та нон олиб келишга юбордим. Бир оздан сўнг у йиғлаб, юзлари қон бўлиб келди. Б.Фаниев урганлигини айтди. Мен ўғлим билан новвойхонага бориб, Б.Фаниевдан ўғлимни нима учун урганлигини сўраганимда у менга бақириб ташлади. Новвойхонанинг эгаси Муҳиддин ака келиб бизларни ажратиб қўйди. Бизлар кетдик. Ўғлимнинг соғлиги ёмонлашганлиги сабабли уни касалхонага олиб бордик ва

9 кун даволаниб чиқди. Ҳақиқатдан ҳам ўғлим Ойбекнинг соғлиги илгаридан яхши эмас. Унинг жаҳли жуда тез. Б.Фаниевнинг хотини менинг собиқ келиним бўлади.

Бундан ташқари суд-тиббиёт экспертизаси хулосаси ҳамда ишда мавжуд бўлган баёнчома, ариза ва тушунтириш хатлари ҳам бўлиб ўтган воқеани ойдинлаштиришга кўмаклашади.

Суд юқоридаги тафсилотлардан келиб чиқиб Б.Фаниевнинг айби тергов органи томонидан ЎзР ЖК 109-моддасининг 2-қисми билан тўғри малакаланган деб топади.

Суд ЎзР ЖКнинг 465-468-моддаларини қўллаб ҳукм қилади.

Ҳ у к м

Судланувчи Фаниев Баҳром Абдиваитовични ЎзР ЖК 109-моддасининг 2-қисми билан айбдор деб топилсин. У ЎзР ЖК 109-моддаси 2-қисми билан 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишига жалб қилинсин. Жазо умумий асосда ўталсин ва ҳар ойлик иш ҳақидан давлат фойдасига 20 фоиздан ўндирилсин. Ҳукми ижро қилиш Нуробод туман ИИБнинг ахлоқ тузатиш инспекциясига юклатилсин. Жазо муддати иш ҳақи ундирилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Фаниев Баҳром Абдываитовичдан давлат фойдасига 5200 сўм ундирилсин.

Ҳукмдан норози томонлар шу суд орқали Самарқанд вилоят судига 10 кун ичида шикоят қилишга ва эътироз билдиришга ҳақли.

Суд раиси

(фамилия)

Жиноят ишида айбланувчи деб топиш ҳақида

Қ А Р О Р

2001 йил 27 март

Нуробод шаҳри

Мен — Нуробод тумани ИИБ ТБ терговчиси, милиция капитани (фамилия) Жўраев Ихтиёр Бахтиёровичга нис-

батан қўзғатилган ва 191-рақам билан қайд этилган жиноят иши бўйича тўпланган материаллар билан танишиб чиқиб қуйидагиларни

АНИҚЛАДИМ:

Дастлабки тергов материалларига кўра маълум бўлдики, Нуробод тумани Каттақўрғон ширкат хўжалиги худудидаги Кўктош қишлоғида яшайдиган фуқаро И. Жўраев фойдали меҳнат билан шуғулланмасдан, қасддан ўзганинг мол-мулкни яширин равишда талаш мақсадида бир гуруҳ шахслар билан тил бириктириб, қасддан ўғрилиқ жиноятини содир этган.

И. Жўраев ўзининг ҳамқишлоқлари Ҳакимов Низомиддин ва Мелиқулов Ақтамлар билан яширин равишда жиний тил бириктириб, 2001 йил 6 март куни тахминан соат 22:00 ларда Нуробод тумани электр тармоқларига қарашли Нурбулоқ ёрдамчи станциясидан 1989 йилда қуриб ишга туширилган 1,6 км. узунликдаги нархи 240000 сўм бўлган А-70 маркали электр токи ўтказувчи алюминий симларини кесиб олиб ўғирлаган ва Н. Ҳакимовга тегишли бўлган суви йўқ қудуққа яширган. 2001 йилнинг 8 март куни эса бу симни ўғирлаганларини айтмасдан Каттақўрғон ширкат хўжалиги Нурбулоқ қўрғонида яшовчи Суннатов Анварга 20000 сўмга сотиб юборишган. Ва бу пулни ўзларининг эҳтиёжларига сарфлашган.

Шундай қилиб, юқорида номлари тилга олинган шахслар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг (бундан кейин ЎЗР ЖК) 169-моддаси 2-қисми «б» ва «в» бандларида қайд этилган жиноятларни содир этишган.

Қайд этилганлардан келиб чиқиб ва ЎЗР ЖПК нинг 45, 361, 362-моддаларига асосланиб

ҚАРОР ҚИЛДИМ:

Фуқаро Жўраев Ихтиёр Бахтиёрович мазкур жиноят ишини содир этган деб ҳисоблансин ва унга нисбатан ЎЗР ЖК 169-моддасининг 2-қисми «б» ва «в» бандлари билан айблов эълон қилинсин.

Нуробод тумани ИИБ ТБ терговчиси,
милиция капитани

(фамилия)

Ушбу қарор ва ЎзР ЖПКнинг 46-моддасида
кўзда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятларим
менга тушунтирилди, деб

И. Жураев

Шундай қилиб, таъкидлаш ўринли бўладики, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги Қонунининг қабул қилиниши, ўзбек тилининг расмий тил сифатида эътироф этилиши, мамлакатимизнинг ўз мустақиллигини қўлга киритиши ва шу муносабат билан ўзбек давлатчилиги ва қонунчилигида янги бир даврнинг бошланганлиги юридик ўзма нутқ маданиятини янада такомиллаштириш, саводхонликни ошириш масалаларини кун тартибига қўйдики, унга айниқса бўлажак ҳуқуқшунос талабаларга таълим бериш жараёнида алоҳида эътиборни қаратиш лозим бўлади. Чунки тил ва мантиқ илмини пухта ўзлаштирмасдан туриб мамлакатмизда жадаллик билан амалга оширилаётган ҳуқуқий-демократик ислохотларнинг фаол иштирокчисига айланиш мумкин эмаслигини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб турибди.

Амалий машғулотлар учун вазифалар:

1. Қуйидаги тавсифнома матнини таҳлил қилинг, имловий ва услубий камчиликларини кўрсатинг ва ўз вариантингизни қайтадан ёзинг:

1982-йилда Халқобод тумани Олға ширкат хўжалиги Хазармали қишлоғида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти тўлиқсиз олий, Самарқанд Давлат Университети 2-курс ҳуқуқшунослик факультетининг 03-гуруҳ талабаси,
Розиқов Ҳусниддин Боймирзаевичга

ТАВСИФНОМА

Розиқов Ҳусниддин Боймирзаевич Самарқанд Давлат университети ҳуқуқшунослик факультетининг 2-курс талабаси 2001 йил 09.07.2001 йилдан 15.07.01 йил муддат ичида Халқобод туман прокуратурасида ўз амалиётини ўтади. У ўз амалиёти жараёнида ўзини билимдон, ташаббускор сифатида намоён этди.

Ўзига ажратилган ҳар қандай вазифани чуқур масъулият ва чин виждонан бажариб туман прокуратурасида ўзини ижобий тамонидан кўрсатди.

У ўз тажрибасини ошириш мақсадида туман прокуратурасида умумий назорат, жиноят ишлари терговидида фаол иштирок этиб, назарий билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлади.

Резиқов Хусниддин Боймирзаевич ҳуқуқий билимини ва ғоявий-сиёсий даражасини оширишлик учун доимо ўз устида ишлайди.

У туман прокуратурасидаги ўзига беркитилган ҳар қандай топшириқларни сифатли қилиб бажаришни ўзининг биринчи даражали вазифаси деб билади. У ўз жамоаси ўртасида камтарлиги, ишга қобилиятлиги, тиришқоқлиги, изланувчи ва билимдонлиги билан яхши обрў эътибор қозонди.

Биз Халқобод туман прокуратураси ходимлари Розиқов Хусниддин Боймирзаевичнинг келажакда ажойиб юрист бўлиб чиқишига ишончимиз комил.

Ушбу тавсифнома тегишли жойга тақдим қилишлик учун берилди.

**Халқобод туман прокурори
адлия кичик маслаҳатчиси**

(фамилия)

2. Куйидаги мисолларда йўл қўйилган лексик-услубий хатоларни топинг ва уларни тузатиш мақсадида ўз вариантингизни тавсия этинг: *Наркотик моддаларни врач буйруғисиз истеъмол қилиш...*(МҚК. 49-м.). *Ҳайвон ва паррандаларга шафқатсиз муомалада бўлиш...* (ЖК.204-м). *Вояга етмаганларни жиноий ҳаракатларга жалб қилиш ёки уларни ҳар хил жиноятларни содир этишга далолат қилиш...* (ЖК.218-м). *Шахсни таниб олиш учун кўрсатиш чоғида холислар ҳозир бўлади. Таниб олиш учун кўрсатилаётган шахслар иложи борича **фотография қилинади*** (ЖПК, 140-м). *Эҳтиёт чорасини давом эттиришининг чораси қолмаса, бу чора бекор қилинади ёки ишнинг вазияти талаб қилса, бу чора ўзгартирилиб, қаттиқроқ ёки юмшоқроқ эҳтиёт чораси кўрилади — энгил эҳтиёт чораси. **Техника жиҳатдан бузуқ бўлган транспорт воситаларини фойдаланишига чиқариш...*** (ЖПК, 209-м). *Спиртли ичимликни истеъмол қилиб, шунингдек наркотик моддаларни **сууистеъмол қилавериш...*** (ЖК 12-м). *Куйидагилар судга **тушмаган** деб ҳисобланадилар* (ЖК 53-м).

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар:

1. Ҳуқуқий матнлар деганда нимани тушунасиз?
2. Ҳуқуқий матнлар юриспруденциянинг қайси йўналишларида қўлланилади?
3. Бу матнларнинг бир-бирларидан тил ва услуб жиҳатдан фарқлари борми?
4. Ҳуқуқий атамалар тўғрисида нималарни биласиз? Уларнинг ясалиш усуллари қандай?
5. Тергов жараёнида ёзиладиган баённомаларнинг бири-биридан тил жиҳатдан фарқларини тушунтириб беринг.

Адабиётлар

1. *Аҳмедов Ф., Саидов А.* Терминология – это важно // Народное слово, 16 августа 1991 года.
2. *Саидов А., Саркисянц Г.П.* Юридик тил ва ҳуқуқшунос нутқи. – Тошкент, 1994, 5-б.
3. *Саидов А., Саидова Л., Кўчимов Ш., Қосимова М.* Қонун ва тил.- Тошкент, 1997.
4. *Саидов А., Қосимова М., Каримов Л.* Ўзбек ҳуқуқий атамалари муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1992, 2-сон.
5. *Уразаев Ш.З.* Модель Закона: какой ей быть? – Т.:Фан, 1990, 36-с.

ОҒЗАКИ ЮРИДИК НУТҚ

Р е ж а:

1. Нутқий муомала инсон фаолиятининг таркибий қисми эканлиги.
2. Ўзбек нутқининг мулоқот шакллари.
3. Мулоқотнинг тил (лингвистик) ва тилдан ташқаридаги (паралингвистик) омиллари.
4. Оғзаки нутқ турлари. Диалогик ва монологик нутқ ҳақида тушунча.
5. Диалогик ва монологик нутқнинг тил хусусиятлари.
6. Ҳуқуқий-психологик вазиятнинг мулоқот жараёнига таъсири.
7. Касбий муомала одоби.

Таянч сўз ва иборалар: маънавият, маданият, мулоқот, анъана, одат, таомил, муомала мазмуни ва шакли, муомаланинг ёш, жинс, мавқе, вазият, ҳолат, ижтимоий муҳит, вақт сингари омилларга боғлиқлиги, мулоқот қоидалари ва этикаси, мулоқот кўринишлари, суҳбат жараёни, мулоқотнинг ҳудудий фарқланиши, шаҳар ва қишлоқ маданияти, тинглаш маданияти, сўзловчи фаолиятидаги босқичлар, субъектив баҳо шакллари, қадриятлар, урф-одатлар, оғзаки, диалогик, монологик, қисқалик, тўлиқсизлик, инверсия, экстралингвистик омиллар, новербал воситалар, монологик нутқ, ҳуқуқий вазият, психологик вазият, муомала одоби, нутқ қолиплари, терговчи, айбланувчи, гувоҳ, жабрланувчи, суҳбатдаги ўзаро қарама-қаршилик, ҳамкорлик, келишув, мулоқотни фаоллаштиришининг махсус воситалари, қўполлик, тазйиқ, қўрқитиш, касб-ҳунарга оид сўзлар, профессионализмлар, арго.

Ўзбек халқи ўз маънавияти ва маданияти мавжуд бўлган туркий халқларнинг бири сифатида тилдан фойдаланишда ҳам қадимий анъаналари, одат ва кўникмаларига эга. Зеро,

ана шу анъана ва одатлар ҳар бир халқнинг ўзлигини кўрсата оладиган белгилар саналади. Она тилимизнинг бу ижтимоий жиҳатлари тадқиқотчиларимизнинг ҳам эътиборини тортган⁵⁶. Аммо кейинги ўн йилликда ушбу мавзуга бағишланган иккита йирик тадқиқот — С.Мўминов ва Ш.Искандароваларнинг монографик ишлари майдонга келдики, биз мазкур мавзуни ёритишда бевосита ана шу кузатишлар натижаларига асосланамиз⁵⁷.

Маълумки, инсон фаолияти унинг жамият маҳсули сифатида мавжудлиги ҳисобланиб, ана шу фаолият жараёнида у маълум ҳаракатларни амалга оширади ҳамда жамият аъзолари билан тил муомаласида — мулоқотда, фикр алмашишда бўлади. Аммо бу муомала тилдан фойдаланувчиларнинг маданияти даражасига кўтарилгунга қадар узоқ даврни босиб ўтиши табиий. Ўзбек нутқи ҳам бугунги тараққиёт босқичига етгунга қадар ана шундай вақт синовидан ўтган.

Ўзбек тилшунослиги илмида нутқ маданияти масалалари бирмунча дуруст ўрганилиб, ўзининг назарий асосига қўйилган бир пайтда ўзбекча муомаланинг йўл-йўриқларини, усулларини ўрганиш ҳам амалий жиҳатдан муҳим бўлиб ҳисобланади. Чунки ўзининг бой тарихи ва ўтмиши, ҳазас қилса ва намуна олса арзигулик маънавий-маданий меросга эга бўлган ўзбек халқининг мулоқот анъаналари нафақат мазмунан, балки шаклан ҳам ранг-барангдир. Шарқ маънавиятининг таркибий қисми бўлган бу мулоқот ўзбеклар билан ёнма-ён яшаб келаётган бошқа халқлар маданияти билан уйғун, айна пайтда, ўзига хосдир. Кишиларнинг ёшига қараб ҳурмат билдириш ва шунга яраша муомалада бўлиш, суҳбат жараёнидаги самимиятга, суҳбатдошга ён беришга ҳаракат

⁵⁶ Бу ҳақда қаранг : *Содиқова М., Жўраева Ж.* Сўздан сўзнинг фарқи бор. — Тошкент, 1966; *Шодмонов Э.* Муомала муносабатларида қўлланадиган сўзларга доир // «Тилшунослик масалалари» тўплами. — Тошкент, 1970; *Рустамова А.* Сўз хусусида сўз. — Тошкент, 1987; *Уринбоев Б., Уринбоева Д.* Ҳозирги ўзбек тилининг сўзлашув услуби. — Тошкент, 1991; *Мўмин С.* Сўзлашиш санъати. — Фарғона, 1997.

⁵⁷ *Мўминов С.М.* Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол.фан.д-ри... дис.автореф. — Тошкент, 2000; *Искандарова Ш.* Ўзбек нутқи одатининг мулоқот шакллари: Филол.фан.номз. ...дис.автореф. — Самарқанд, 1993.

С. КАРИМОВ, Х. МАМАТОВ
И. БҮРИЕВ

ЮРИСТНИНГ ЎУТҚ МАДАНИЯТИ

